

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

23-сон
(263)
2007 й.
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

232. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 июндаги ПФ–3883-сон Фармони
233. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги ПФ–2598-сонли Фармонига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПФ–3884-сон Фармони
234. «2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июндаги ПҚ–646-сон қарори
235. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 июндаги ПҚ–648-сон қарори

Учинчи бўлим

236. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 25 апрелдаги ПҚ-628-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 июндаги 108-сон қарори
237. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 июндаги 109-сон қарори
238. «Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори
239. «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги 114-сон қарори
240. «Усмон Мусҳафи»ни талаб даражасида сақлашни таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги 115-сон қарори

Бешинчи бўлим

241. «Норматив-ҳукукий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 2 июндаги 103-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 июнда 51-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
242. «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 2 майдаги 130-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 июнда 1558-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
243. «Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 14 апрелдаги 11/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 июнда 1685-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

244. «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар бланкалари намуналарини ҳамда Давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 15 майдаги 01-705-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 4 июнда 1686-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
245. «Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2007 йил 7 майдаги 90, 29-П, 26, 71-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 июнда 1687-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
246. «Пахта толасини комплекс қайта ишлайдиган корхоналарни куриш, қайта ихтисослаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг 2007 йил 7 майдаги ЭГ-01/10-996, 3-3/4-8, 46, РР-1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 июнда 1403-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 2 июндан 8 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

232 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сонли Фармони мувофиқ:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сонли Фармони 5-бандидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги ПФ–2598-сонли Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг вақтинчалик характердаги алоҳида қарорларига мувофиқ божхона тўловлари тўлашдан озод этиш бўйича илгари берилган имтиёзлар муддати ўтгандан сўнг татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (И.Б. Абдуллаев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 июнь,
ПФ–3883-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 5 июндаги
ПФ–3883-сонли Фармони
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 январдаги ПФ–1702-сонли Фармонининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

«5. 1997 йилнинг 1 февралидан бошлаб кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва лизинг компаниялари жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ олиб келинадиган технологик ускуналар, шунингдек технологик ускуналар етказиб бериш контракти шартларида бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш назарда тутилган тақдирда, улар учун божхона божи тўловларидан озод қилинсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги ПФ—1919-сонли Фармонида:

а) 1-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ олиб келинадиган технологик ускуналар, шунингдек технологик ускуналар етказиб бериш контракти шартларида бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш назарда тутилган тақдирда, улар қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин»;

б) 2-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек ишлаб турганларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ республика ҳудудига олиб келинадиган технологик ускуналар, шунингдек технологик ускуналар етказиб бериш контракти шартларида бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш назарда тутилган тақдирда, улар қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ—1987-сонли Фармонининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кичик бизнес корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ олиб келинадиган технологик ускуналар, шунингдек технологик ускуналар етказиб бериш контракти шартларида бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш назарда тутилган тақдирда, улар божхона божи тўлашдан озод этилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 августдаги ПФ—3122-сонли Фармони 1-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ олиб келинадиган технологик ускуналар, шунингдек технологик ускуналар етказиб бериш контракти шартларида бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш назарда тутилган тақдирда, божхона тўлови ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 — 2008 йилларда Тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ—510-сонли қарорининг 5-банди «киритилган корхоналар» сўзидан сўнг «мазкур қарорда назарда тутилган лойиҳалар бўйича» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

233 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги ПФ-2598-сонли Фармонида ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги ПФ-2598-сонли Фармони 9-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (И.Б. Абдуллаев) зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 июнь,
ПФ-3884-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

234 2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида

Қурилиш материаллари саноати корхоналарини сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, илғор машина-ускуналар билан жиҳозлаш орқали уларни модернизация қилишни жадаллаштириш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлашни таъминлаш мақсадида:

1. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури, қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 1-иловага* мувофик;

2007 — 2011 йилларда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлашга инвестицияларнинг технологик тузилмаси 2-иловага* мувофик;

2011 йилгача бўлган даврда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурини амалга ошириш ва асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мақсадли прогноз параметрлари 3 ва 3а-иловаларга* мувофик.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раиси зиммасига 2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурига киритилган лойиҳаларнинг тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

2. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда асосий турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари сўзсиз бажарилиши учун лойиҳа ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишиб олиниши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини, шунингдек мазкур қарорнинг 1-иловасига киритилган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда белгиланган тартибда унга 2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари, биринчи навбатда экспорт ҳажмларини оширишни ва импорт ўрнига маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни эътиборга олган ҳолда, киритилишини назарда тутсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофик 2011 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда истеъмол қилинадиган табиий газ нархлари 4-иловадаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар учун ўзгармай қолсин.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва табдиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур ишлаб чиқарувчилар учун табиий газнинг барқарор нархи таъминланиши ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари нархининг сунъий тарзда оширилишига йўл қўймаслик устидан доимий назорат ўрнатсинлар.

5. Хорижий инвестициялар иштирокида йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (Н.М. Ханов), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг қўшма тақдимномаси бўйича, мазкур қарор билан тасдиқланган 2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурига, экспорт қилишга мўлжалланган замонавий турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган корхоналар ташкил этишга онд янги инвестиция лойиҳалари

*1 — 3, 3а-иловалар берилмайди.

илова қилинишини назарда тутган ҳолда, аниқлик ва қўшимчалар киритишга рухсат берилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 1 июнь,
ПҚ-646-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 1 июндаги
ПҚ-646-сон қарорига
4-ИЛОВА

**2011 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда ишлаб
чиқаришда табиий газ нархи ўзгармайдиган қурилиш
материалларининг рўйхати**

-
1. Пишиқ гишт
 2. Қурилиш гипси
 3. Гипскартон плиталар
 4. Керамик пардозлаш плиткалари
 5. Керамик черепица
- +

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

235 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Сингапур Республикаси Ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида 2007 йил 25 январда Сингапур шаҳрида имзоланган Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 июнь,
ПҚ-648-сон

+

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

236 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 25 апрелдаги ПҚ–628-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 25 апрелдаги ПҚ–628-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида» 1994 йил 9 июндаги 291-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1996 йил 6 июндаги 213-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Олмалиқ кон-металлургия комбинатини акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида» 1997 йил 10 февралдаги 71-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 1 июнь,
108-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**237 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 июнь,
109-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 6 июндаги 109-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги 555-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Мулкчилик ва хўжалик юрисишнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона Давлат реестри тўғрисидаги низомнинг 14-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъекти — юридик шахс ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда КТЯДР эгаси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган орган томонидан:

юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган орган томонидан ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси олинган кундан кейинги кундан кечикмай — юридик шахс тугатиш жараёнида эканлиги;

тугатиш тўғрисида Давлат реестрига ёзув қайд этилгандан кейин бир ҳафта муддатда — юридик шахс тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилинади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзлари-

нинг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1.3-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«корхона муассислари (қатнашчилари)нинг қарори (ихтиёрий тугатиш)»;

банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Корхонани ихтиёрий тугатиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади»;

б) 1.4-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки таъсис ҳужжатларида вакил қилинган органлар» ва «ва органлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

учинчи хатбошидаги «ушбу ҳокимликлар ҳузуридаги» сўзлари «ушбу ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3.1-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органларга» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агар корхона икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти — бир ой муддатда) ихтиёрий тугатишга киришмаган ёхуд корхона муассислари (қатнашчилар) ихтиёрий тугатишни амалга оширишни рад этган, шунингдек кўрсатиб ўтилган шахсларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, рўйхатга олувчи орган бир ҳафта муддатда ҳўжалик судига корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини белгиланган тартибда юборади»;

— учинчи хатбошидаги «муассислар (қатнашчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган орган ёхуд» сўзлари чиқариб ташлансин; +

г) 3.2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.2. Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳўжалик суди бу ҳақда корхонани давлат рўйхатидан ўтказган органга ҳамда махсус комиссияга ёзма равишда хабар бериши шарт. Шунинг асосида рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг Давлат реестрига корхона тугатиш босқичида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни ёзиб қўяди, махсус комиссия эса корхонани тугатишни амалга оширишга киришади»;

д) 3.3 ва 3.4-бандлар чиқариб ташлансин;

е) 3.5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.5. Ҳўжалик судининг қарори кучга кирган вақтдан бошлаб корхона ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар махсус комиссияга ўтади»;

ж) 3.6-бандда:

биринчи — учинчи ва еттинчи хатбошидаги «тугатиш» сўзи «махсус» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «матбуот органларида корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон беради» сўзлари «бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон берилишини ташкил этади» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «оралиқ тугатиш балансини» сўзлари «оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «оралиқ тугатиш баланси» сўзлари «оралиқ тугатиш баланси лойиҳаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Оралиқ тугатиш баланси рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан кейин махсус комиссия томонидан тасдиқланади»;

ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

з) 3.7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «тугатиш» сўзи «махсус» сўзи билан алмаштирилсин;

и) 3.8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.8. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан кейин махсус комиссия кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тасдиқловчи банк тўлов ҳужжатлари нусхаларини илова қилган ҳолда тугатиш баланси лойиҳасини тузади ва келишиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга юборади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ҳужжатлар олинган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида тугатиш баланси лойиҳаси келишилганлиги ёхуд, рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда, келишиш рад этилганлиги тўғрисида ёзма билдиришнома бериши шарт.

Тугатиш баланси ҳудудий махсус комиссия томонидан тасдиқланади»;

й) 3.10-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошидаги «тугатиш» сўзи «махсус» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Махсус комиссия тугатиш ишлари тугалланганлигини (қолган мол-мулк тақсимотини ҳисобга олган ҳолда) протокол билан расмийлаштиради»;

к) 3.11-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.11. Корхонанинг тугатиш ҳужжатлари тўлиқ пакети тўплангандан сўнг махсус комиссия тугатилаётган корхонани юридик шахсларнинг Давлат реестридан чиқариш тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилади»;

иккинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошидаги «корхонанинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органи ёхуд» сўзлари чиқариб ташлансин;

л) 4.1-банднинг биринчи хатбошидаги «корхонанинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органи ёхуд» сўзлари чиқариб ташлансин;

м) 4.2-бандда:

учинчи хатбошидаги «корхонанинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органи ёхуд» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «асл нусхаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 19-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъекти — юридик шахс ихтиёрий тугатилган тақдирда тугатиш тўғрисида Халқ банки филиали юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган орган томонидан хабардор қилинади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**238 Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш учун тайёргарлик тартиботларини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 1 декабрдаги 247-сон қарорига 1-иловада:

а) 10-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш инвестиция лойиҳалари учун умумий белгиланган тартибда амалга оширилади»;

б) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Лойиҳа Экспертлар кенгаши томонидан маъқуллангандан кейин техник-иқтисодий асослашни тасдиқлаш инвестиция лойиҳалари учун умумий белгиланган тартибда амалга оширилади».

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 июнь,
110-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 7 июндаги 110-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш,
экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом:

а) марказлаштирилган манбалар ресурслари ҳисобига амалга ошириладиган (Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, айрим тармоқлар ва корхоналарнинг Ҳукумат қарорлари билан ташкил этилган махсус жамғармалари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ёки номидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари) инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини;

б) улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бериш назарда тутиладиган инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини;

в) махсулот тақсимотига оид битимларга мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини;

г) устав фондида давлат улуши камида 25 фоиз бўлган корхоналар томонидан марказлаштирилмаган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган, қиймати 10 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини;

д) молиялаштириш манбалари ва лойиҳа қийматидан қатъи назар, енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилишни назарда тутувчи инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини;

е) молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, стратегик фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлашни назарда тутувчи, қиймати 10 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ҳукумат қарорлари билан инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлашнинг алоҳида тартиби белгиланган инвестиция лойиҳалари ҳужжатларига татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

инвестиция лойиҳаси (лойиҳа) — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси;

лойиҳаолди ҳужжатлари — қабул қилинган параметрларга кўра лойиҳани амалга оширишнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлигини, шунингдек унинг ҳаётийлигини асослаб берувчи ҳужжатлар йиғиндиси. Лойиҳаолди ҳужжатларига лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоблаши), материаллар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш, қурилиш-монтаж ишларини ва ишларнинг бошқа турларини бажариш юзасидан тендер ўтказиш учун танлов ҳужжатлари; лойиҳанинг якуний техник-иқтисодий асослаши ёки техник-иқтисодий ҳисоблаши, шунингдек молиявий тақлифлар ва/ёки кредит ва инвестиция шартномалари (пул маблағлари жалб этилган тақдирда) киради;

лойиҳа ҳужжатлари — ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган архитектура-шаҳарсозлик ечимлари ва техник ечимларни, қурилишнинг смета қийматини ўз ичига олувчи ҳужжатлар. Лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланган техник-иқтисодий асослаш асосида ишлаб чиқилади;

дастлабки техник-иқтисодий асослаш ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш (кейинги ўринларда ДТИА ёки ДТИХ деб аталади) — вариантларни кўриб чиқиш асосида лойиҳани оқилона жойлаштириш ва амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни, умуман лойиҳанинг чекланган қийматини, шу жумладан, технологик асбоб-ускуналар қийматини асословчи, уни молиялаштиришнинг мумкин бўлган манбалари бўйича вариантларни ҳисобга олган ҳолда молиялаштиришга бўлган эҳтиёж ҳажмини белгилловчи ҳужжат;

якуний техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш (кейинги ўринларда ТИА (ТИХ) деб аталади) — инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг танлов савдолари асосида ва лойиҳани молиялаштириш шартларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган якуний, энг самарали техник, ташкилий ва молиявий-иқтисодий ечимларини белгилловчи лойиҳаолди ҳужжати;

ишчи лойиҳа — чекланган қиймат ва иш ҳужжатларига эга бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан тасдиқланадиган қисмдан иборат ҳужжат;

халқаро молия ва иқтисодиёт институтлари (кейинги ўринларда ХМИИ деб аталади) — давлатлараро битимлар асосида ташкил этилган, Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи/биргаликда молиялаштирувчи институтлар;

— **хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (кейинги ўринларда ХХМТ деб аталади)** — Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи/биргаликда молиялаштирувчи хорижий ҳукумат молия ташкилотлари; +

бошқа тармоқлар — «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолияти турлари классификатори»га мувофиқ давлат бошқаруви тоифасига киритилган тармоқлар;

стратегик фойдали қазилмалар — қимматбаҳо, рангли ва нодир ер металлари, углеводородлар, кўмир, уран.

4. ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар таркиби (кейинги ўринларда топшириқ деб аталади) ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ белгиланади.

5. ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ лойиҳа ташаббускори томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда тегишли вазирлик (идора) раҳбари томонидан тасдиқланади.

II. Лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиби

6. ДТИА (ДТИХ) лойиҳа ташаббускори ёки унинг буюртмаси бўйича — лойиҳалаш ташкилоти ёки инжиниринг компанияси (танлов савдолари қолиби) томонидан, ишланма юзасидан топшириқ асосида ишлаб чиқилади.

7. Тасдиқланган ДТИА (ДТИХ) молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни, лойиҳанинг чекланган қийматини белгилаш, танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, танлов савдолари ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

8. ТИА/ТИХ тасдиқланган ДТИА (ДТИХ), олинган молиявий таклифлар ёки тузилган кредит ва инвестиция шартномалари, шунингдек ўтказилган танлов савдолари натижалари асосида ишлаб чиқилади.

Ишчи ҳужжатлар тасдиқланган ТИА(ТИХ)нинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилади.

9. Лойиҳани амалга ошириш шартларига боғлиқ ҳолда инвестиция лойиҳаси ҳужжатлари қуйидагича изчилликда ишлаб чиқилади:

а) ДТИА — молиялаштириш манбалари ва шартларини келишиш/танлов ҳужжатлари — ТИА — ишчи ҳужжатлар;

б) ДТИХ — молиялаштириш манбалари ва шартларини келишиш/танлов ҳужжатлари — ТИХ — ишчи ҳужжатлар;

в) ишчи лойиҳа-танлов ҳужжатлари.

Ҳужжатларни ишлаб чиқиш вариантлари схемаси ушбу Низомга 2-иловада келтирилган.

10. Лойиҳани амалга ошириш вариантларини ва инвестиция лойиҳаси ҳужжатлари таркибини танлаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

а) ТИАни (дастлабки ва якуний) ишлаб чиққан ҳолда — инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, ушбу банднинг «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган лойиҳалар бундан мустасно;

б) ТИХни (дастлабки ва якуний) ишлаб чиққан ҳолда — «бошқа тармоқлар» объектлари ва якка тартибдаги лойиҳани ишлаб чиқишда ижтимоий соҳа объектлари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда;

в) ИЛни ишлаб чиққан ҳолда — намунавий ва такрорий қўлланадиган лойиҳаларни қўлланган ҳолда қуриладиган «бошқа тармоқлар» ва ижтимоий соҳа объектлари бўйича (ушбу банднинг «б» кичик бандига тўғри келадиган ҳоллардан ташқари), шунингдек аҳоли пунктларининг бош режаларида назарда тутилган муҳандислик коммуникацияларини қуришда.

III. Инвестиция лойиҳаларининг ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби

11. Инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) ушбу Низомга 3-иловага биноан таркибга мувофиқ, зарурат бўлганда, асосий техник ва технологик ечимларни ишлаб чиқишга лойиҳалаш ташкилотлари ва инжиниринг компанияларини танлов асосида жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади.

12. Инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) бўйича хулосаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан — ДТИА (ДТИХ) ҳамда тегишли вазирликлар ва лойиҳа ташаббускорлари бўлган идораларнинг — Шаҳарсозлик кодекси талабларига, норматив ҳужжатлар талабларига ва қабул қилинаётган қурилиш қийматининг қарор топган бозор конъюнктураси даражасига мувофиқлиги юзасидан тармоқ хулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан — ДТИА (ДТИХ) ва «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қуйидагилар бўйича хулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда:

ДТИА бўйича — иқтисодиётни барқарор, мутаносиб ривожлантиришни ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришни, таркибий қайта ўзгартиришларни, тармоқлараро кооперациялашни амалга оширишни, инвестиция сиёсатини рўёбга чиқаришни, ишлаётган қувватлардан фойдаланишни, шунингдек хом ашё ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозори конъюнктурасини таъминлаш нуқтаи назаридан

лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш юзасидан;

ДТИХ бўйича — ижтимоий аҳамиятини, ижтимоий соҳанинг алоҳида тармоқларини ва «бошқа тармоқлар»ни ривожлантириш бўйича Ҳукумат қарорларига мувофиқлигини ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни ва уларни жойлаштиришни мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш юзасидан;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан — ДТИА (ДТИХ) ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг тавсия этилаётган маркетинг концепцияси, тайёр маҳсулотни сотиш истиқболлари асосида жаҳон бозори конъюнктураси, шунингдек тавсия этилаётган технологияга мувофиқ асбоб-ускуналарнинг техник даражаси ва нархларнинг чекланган параметрлари нуктаи назаридан лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш юзасидан ҳулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда.

Ташаббускор томонидан талаб қилинаётган асбоб-ускуналар (технологик линия), шу жумладан яқка тартибда тайёрланаётганларининг тўлиқ ва муфассал спецификациясини тақдим этиш мумкин бўлмаган тақдирда асбоб-ускуналарнинг техник даражаси ва нархларининг чекланган параметрлари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ТИА(ТИХ)ни экспертизадан ўтказиш жараёнида баҳоланиши мумкин. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги ўз ваколатлари доирасида ташаббускорга инвестиция лойиҳаларининг ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқишда прогноزلанаётган уч беш йиллик давр учун ички ва ташқи бозорлар маркетингини ишлаб чиқишни ташкил этишда кўмаклашадилар;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан — ДТИА (ДТИХ) ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қуйидагилар бўйича ҳулосалари тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда:

ДТИА бўйича — лойиҳанинг молия-иқтисодий самарадорлигини ва қопланувчанлигини баҳолаш, лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжни аниқлаш, шунингдек лойиҳани молиялаштиришнинг тавсия этилаётган вариантларини баҳолаш юзасидан;

ДТИХ бўйича — лойиҳани амалга оширишнинг мумкин бўлган вариантини танлаш, молиялаштиришнинг тавсия этилаётган схемасининг мақбуллиги, лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжини аниқлаш юзасидан;

д) хизмат кўрсатувчи банк томонидан — ДТИА (ДТИХ) ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги, лойиҳа ташаббускорларининг кредит тарихини ўрганиш, пул оқимлари таҳлили, таваккалчиликларни баҳолаш ва лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжини аниқлаш юзасидан ҳулосалари тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда. Молиялаштиришни бюджет маблағлари ҳисобига (бошқа манбалардан фойдаланмасдан) амалга ошириш назарда тутилаётган объектлар бўйича хизмат кўрсатувчи банкнинг эксперт ҳулосаси талаб қилинмайди.

Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар, жалб этилаётган кредитларни тўлаш учун маблағлар дефицитини бюджет маблағлари ҳисобига узишни назарда тутадиган ДТИА (ДТИХ) бўйича ҳулосаларида назарда тутилаётган бюджет маблағларининг мақсадга мувофиқлиги (муво-

фиқ эмаслиги) ҳамда ҳажмлари, шу жумладан солиқ имтиёзлари бериш тўғрисидаги хулосалар мавжуд бўлиши керак.

Ваколатли экспертиза органлари қайта ташкил этилган тақдирда хулоса ҳуқуқий ворис бўлган ташкилот томонидан берилади.

13. Лойиҳа ташаббускори Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаментига ДТИА (ДТИХ)ни ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ваколатли экспертиза органларининг хулосаларини илова қилган ҳолда тақдим этади.

14. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаменти тасдиқлаш учун ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича ДТИА (ДТИХ)ни уч кун муддатда тайёрлайди.

15. ДТИА (ДТИХ)ни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат лойиҳанинг номи, унинг ташаббускори, қурилишнинг чекланган қиймати (шу жумладан импорт технологик ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олиш харажатлари), объектнинг ҳисоблаб чиқилган қувватини (ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг йиллик ҳажми ва номенклатурасини), шунингдек иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини, шу жумладан экспорт ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

16. ДТИА (ДТИХ) Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган ДТИА (ДТИХ)нинг битта нусхаси лойиҳа ташаббускорига берилади, иккинчи нусхаси эса сақлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлимида қолади.

17. Лойиҳанинг тасдиқланган ДТИА (ДТИХ) параметрлари, шу жумладан харажатлар турлари бўйича молиялаштиришнинг чекланган лимитлари асосида лойиҳа ташаббускори томонидан, белгиланган тартибда;

а) молиялаштириш манбалари белгиланади ва келишилади;

б) пудратчиларни ва лойиҳа бўйича харид қилинадиган технологик — асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш учун танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

IV. Инвестиция лойиҳаларининг ТИА(ТИХ)ни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган ДТИА (ДТИХ), танлов савдолари натижасида танлаб олинган технологик ва бошқа асбоб-ускуналар бўйича таклифлар асосида, молиялаштиришнинг ишлаб чиқилган манбалари ва шартларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа ташаббускори томонидан инвестиция лойиҳасининг ТИА(ТИХ) ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ таркиб бўйича ишлаб чиқилади.

19. Лойиҳанинг ТИА(ТИХ)ни экспертизадан ўтказиш у тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси «Давархитектурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва молиялаштирувчи банк, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан айни бир вақтда ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ҳар қайси ваколатли экспертиза органларининг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

20. Лойиҳа ташаббускори Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаментига ТИА(ТИХ)ни киритади, унга:

Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича инвестиция лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрларини;

кредитларни тўлашнинг прогноз жадвалларини (кредитлар марказлаштирилган манбалардан жалб этилган тақдирда);

ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ваколатли экспертиза органлари хулосаларини икки нусхада илова қилади.

21. Лойиҳа ташаббускори амалга оширишда солиқ ва божхона имтиёзлари ёки бошқа преференциялар берилишини, Ўзбекистон Республикаси номидан ёки кафолати остида кредитлар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари жалб этилишини назарда тутадиган лойиҳалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлайди ва белгиланган тартибда киритади.

22. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаменти Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини кўриб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ ҳужжатларни тасдиқлаш учун киритади.

Лойиҳанинг ТИА(ТИХ)нинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари лойиҳани амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорига илова сифатида тасдиқланади.

23. Тасдиқланган ТИА(ТИХ)нинг бир нусхаси лойиҳа ташаббускорига берилади, иккинчи нусхаси эса сақлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлимида қолади.

**V. Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш
ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг
ТИА(ТИХ)ни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш
хусусиятлари**

24. Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускор томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилишга доир таклифларни кўриб чиқиш бўйича Идоралараро экспертлар кенгаши (кейинги ўринларда Экспертлар кенгаши деб аталади) хулосаси асосида лойиҳанинг ТИАсини (ДТИАни ишлаб чиқмасдан) тайёрлайди.

Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларнинг ТИАсини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш ушбу Низомнинг IV бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

25. Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилишни назарда тутувчи лойиҳаларнинг ТИАси, лойиҳани молиялаштириш манбалари ва қийматидан қатъи назар:

Экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланадиган енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш лойиҳаларини танлаб олиш бўйича мезонлар асосида ишлаб чиқилади;

у «Ўзбекенгилсаноат» ДАКда лойиҳа бўйича қабул қилинган технологик ечимни (фойдаланиладиган технологиялар даражасини, технологик жараён асбоб-ускуналарининг тавсия этилаётган занжири комплекслигини, юқори сифатли ва кенг ассортиментли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятини, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизими мавжудлигини, хом ашё базаси билан таъминланганлигини, шунингдек умуман тармоқ бўйича лойиҳа-

ни амалга оширишнинг комплекслигини) баҳолаш юзасидан экспертизадан ўтказилгандан кейин ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ваколатли экспертиза органларига (марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилган (биргаликда молиялаштирилган) ҳолларда — Молия вазирлигига) киритилади;

ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ваколатли экспертиза органлари ҳулосалари олингандан кейин ташаббускор томонидан Экспертлар кенгашига киритилади.

Лойиҳа Экспертлар кенгаши томонидан маъқуллангандан кейин ТИА ушбу Низомнинг IV бўлимида белгиланган тартибда тасдиқланади.

VI. ХМIIИ ва ХХМТ қарз маблағларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳаларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби

26. ХМIIИ ва ХХМТ қарз маблағлари жалб этилган ҳолда рўёбга чиқариладиган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади.

27. Биринчи босқичда лойиҳа ташаббускорлари «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ХМIIИ/ХХМТнинг баҳолашдан олдинги миссиялари ҳисоботлари асосида тайёрланган, лойиҳа қийматининг дастлабки баҳосини ва жалб этиладиган қарз маблағлар миқдорини ўз ичига олувчи лойиҳани амалга ошириш зарурлиги тўғрисида таклифлар киритадилар.

Таклифларни экспертизадан ўтказиш ушбу Низомнинг 12-банди талабларига мувофиқ ҳар қайси ваколатли экспертиза органининг ўз ваколатлари доирасида айна бир вақтда у тақдим қилинган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда амалга оширилади.

Экспертиза органлари ҳулосалари олингандан кейин, лойиҳа ташаббускорлари илтимосига биноан, Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан сўровнома тайёрлайди ва уни ХМIIИ/ХХМТга юборади.

ХМIIИ/ХХМТнинг лойиҳани молиялаштириш/биргаликда молиялаштириш юзасидан розилиги олинган тақдирда уларнинг баҳолаш комиссиялари ҳисоботлари асосида Ўзбекистон Республикаси билан ХМIIИ/ХХМТ ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум белгиланган тартибда имзоланади.

28. Иккинчи босқичда лойиҳа ташаббускори ХМIIИ/ХХМТнинг баҳолаш миссияси ҳисоботи асосида ТИАни ишлаб чиқади ва айна бир вақтда кўриб чиқиш учун уни ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ваколатли экспертиза органларига тақдим этади.

Экспертиза органлари ҳулосалари олингандан кейин ТИА ушбу Низомнинг IV бўлимига мувофиқ тасдиқланади.

ТИА(ТИХ) тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси билан ХМIIИ/ХХМТ ўртасида қарз битими имзоланади.

29. Қарз битими имзолангандан кейин унинг доирасида танлов (тендер) савдолари ўтказилиши назарда тутилладиган лойиҳа ташаббускори тендер ҳужжатларини ишлаб чиқади ва танлов (тендер) савдолари бюджетини белгилайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишиб олади.

**VII. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
маблағлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни кўриб
чиқиш ва тасдиқлаш хусусиятлари**

30. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ҳисобига молиялаштиришга/биргаликда молиялаштиришга тавсия этилаётган инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) ва ТИА(ТИХ) ушбу бўлимда баён қилинган талабларни ҳисобга олган ҳолда мазкур Низомга мувофиқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

31. Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштиришга/биргаликда молиялаштиришга тавсия этилаётган инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) «Ўзоғирнефтвазкимёлойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилади ва келишилади ҳамда «Ўзоғирнефтвазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгашининг тегишли хулосаси мавжуд бўлган тақдирда лойиҳа ташаббускори томонидан ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ваколатли экспертиза органларига киритилади.

32. ДТИА (ДТИХ) тасдиқлангандан кейин лойиҳа ташаббускори молиялаштириш масаласини кўриб чиқиш учун ДТИА (ДТИХ)ни Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига ва қайта молиялаштирувчи тижорат банкига киритади.

33. Қайта молиялаштирувчи банк тасдиқланган ДТИА (ДТИХ) тақдим этилган вақтдан бошлаб бир ҳафта муддатда иқтисодий самарадорлик, пул оқимлари таҳлили, лойиҳани амалга ошириш учун ташаббускорнинг молиявий жиҳатдан қодирлиги, лойиҳанинг таваккалчиликларини ва ҳаётийлигини баҳолаш, таклиф этилаётган молиялаштириш схемасининг мақбуллиги ва кредит бериш имконияти юзасидан хулоса тақдим этади.

34. Қайта молиялаштирувчи банкнинг хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ДТИА (ДТИХ) тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда, Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ташаббускорга лойиҳани ва Иқтисодиёт вазирлигига унинг ваколатига киритилган масалалар юзасидан эксперт хулосасини тақдим этади.

35. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси хулосаси мавжуд бўлган тақдирда Иқтисодиёт вазирлиги лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)ни лойиҳани Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштирган (биргаликда молиялаштирган) ҳолда амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиш учун Жамғарма бошқарув кенгашининг навбатдаги мажлисига киритади.

36. Жамғарма бошқарув кенгашининг лойиҳани молиялаштириш (биргаликда молиялаштириш), лойиҳанинг тасдиқланган ДТИА (ДТИХ), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишув бўйича белгиланган тартибда ўтказилган тендер савдолари натижалари (технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш юзасидан розилик берилган контрактлар), молиявий таклифлар ёки розилик берилган қарз битимлари тўғрисидаги (кредитлар, шунингдек бошқа манбалардан жалб этилган тақдирда) қарори асосида «Ўзоғирнефтвазкимёлойиҳа» институти томонидан инвестиция лойиҳасининг ТИА(ТИХ) ишлаб чиқилади ва келишилади.

37. Ваколатли экспертиза органларининг хулосалари мавжуд бўлган тақдирда Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштиришга/биргаликда молиялаштиришга тавсия этилаётган лойиҳанинг ТИА(ТИХ) ташаббускор томонидан Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига киритилади.

Лойиҳанинг ТИА(ТИХ) қайта молиялаштирувчи банк томонидан ТИА(ТИХ) бўйича хулосалар бериш билан айна бир вақтда маъқулланган тақдирда қайта мо-

лиялаштирувчи банк Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига кредит олиш юзасидан белгиланган шакл бўйича буюртманома киритади.

38. ТИА(ТИХ) киритилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси лойиҳа ташаббускорига ва Иқтисодиёт вазирлигига унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича эксперт хулосасини тақдим этади.

39. Иқтисодиёт вазирлиги лойиҳанинг ТИА(ТИХ)ни Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштирган (биргаликда молиялаштирган) ҳолда лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун Жамғарма бошқарув кенгашининг навбатдаги мажлисига киритади.

40. Жамғарма бошқарув кенгашининг лойиҳани Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштирган (биргаликда молиялаштирган) ҳолда амалга ошириш тўғрисидаги қарори асосида лойиҳа ташаббускори лойиҳанинг ТИА(ТИХ)ни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

41. Вазирлар Маҳкамаси лойиҳанинг ТИА(ТИХ) бўйича тасдиқлашга тайёрланган материалларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати билан келишиш учун белгиланган тартибда киритади.

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

+

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Вазирлик, идора раҳбари

20__ й. «__» _____

«КЕЛИШИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси Давлат
архитектура ва қурилиш қўмитаси

20__ й. «__» _____

«КЕЛИШИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги

20__ й. «__» _____

**Лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асослаши/
дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблашини (ДТИА/ДТИХ)
ишлаб чиқиш учун
ТОПШИРИҚ**

лоийҳанинг номи

Т/Р	Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1.	Буюртмачи	
2.	ДТИА/ДТИХни ишлаб чиқиш учун асослар	
3.	Қурилиш тури	
4.	Буюртмачи реквизитлари	
5.	Лойиҳалаш босқичи	
6.	Лойиҳа ташкилоти — бош лойиҳачи номи	
7.	Корхонанинг лойиҳадаги қуввати	
8.	Лойиҳалаштирилаётган корхона таркиби	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Т/Р	Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
9.	Технологик жараён ва асбоб-ускуналарга асосий талаблар	
10.	Корхонанинг иш режими	
11.	Ишлаб чиқариш кооперацияси Корхонанинг инфратузилмаси	
12.	Ташқи транспорт алоқаси ва таъминот схемаси	
13.	Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш талаблари	
14.	Худудларни рекультивация қилиш ва ободонлаштириш	
15.	Қурилишнинг белгиланган муддатлари (йил)	
16.	Комплексларни ишга тушириш навбатини ажратиш зарурияти	
17.	Муҳандислик қидирув ишларига талаблар	
18.	Қурилишнинг алоҳида шартлари	
19.	Лойиҳалаштиришнинг алоҳида шартлари	
20.	Ҳисоб-китобларнинг (камида иккита) вариантлари	

Лойиҳа ташаббускори

20__ й. «__» _____

—

+

+


Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

23 (263)-сон

— 25 —

238-модда

лойиҳаолди ва Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш схемаси



Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Дастлабки техник-иқтисодий асослаш (ДТИА)нинг намунавий таркиби

1. Лойиҳанинг мақсади.
2. Объектнинг тавсифи — ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, ишчи кучлари мавжудлиги, ижара қиймати, ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи биноларни сотиб олиш ёки уларни янгидан қуриш имконияти ва бошқалар.
3. Шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, корхона (иншоот)ни жойлаштириш райони ва пунктини танлашнинг асосланиши.
4. Архитектура-қурилиш ва ҳажмий-режалаштиришнинг принципаал ечимлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари.
5. Қуриш ва ишлатишда зарарли ташланмалар ва оқова сувларнинг тавсифи ва ҳажми, атроф муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш тадбирлари.
6. Объектни муҳандислик жиҳатидан таъминлаш ва жиҳозлаш (сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик, газ, электр энергияси билан таъминлаш, иситиш, шамоллатиш ва ҳаво ҳароратини мақбуллаштириш) бўйича принципаал ечимлар.
7. Технологиянинг тавсифи ва технология асбоб-ускуналари вариантларининг асосий кўрсаткичлари (қуввати, энергетика ва моддий ресурслар истеъмоли ва бошқалар).
8. Маркетинг тадқиқотлари натижалари, улар:
 - ташқи ва ички бозорлар конъюнктурасини ўрганишга асосланган тайёр маҳсулотни ички бозорда сотиш, шунингдек экспорт қилиш имкониятларини;
 - потенциал истеъмолчилар томонидан тўлашга қодир талаб ва рақобатчилар томонидан таклиф ўрганилганлигини;
 - маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирларининг мавжудлигини;
 - лойиҳанинг энг аввало арзон нархдаги, талаб қилинадиган миқдор ва сифатдаги маҳаллий хом ашё ва бошқа моддий ресурслар билан таъминланганлигини;
 - асбоб-ускуналарга қўйиладиган асосий талабларни, табиий-иқлим, ишлаб чиқариш омиллари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ватанимиз технологияларини ва хорижий технологияларни қиёслаш таҳлилига асосланган самарали ишлаб чиқариш технологияси, принципаал техник ечимлар танланганлигини;
 - таклиф этилаётган ишлаб чиқаришнинг мақбул ҳажмини;
 - лойиҳани амалга ошириш, шу жумладан унинг инвестиция фазаси муддатларини тасдиқлаши керак.
9. Лойиҳа ташаббускорининг молиявий аҳволи ва унинг лойиҳани амалга ошириш бўйича имкониятлари таҳлили.
10. Лойиҳа ташаббускорининг техник ва молиявий имкониятларига асосланган лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки схемаси, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларнинг мавжудлиги ва қиймати (шу жумладан ЭМВда).
11. Танланган вариант асосида қурилишнинг чекланган қиймати, шу жумладан инжиниринг кузатуви, ДТИАни ва лойиҳанинг якуний техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, технология асбоб-ускуналарига, ер участкаси ажратиш-

га, бинолар ва иншоотлар қурилишига харажатлар, шунингдек айланма капиталнинг, жалб этиладиган кредитлар бўйича молиявий чиқимлар ва бошқаларнинг ЭМВ ва миллий валютадаги қиймати.

12. Харажатлар бўйича молиявий ресурсларга эҳтиёжнинг ҳисоб-китоблар вариантлари асосида, шу жумладан жалб қилинаётган маблағлар ва уларнинг лойиҳани самарали амалга оширишни таъминлаш имконини берадиган жалб қилиш шартларини аниқлаш.

13. Лойиҳа таваккалчиликларининг таҳлили.

14. Нақд пул оқимлари дисконтини ҳисобга олган ҳолда, барча инвестициялар базасида ҳисоблаб чиқилган лойиҳанинг ЭМВдаги молиявий-иқтисодий самарадорлигининг, ўзини ўзи қоплаши муддатининг, назарда тутилган кредитларни қайта-ришнинг ҳисоб-китоблари.

Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш (ДТИХ)нинг намунавий таркиби

1. Лойиҳанинг мақсади.

2. Объектнинг тавсифи — ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, ишчи кучлари мавжудлиги, ижара қиймати, ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи биноларни сотиб олиш ёки уларни янгидан қуриш имконияти ва бошқалар.

3. Шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, корхона (иншоот)ни жойлаштириш райони ва пунктини танлашнинг асосланиши.

4. Архитектура-қурилиш ва ҳажмий-режалаштиришнинг принципаал ечимлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари.

5. Қуриш ва ишлатишда зарарли ташланмалар ва оқова сувларнинг тавсифи ва ҳажми, атроф муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш тадбирлари.

6. Объектни муҳандислик жихатидан таъминотлаш ва жихозлаш (сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик, газ, электр энергияси билан таъминлаш, иситиш, шамоллатиш ва ҳаво ҳароратини мақбуллаштириш) бўйича принципаал ечимлар.

7. Технологиянинг тавсифи ва технология асбоб-ускуналари вариантларининг асосий кўрсаткичлари (қуввати, энергетика ва моддий ресурслар истеъмоли ва бошқалар).

8. Лойиҳа ташаббускорининг техник ва молиявий имкониятларига асосланган лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки схемаси, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларнинг мавжудлиги ва қиймати (шу жумладан ЭМВда).

9. Танланган вариант асосида қурилишнинг чекланган қиймати, шу жумладан инжиниринг кузатувиға, ДТИХни ва лойиҳанинг якуний техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, технология асбоб-ускуналариға, ер участкаси ажратишга, бинолар ва иншоотлар қурилишиға харажатлар, шунингдек айланма капиталнинг, мўлжалланадиган жалб этиладиган кредитлар бўйича молиявий чиқимлар ва бошқаларнинг ЭМВ ва миллий валютадаги қиймати.

10. Харажатлар бўйича молиявий ресурсларга эҳтиёжнинг ҳисоб-китоблар вариантлари асосида, шу жумладан жалб қилинаётган маблағлар ва уларнинг лойиҳани самарали амалга оширишни таъминлаш имконини берадиган жалб қилиш шартларини аниқлаш.

Изоҳ. Ишлаб турган ва янгидан фойдаланишга топшириладиган ижтимоий соҳа муассасаларини жиҳозлаш учун жалб қилинадиган хорижий кредитлар ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилишда ДТИА (ДТИХ) тузилмайди.

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

«Келишилган»
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-
маси Комплекси раҳбари
200 йил «___» _____

« _____ » **лойиҳаси**
лойиҳанинг номи

Инвестиция лойиҳасининг ДТИАси	(лойиҳанинг номи)
--------------------------------	-------------------

1. Инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши қуйида-
ги ваколатли экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтди:

Ваколатли экспертиза органлари	Хулоса натижаси (тавсия этилди/рад этилди)
Иқтисодиёт вазирлиги	
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	
«Давархитектқурилиш» қўмитаси	
Молия вазирлиги	
Ваколатли банк (банклар)	

2. « _____ » инвестиция
лойиҳанинг номи

лойиҳасининг ДТИАдаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар:

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳам- маси	Молиялаштиришнинг назарда тутилган манбалари	
				Ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар
1.	Лойиҳанинг чекланган қиймати*	минг АҚШ доллари, млн сўм			
2.	Капитал қўйилмаларнинг чекланган суммаси, жами				
	Шу жумладан: машина ва асбоб-ускуналар ЭМВда миллий валютада	минг АҚШ доллари минг АҚШ долларига эквивалент			
	қурилиш-монтаж ишлари	минг АҚШ долларига эквивалент			
	инвестиция давридаги молиявий харажатлар	минг АҚШ долларига эквивалент			
	дастлабки айланма капитал ЭМВда	минг АҚШ доллари			

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳам- маси	Молиялаштиришнинг назарда тутилган манбалари	
				Ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар
	миллий валютада	минг АҚШ долларига эквивалент			
	бошқа харажатлар ЭМВда миллий валютада	минг АҚШ доллари минг АҚШ долларига эквивалент			
3.	Мавжуд асосий фондлар қиймати	минг АҚШ долларига эквивалент			
4.	Корхонанинг қуввати, шу жумладан: — ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми — мўлжалланаётган экспорт ҳажми	Тегишли бирликларда			
5.	Иш билан таъминладиганларнинг мўлжалланаётган сони	киши			
6.	Лойиҳанинг ҳисобланган ўзини қоплаш муддати**	йил			
7.	Инвестиция даврининг давомийлиги	ой			

Изоҳлар:

* Лойиҳани амалга оширишга жалб қилинадиган мавжуд асосий фондлар қиймати билан бирга.

** Ушбу бандлар ДТИХни тасдиқлашда тўлдирилмайди.

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш (ТИА)нинг намунавий таркиби

1. Лойиҳанинг мақсади (резюме).
2. Лойиҳанинг буюртмачиси:
 - 2.1. Реквизитлар, мақоми, таркиби;
 - 2.2. Бозордаги аҳвол, мавжуд амалий алоқалар ва амалий нуфуз;
 - 2.3. Мавжуд ва прогноз қилинаётган салоҳият;
 - 2.4. Иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар.
3. Лойиҳа стратегияси (лойиҳани яратиш тарихи ва шарт-шароитлари).
4. Маркетинг бозори ва концепцияси:
 - 4.1. Талаб ва таклиф;
 - 4.1.1. Бозор тузилмаси ва тавсифи. Маҳсулот тавсифи, унинг бозорда рақобат-га бардошлилиги;
 - 4.1.2. Тармоқнинг мавжуд салоҳияти, рақобатчи корхоналар, тармоқни ри-вожлантириш истикболлари ва муаммоларини баҳолаш, ҳудудий жойлаштириш, маҳсулот сифати;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

- 4.1.3. Тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги роли, унинг устуворликлари ва мақсадлари;
- 4.1.4. Мавжуд талаб, унинг ўсишини прогноз қилувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар;
- 4.1.5. Импорт ва унинг келгусидаги тенденциялари, ҳажми ва нархлари;
- 4.2. Маркетинг концепцияси, сотиш прогнози;
- 4.2.1. Бозорларнинг жойлашган жойи, бозор сегментацияси;
- 4.2.2. Мавжуд потенциал маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан кутилаётган рақобат;
- 4.2.3. Сотиш дастури, сотишни ташкил этиш;
- 4.3. Фойдаланиладиган савдо маркалари ва маҳсулотнинг патент тозалиги;
- 4.4. Маркетинг харажатларини баҳолаш.
5. Моддий ресурслар:
- 5.1. Хом ашё, материаллар, компонентлар таснифи;
- 5.1.1. Хом ашё базасининг мавжудлиги, хом ашёнинг қидириб топилган захиралари;
- 5.1.2. Хом ашё сифатига ва уни тайёрлаш усулларига қўйиладиган талаблар, маҳаллий хом ашёнинг технологиялар талабларига мувофиқлиги;
- 5.2. Лойиҳа бўйича эҳтиёж, материаллар ва компонентларнинг мавжудлиги ва улар билан таъминлаш, уларнинг таснифи, етказиб бериш дастури;
- 5.3. Энергия ресурслари билан таъминлаш;
- 5.4. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.
6. Объектнинг жойлашган жойи:
- 6.1. Танланган участканинг тавсифи;
- 6.1.1. Хом ашё бозорларидан узоқлик ва тайёр маҳсулотни сотиш, транспорт коммуникациялари;
- 6.1.2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани баҳолаш;
- 6.1.3. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олиш, афзаллик ва чеклашлар;
- 6.1.4. Экология, атроф муҳитга таъсир (умумий ахборот);
- 6.2. Асосий позициялар бўйича участкани танлашни асослаш;
- 6.3. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.
7. Лойиҳалаштириш ва технология:
- 7.1. Йиллар бўйича ўзлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш қуввати;
- 7.2. Технология ва асбоб-ускуналар;
- 7.2.1. Технология ва асбоб-ускуналарни, технологик жараён схемаларини танлашни асослаш, афзалликлар ва камчиликлар, асбоб-ускуналарнинг ишончлилиги ва етказиб берувчининг кафолати;
- 7.2.2. Технологиянинг атроф муҳитга таъсири;
- 7.2.3. Асбоб-ускуналарни жойлаштириш схемаси: ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари; ёрдамчи асбоб-ускуналар; сервис асбоб-ускуналари; эҳтиёт қисмлар, анжомлар;
- 7.2.4. «Ноу-хау»ни бериш шартлари, ходимларни ўқитиш;
- 7.2.5. Маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 9000 ИСО серияси талабларига мувофиқлигини таъминлаш тадбирлари ҳамда уларни амалга ошириш харажатлари;

- 7.2.6. Маҳаллийлаштириш истикболлари (республика ҳудудида бутловчи буюмлар ва компонентларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятлари);
- 7.3. Қурилиш;
- 7.3.1. Вазиятли режа;
- 7.3.2. Бош режа схемаси, бинолар ва корпусларнинг жойлашиши;
- 7.3.3. Принципиал ҳажмли-режалаштириш ва конструктив ечимлар, уларнинг параметрлари, алоҳида талаблар;
- 7.3.4. Участкани тайёрлаш ва ўзлаштириш;
- 7.3.5. Муҳандислик коммуникациялари;
- 7.3.6. Қурилиш-монтаж ишларининг пул ифодасидаги ҳажми;
- 7.4. Тугалланмаган қурилишни ҳисобга олган ҳолда харажатларни баҳолаш.
8. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўшимча харажатлар:
- 8.1. Корхонанинг ташкилий тузилмаси;
- 8.2. Қўшимча харажатлар (умумзавад, маъмурий харажатлар);
- 8.3. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.
9. Меҳнат ресурслари:
- 9.1. Меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги;
- 9.2. Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиш зарурияти ва ўқитишни ташкил этиш;
- 9.3. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.
10. Лойиҳани амалга ошириш схемалари:
- 10.1. Лойиҳани амалга ошириш босқичлари;
- 10.2. Лойиҳани амалга ошириш жадвали;
- 10.3. Лойиҳани амалга ошириш бюджети.
11. Лойиҳани амалга ошириш вариантларини молиявий баҳолаш:
- 11.1. Тўлиқ инвестиция харажатлари;
- 11.2. Лойиҳани молиялаштириш: молиялаштириш механизми ва манбалари;
- 11.3. Сотилган маҳсулотларга тўлиқ чиқимлар;
- 11.4. Қарзга олинган маблағларнинг (улардан фойдаланилган тақдирда) қопланишини ва ўз вақтида қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий самарадорликни баҳолаш, валютанинг қопланиши;
- 11.4.1. Лойиҳанинг асосий таваккалчиликларга сезгирлиги;
- 11.4.2. Соф жорий қиймат кўрсаткичлари ва капитал қўйилмаларнинг ички қайтарилувчанлиги нормалари;
- 11.5. Молиявий натижаларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолаш.
12. Хулосалар:
- 12.1. Лойиҳанинг асосий афзалликлари ва камчиликлари;
- 12.2. Қабул қилинган вариантнинг муқобил вариантлардан афзалликлари;
- 12.3. Ноаниқлик таваккалчиликлари ва жиҳатлари;
- 12.4. Лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш.
13. «А» илова:
- «А» иловада миллий ва хорижий валюта харажатини алоҳида акс эттирган ҳолда эркин шаклда молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар схемалари, шу жумладан қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:
- 13.1. Асосий капиталга инвестициялар;
- 13.2. Ишлаб чиқаришдан олдинги харажатлар;
- 13.3. Сотилган маҳсулотларга чиқимлар;
- 13.4. Соф айланма капиталга эҳтиёж;
- 13.5. Молиялаштириш манбалари ва режаси;

- 13.6. Қарзга олинган маблағлардан фойдаланиш ва уларни қайтариш;
- 13.7. Солиқ солишнинг амалдаги тизимини ва мажбурий тўловларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд маблағлар (аниқ пуллар) оқими;
- 13.8. Мавжуд маблағларнинг дисконтланган оқими;
- 13.9. Дисконт фойда;
- 13.10. Фойда ва зарарлар прогнози;
- 13.11. Прогноз қилинаётган баланс.
14. «Б» илова:
- «Б» иловада тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, шу жумладан қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:
- 14.1. Юридик ҳужжатлар:
- корхона устави ва таъсис шартномаси;
- ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи лицензия, агар фаолият тури махсус лицензиялар талаб қилинадиган фаолиятнинг алоҳида турлари рўйхатига кирса;
- раҳбарлар, асосий менежерлар, директорлар кенгаши, корхона аниқ мулкдорларининг қисқача биографик маълумотлари;
- 14.2. Контракт ҳужжатлари:
- асбоб-ускуналар етказиб бериш ёки объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш юзасидан контракт;
- қурилиш пудрати ва қурилишни моддий таъминлаш шартномаси;
- хом ашё, бутловчи буюмлар етказиб бериш ва тайёр маҳсулотларни харид қилиш шартномаси (мўлжаллар протоколи);
- лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар;
- 14.3. Смета ҳужжатлари ва молиявий ҳужжатлар:
- қурилишнинг смета ҳужжатлари;
- корхона (қарз олувчи, инвесторлар, кафиллар, лойиҳа бўйича гарантлар)нинг охириги уч йил учун солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган тўлиқ бухгалтерия (ҳар чораклик) ҳисоботлари;
- бошқа банклардаги ҳисоб рақамлари, қарз маблағлари ва уларни қайтариш шартлари тўғрисидаги маълумотнома;
- хорижий шериклар (муассислар) тўғрисидаги маълумотлар — охириги икки йил учун халқаро стандартлар бўйича (таниқли аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган) йиллик ҳисобот;
- 14.4. Эксперт ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар:
- танланган технология ва технология асбоб-ускуналари бўйича идорадан ташқари экспертиза («Давархитектқурилиш» қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси), мустақил консалтинг ташкилотининг хулосалари;
- сотиб олинadиган асбоб-ускуналарнинг техник паспортлари ва уларнинг танлов асосида танланишини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- кадастр (гаровга берилadиган ер ҳамда бино ва иншоотлар кадастри) ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;
- асосий ишлаб чиқариш биноларининг технология асбоб-ускуналари жойлаштирилган ҳолдаги схемаси;
- 14.5. Тайёр маҳсулотни сотиш ва хом ашё, материаллар харид қилиш маркетинг тадқиқотлари бўйича ҳужжатлар.
15. Техник-иқтисодий ҳисоблашни ишлаб чиқишда техник-иқтисодий асослашлар таркибидан қуйидаги бандлар ва кичик бандлар чиқариб ташланиши керак: 2.2, 2.3, 2.4, 4 (кичик бандлар билан), 5.1 (кичик бандлар билан), 5.2, 6.1.1, 6.1.2, 7.1,

7.2 (кичик бандлар билан), 8 (кичик бандлар билан), 11.3, 11.5, 12.3, 13.2, 13.3, 13.4, 13.9, 13.10, 13.11, 14 («Б» илова).

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Лойиҳани техник-иқтисодий асослашнинг асосий техник-
иқтисодий кўрсаткичлари**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳаммаси	Шу жумладан:		
				бюджет	кредитлар, шу жумладан хорижий қарзлар, ХМШИ қарзлари ҳам шу жумлага киради	марказ- лаштирил- маган маблағлар (ўз маб- лағлари)
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ доллари				
2.	Капитал қўйилмалар суммаси, ҳаммаси	минг АҚШ доллари				
	Шу жумладан: машиналар ва асбоб-ускуналар ЭМВда миллий валютада	минг АҚШ доллари минг АҚШ доллари эквива- ленти				
	қурилиш-монтаж ишлари	минг АҚШ доллари эквива- ленти				
	инвестиция давридаги молиявий чиқимлар	минг АҚШ доллари эквива- ленти				
	дастлабки айланма капитал ЭМВда миллий валютада	минг АҚШ доллари минг АҚШ доллари эквива- ленти				
	бошқа харажатлар ЭМВда миллий валютада	минг АҚШ доллари минг АҚШ доллари эквива- ленти				
3.	Мавжуд асосий фондлар қиймати	минг АҚШ доллари эквива- ленти				
4.	Корхона қуввати, шу жумладан: йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми мўлжалланаётган йиллик экспорт ҳажми	Тегишли бирликларда				

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳаммаси	Шу жумладан:		
				бюджет	кредитлар, шу жумладан хорижий қарзлар, ХМII қарзлари ҳам шу жумлага киради	марказлаштирилмаган маблағлар (ўз маблағлари)
5.	Иш билан таъминланаётганларнинг мўлжалланаётган сони				киши	
6.	Лойиҳанинг ҳисобланган ўзини қоплаши муддати*				йил	
7.	Инвестиция даври муддати				ой	
8.	Яратилаётган ишлаб чиқариш фондлари қиймати				минг доллар (эквивалентда)	
9.	Кредитни ва бошқа қарзга олинган маблағларни қайтариш муддати				йил	
	шу жумладан валюта маблағларини қайтариш муддати				йил	

Изоҳ. * ТИХни тасдиқлашда тўлдирилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 7 июндаги 110-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник қўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 61-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2006 йил 11 августдаги 170-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 8-сон, 62-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 1 декабрдаги 247-сон қарорининг 4-банди ва қарорга 2-илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник қўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 декабрдаги ПҚ-525-сон қарори) 2007 йил 3 январдаги 5-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 1-сон, 3-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартдаги ПҚ-601-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 мартдаги ПҚ-607-сон қарорлари) 2007 йил 11 майдаги 96-сон қарорига 1-илованинг 10-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 26-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

239 2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микро- лиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида

Аҳолининг фаол қисми ўз бизнесини ташкил этиши ва бошлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини оширишга қўмаклашувчи кичик ва микробизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микролиялаштиришни ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

микролиявий хизматларга мухтож бўлган аҳоли тўлиқ қамраб олиншини таъминлаган ҳолда мамлакатнинг барча минтақаларида кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари тармоғини кенгайтириш учун иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш;

норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг барқарор ривожланишини таъминловчи улар фаолиятини тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш;

молиялаштиришнинг тижорат манбалари, хусусан халқаро молия институтлари, тижорат банклари ва давлат мақсадли жамғармаларининг кредит линиялари ҳисобига кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг ресурс базасини шакллантиришга қўмаклашиш;

микролиялаштириш хизматларини кенгайтириш, хусусан микролизинг хизматларини ривожлантириш;

кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари профессионал хизматларга ва зарур кредит ахборотларига кириб боришини таъминловчи ёрдамчи хизматларни ва инфратузилмани ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига тегишли таҳлилий ахборотни тақдим этган ҳолда Дастурни амалга оширишнинг самарадорлиги устидан мониторинг ўрнатиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 июнь,
114-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 июндаги 114-сон қарорига
ИЛОВА

**2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида
микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури**

1. Мазкур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устуворликлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

I. Микромолиявий хизматлар соҳасининг жорий ҳолати

Ҳозирги вақтда республикада микромолиялаштиришни ривожлантириш учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, «Микромолиялаштириш тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 19 февралдаги 37-сон қарори қабул қилинган.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микромолиявий муассасаларни лицензиялаш тартиб-қоидаларини бошқарадиган норматив ҳужжатлар, улар томонидан молия операциялари амалга оширилиши қоидалари, бухгалтерия ҳисоби ҳисоб рақамлари режаси ишлаб чиқилган.

2007 йил 1 майдаги ҳолатига кўра Марказий банк томонидан 38 та кредит уюшмаси рўйхатга олинган. Фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари аъзолари сони 50 минг кишидан ошди (2006 йил бошида — 33 минг киши). Кредит уюшмаларининг асосий қисми Бухоро вилоятида (4), Фарғона вилоятида (6), Андижон вилоятида (6) ва Тошкент шаҳрида (10) жойлашган.

Кредит уюшмаларининг жами активлари 2007 йил 1 майдаги ҳолатига кўра 26,0 млрд сўмни ташкил этди (2006 йилнинг тегишли давридагига таққослаганда ўсиш 160%). Бунда кредит уюшмалари активларининг 85 фоизидан ортигини кредит қўйилмалари ташкил этади, бу ушбу молиявий институтлар томонидан ўз аъзо-

ларини кредит билан қўллаб-қувватлаш учун пул ресурсларидан фаол фойдаланилишини акс эттиради. Кредит уюшмалари томонидан бериладиган кредитлар асосан ўзида касаначиликни ривожлантиришга, ихчам ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, деҳқон ва фермер хўжаликларини кенгайтиришга ҳамда узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун истеъмол кредитларига йўналтириладиган унча кўп бўлмаган суммани ифодалайди (ўртача 700-800 минг сўм).

2. Микромолиялаштиришни ривожлантириш дастурининг мақсадлари ва йўналишлари

Айниқса қишлоқ жойларда микромолиялаштиришни ривожлантириш йўли билан қуйидагиларни таъминлаш ушбу Дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади:

аҳолининг фаол қисми ўз бизнесини ташкил этиши ва бошлаши учун шарт-шароитлар яратиш;

аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қўмаклашадиган кичик ва микро-бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш;

микромолиялаштириш хизматларига муҳтож бўлган аҳолини микромолиялаштириш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш;

умуман мамлакатда молия тизимини янада ривожлантириш.

Кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун қуйидагилар ушбу дастурнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

микромолиявий хизматларга муҳтож бўлган аҳоли тўлиқ қамраб олиншини таъминлаган ҳолда мамлакатнинг барча минтақаларида кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари тармоғини кенгайтириш учун иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш;

норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг барқарор ривожланишини таъминловчи улар фаолиятини тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш;

молиялаштиришнинг тижорат манбалари, хусусан халқаро молия институтлари, тижорат банклари ва давлат мақсадли жамғармаларининг кредит линиялари ҳисобига кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг ресурс базасини шакллантиришга қўмаклашиш;

микромолиялаштириш хизматларини кенгайтириш, хусусан микролизинг хизматларини ривожлантириш;

кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари профессионал хизматларга ва зарур кредит ахборотларига кириб боришини таъминловчи ёрдамчи хизматларни ва инфратузилмани ривожлантириш.

3. Дастурни амалга ошириш механизми

Дастурни самарали амалга ошириш учун турли даражалардаги манфаатдор томонлар — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, молиявий муассасаларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур. Республика манфаатларидан келиб чиқиб халқаро институтлар томонидан техник қўмаклашиш, шунингдек мақсадли грантлар ва кредитлар шаклида тақдим этиладиган қўллаб-қувватлашдан самарали ва мақсадли фойдаланиш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Дастурнинг асосий мақсадларини амалга ошириш йўллари мазкур Дастурга 1-иловага мувофиқ чора-тадбирларда акс эттирилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда микромолиявий муассасалар учун тегишли ҳуқуқий ва тартибга солувчи муҳитни таъминлайди, шунингдек улар фаолияти устидан назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари уюшмаси микромолиявий муассасаларда микромолиялаштиришнинг илғор халқаро амалиётини жорий этиш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш, таълим берадиган курслар ва семинарлар ташкил этиш, институционал салоҳиятни кучайтириш, айниқса бошқарув тизимида қатъий-роқ стандартларни жорий этиш ва фаолиятнинг очиқ-ошкоралиги воситасида барқарорликка эга бўлиш ва касб маҳоратининг ўсиши бўйича чора-тадбирлар кўради.

Халқаро ташкилотларнинг грантлари ва кредитларини жалб этиш ва тақсимлашнинг самарали, очиқ-ошкора механизмини яратиш Дастурнинг муҳим қисми ҳисобланади. Ушбу мақсадларда «Микрокредитбанк»ни микромолиялаштириш учун манбалар сифатида республикага тушаётган молиявий маблағларнинг асосий олувчиси ва тақсимловчиси этиб белгилаш таклиф қилинади. Бунда «Микрокредитбанк» халқаро ташкилотларнинг жалб этилган маблағларини бир иш ўрни ёки янги бизнес бирлик яратишга кредит маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигидан келиб чиқиб танлов асосида микромолиявий муассасалар ўртасида тақсимлайди.

Республика минтақаларида кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг фаолиятини рағбатлантириш ишида ва мазкур Дастурнинг аниқ вазифаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаол иштирок этиши назарда тутилади.

4. Кутилаётган натижалар

Мазкур Дастур амалга оширилиши қуйидагиларни таъминлайди:

мазкур Дастурга 2-иловага* мувофиқ республиканинг барча минтақаларидаги ва микромолиявий хизматларга муҳтож бўлган аҳолини (ҳисобланган 350 — 400 минг киши) тўлиқ қамраб оладиган микромолиялаштиришнинг самарали ва рақобатга бардошли тизимини яратиш (97 микрокредит ташкилоти ва 67 кредит уюшмаси);

кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг кредит қўйилмалари жами ҳажмини 2007 йил 1 майдаги ҳолати бўйича 22,9 млрд сўмдан 2010 йил бошида 127 млрд сўмгача кўпайтириш;

самарали назорат қилишни таъминлайдиган яхлит қонунчилик ва тартибга солиш базасини яратиш ҳамда тегишли равишда микромолиявий хизматлар бозорида очиқ-ошкора фаолият кўрсатиш тизимига эга бўлган соғлом микромолиявий муассасаларнинг ҳозир бўлиши ҳисобига микромолиявий секторни ва унинг инфратузилмасини барқарор ривожлантириш.

* 2-илова берилмайди.

+

2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолия-
лаштиришни ривожлантириш дастурига
1-ИЛОВА

**2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни
ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари**

T/p	Дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
1. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш				
1.1	Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини жорий этиш.	Норматив базадаги ўзгаришлар	2007 йил III чорак	Марказий банк
1.2	Пул маблағлари сақланишини ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида пул маблағларини банк ҳисоб рақамларидан тўсиқсиз олишни назарда тутадиган кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан касса операциялари ўтказиш қоидаларини такомиллаштириш.	Норматив базадаги ўзгаришлар	2007 йил III чорак	Марказий банк, тижорат банклари
1.3	Қуйидагиларни ўз ичига оладиган кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш: — кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ҳисобот бериши ва молиявий фаолияти кўрсаткичларининг соддалаштирилган тизими; — кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари фаолиятининг молиявий таҳлили натижаларига асосланган улар фаолияти устидан масофадан туриб назорат қилиш тизими.	Комплекс чора-тадбирлар	2007 йил IV чорак	Марказий банк
1.4	Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг очиқ-ошкора механизмни жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш	2007 йил II ярим йиллик	Марказий банк, Адлия вазирлиги
1.5	Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларини ташкил этишни рағбатлантириш, шу жумладан преференциялар ва имтиёзлар бериш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2007 йил II ярим йиллик	Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси
2. Молиялаштиришнинг тижорат манбалари ҳисобига кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг ресурс базасини шакллантиришга қўмаклашиш				
2.1	«Микрокредитбанк» орқали микромолиялаштириш учун танлов асосида грантлар ва кредитлар жалб этиш ва тақсимлашнинг ягона механизмни яратиш.	Тегишли низомни ишлаб чиқиш	2007 йил II ярим йиллик	Марказий банк, тижорат банклари, Адлия вазирлиги
2.2	Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларига танлов асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш жамғармаси ресурсларини бериш.	Танлаш ва Бандликка қўмаклашиш жамғармаси- нинг ресурслари ҳисобига кредит линиялари ажратиш тўғрисида бош битимлар тузиш	Доимо	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Кредит уюшмалари ассоциацияси, микрокредит ташкилотлари

Т/р	Дастурий амалга ошириш чора-тадбирлари	Амалга ошириш шакли	Бажариш мўддатлари	Масъул бажарувчилар
3. Мамлакатнинг барча минтақаларида кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг тармоғини кенгайтириш учун иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш				
3.1	Рўйхатдан ўтказилган кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг инфратузилмасини кенгайтириш учун уларга белгиланган тартибда бинолар ва жойлар сотилишига қўмаклашиш.	Комплекс чора-тадбирлар	Доимо	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
3.2	Республика минтақаларида белгиланган тартибда микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари ташкил этиш ва уларни рўйхатдан ўтказишда ташаббускор гуруҳларга амалий ёрдам кўрсатиш.	Маслаҳатлар бериш ва амалий семинарлар ташкил этиш чора-тадбирлари жадвали	Доимо	Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
4. Микромолиялаштириш хизматларини кенгайтириш ва кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари салоҳиятини кучайтириш				
4.1	Қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан (халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши остида) кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг молиявий ўзини ўзи қоплашини ошириш: — микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари микромолиялаштиришнинг илғор халқаро амалиётига киришини таъминлаш; — таваккалчиликларни бошқариш усулларини ва кредит портфели мониторинги тизимини такомиллаштириш; — айниқса қишлоқ жойларда аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган янги микромолиявий маҳсулотларни ишлаб чиқиш.	Комплекс чора-тадбирлар	Доимо	Марказий банк, Кредит уюшмалари ассоциацияси, микрокредит ташкилотлари
4.2	Молиявий технологияларни айирбошлаш, тижорат банкларидан кредит ресурслари жалб этиш мақсадида тижорат банклари ва микромолиявий муассасалар ўртасидаги профессионал ва амалий алоқаларга қўмаклашиш.	Комплекс чора-тадбирлар	Доимо	Марказий банк, Кредит уюшмалари микрокредит ташкилотлари ассоциацияси, тижорат банклари
4.3	Кредит уюшмалари ассоциация ва микрокредит ташкилотларининг интернет-сайтларини яратиш ва доимий равишда янгиллаб туриш.	Комплекс чора-тадбирлар	Доимо	Кредит уюшмалари ассоциацияси, микрокредит ташкилотлари
5. Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг профессионал хизматларга ва ахборотга киришини таъминлайдиган ёрдамчи хизматлар ва инфратузилмани ривожлантириш				
5.1	Кўрсаткичлар ва молиявий очиқ-ошкоралик стандартлари бўйича махсус тренинглар ташкил этиш.	Чора-тадбирлар жадвали	Доимо	Марказий банк, Кредит уюшмалари ассоциацияси, микрокредит ташкилотлари

+

Т/р	Дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
5.2	Ходимларни ўқув ва консалтинг марказларида доимий равишда ўқитишни ташкил этиш орқали микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмаларининг институционал салоҳиятини кучайтиришга қўмаклашиш.	Ўқитишни ташкил этиш	Доимо	Банк-молия академияси, Минтақавий банк ўқув маркази, Кредит уюшмалари ассоциацияси, микрокредит ташкилотлари
5.3	Микромолиявий секторнинг ёрдамчи хизматлари ва инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан Микрокредит ташкилотлари ассоциациясини таъсис этиш орқали ривожлантириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2007-2008 йй. давомида	Марказий банк, Кредит уюшмалари ассоциацияси, микрокредит ташкилотлари
5.4	Куйидагиларни: — бухгалтерия, аудиторлик, маслаҳат бериш, ўқитиш хизматлари кўрсатиш учун консалтинг марказини; — микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари ўртасида ахборот айирбошлаш, энг яхши микромолиявий ташкилотлар тўғрисидаги ахборотни мамлакат ичида ва чет элда тарқатиш, техник ёрдам кўрсатиш мақсадида микромолиявий ресурс марказини ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2008 йил I ярим йиллик	Марказий банк, Кредит уюшмалари ассоциацияси, Микрокредит ташкилотлари ассоциацияси
5.5	«Кредит бюrolари фаолияти ва кредит ахборотини айирбошлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш	2008 йил I ярим йиллик	Кредит ахбороти миллий институти, Банклар уюшмаси, Кредит уюшмалари ассоциацияси
5.6	Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари томонидан кредитлар бўйича амалдаги фоиз ставкалари тўғрисидаги ахборот ва мижозлар учун фойдали бўлган бошқа ахборот мунтазам эълон қилиниши.	Комплекс чора-тадбирлар	Доимо	Марказий банк, Кредит уюшмалари ассоциацияси, микрокредит ташкилотлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**240 «Усмон Мусҳафи»ни талаб даражасида сақлашни
таъминлаш тўғрисида**

Ислом оламида улкан аҳамиятга эга бўлган ёдгорлик ҳисобланган Қуръоннинг энг қадимий нусхаларидан бири — «Усмон Мусҳафи»ни ноёб қўлёзма сифатида таъмирлаш ва талаб даражасида сақлаш, бебаҳо маънавий бойлигимизни келажак авлодларга безавол етказишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Усмон Мусҳафи»ни таъмирлаш ва уни талаб даражасида сақлаш масалаларини ташкил этиш бўйича Республика комиссияси иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссиясига:

бир ой муддатда мамлакатимиздаги ва хориждаги етакчи мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳини тузиш;

экспертлар гуруҳининг иши учун зарур шарт-шароитлар яратиш топширилсин.

3. Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси экспертлар гуруҳи хулосалари асосида «Усмон Мусҳафи»ни таъмирлаш ва сақлаш юзасидан тадбирлар режасини 2007 йил 1 октябрга қадар Республика комиссиясига тақдим этсин.

4. Молия вазирлиги:

тегишли ҳисоб-китоблар асосида хорижий экспертларнинг Тошкентга келиб-кетиш ва ишлаш харажатлари учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан зарур маблағ ажратилишини;

Республика комиссияси тасдиқлаган сарф-харажатлар асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлигига зарур маблағ ажратилишини 2008 йил бюджет параметрларига киритилишини назарда тутсин.

5. Таъмирлаш ишларини амалга оширишда ҳомий сифатида қатнашиш истагини билдирган нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро тузилмаларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 июнь,
115-сон

* Илова берилмайд.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

241 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
2 июнда 51-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 12 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 30 майдаги ПФ-3613-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 31 майдаги 138-сон ва «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорларига асосан ҳамда Молия вазирлигининг 2007 йил 23 майдаги СБ/06-02-10-8/108-сон хатини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 5 майда 51-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1994 йил 16 майда 52-сон билан тасдиқланган «Деворбоп материаллар ишлаб чиқарувчи ва якка тартибда уй-жой қурувчиларга ҳамда уй-жой қуриш кооперативларига деворбоп материалларни имтиёзли нархларда реализация қилувчи корхоналарга чиқимларни тўлашнинг вақтинчалик тартиби» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

5. Мазкур буйруkning бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Адлия вазири

Ф. ОТАХОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 июнь,
103-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

242 Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
2 июнда 1558-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 12 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 февралдаги «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 34-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 7-8-сон, 65-модда) ижроси юзасидан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2006 йил 10 февралдаги 42-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га (2006 йил 4 апрель, рўйхат рақами 1558 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 120-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин кучга киради.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

3. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Бош директор ўринбосари А.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 май,
130-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

243 Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
2 июнда 1685-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 12 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ва «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон архив ишларини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 16/4-сонли қарори (2000 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 970) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 14 апрель,
11/3-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2007 йил 14 апрелдаги 11/3-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив
ишларини юритиш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Архивлар тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тижорат банкларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош марказида (кейинги ўринларда — АБМ) электрон архив ишларини юритиш, архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланишнинг умумий тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Электрон архив деганда банк фаолиятига тегишли электрон кўринишда бўлган ҳужжатлар, шу жумладан электрон тўлов тизими маълумотлари, электрон маълумотлари базаси, ЭХМ дастурлари ва бошқа электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзиб, белгиланган муддатга олиб қўйиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тушунилади.

2. Тижорат банклари бошқарувчилари ва АБМ директорлари буйруғига асосан электрон архив ишларини юритиш бўйича бўлим ташкил қилинади ёки электрон архив ишларини юритиш бўйича масъул ходим (кейинги ўринларда — масъул ходим) тайинланади. Масъул ходим олий маълумотга эга бўлган, банк тизимида камидан икки йил ишлаган бўлиши ва архивга олиш дастурлари ва ускуналаридан фойдаланишни мукаммал билиши керак.

3. Тижорат банклари ва АБМ электрон архив ишларини юритиш учун махсус иш жойларига эга бўлиши ва улар техник қурилма-воситалар ҳамда дастурлар билан таъминланган бўлиши керак.

4. Архивга олинган электрон маълумотларнинг рўйхати қоғозда чоп этилади. Қоғозда чоп этилган рўйхат 1-иловада кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олади.

Электрон ахборот ташувчи воситаларнинг устига қуйидаги ёзувлар ёзилиши шарт:

- а) сақловчи воситанинг шартли рақами;
- б) ёзувнинг бошланган санаси;
- в) электрон архивнинг номи;
- г) сақловчи воситага ёзув ёзиш тўхтатилган вақти;
- д) сақланиш муддати.

5. Архив ишларини олиб боровчи бўлим фаолият кўрсатиш хусусиятларига кўра электрон архив ишларини юритиш тартибини мазкур Йўриқномага биноан ишлаб чиқишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

II. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида электрон архив ишларини юритиш

6. Электрон архив ишларини юритиш бўйича тайинланган масъул ходим бевосита, меҳнат таътилида бўлганлиги ва бошқа сабабларга кўра ишда бўлмаган вақтларида электрон архив ишларини юритиш бўйича тижорат банки бошқарувчисининг буйруғига асосан вақтинчалик бошқа масъул ходим тайинланади.

7. Тижорат банклари бошқарувчилари, бош бухгалтерлари ва масъул ходим электрон архив маълумотларининг тўлиқлиги, тўғри архивлаштирилиши ҳамда ишончлилиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

8. Электрон тўлов маълумотларининг базалари жойлашган Бош банкларида (филиалларида) қуйидаги электрон маълумотлар архивга олинishi лозим:

- а) банк амалиёти куни электрон маълумотларининг тўлиқ базаси;
- б) муддати тугаган шифрлаш ва электрон рақамли имзо қалитлари;
- в) банк амалиёти куни дастурлари ва бошқа алоҳида фойдаланилаётган дастурлар мажмуаси;
- г) электрон тўлов ҳужжатларини қабул қилиш-узатиш жараёни бўйича электрон журнал-баённомалари;
- д) электрон почта орқали олинган ва узатилган ҳужжатлар;
- е) банк бўлимлари томонидан шифрланган ва шифрланмаган кўринишдаги барча кирувчи ва чиқувчи электрон тўлов ҳужжатлари;
- ж) тижорат банкнинг ягона баланси;
- з) тижорат банкларининг кредит ва бошқа банк операциялари борасидаги маълумотлари.

Тижорат банкларининг бошқарув тизимида оид маълумотлари ҳам электрон архивга олинishi шарт.

9. Электрон тўлов маълумотларининг базалари жойлашган тижорат банклари электрон архив маълумотларининг нусхаларини сақланиши учун камида иккита сақлаш жойлари ташкил этадилар:

- а) биринчиси — тижорат банк биносида;
- б) иккинчиси — тижорат банк биносидан ташқаридаги биноларда.

10. 8-бандда кўрсатилган электрон маълумотлар ҳар куни дастурий равишда архивланиб, икки нусхада электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилади ҳамда масъул ходим 2-иловада кўрсатилган кўринишдаги махсус юритилган дафтарга қайд қилиб боради. Махсус дафтар саҳифалари рақамланган, ип ўтказилиб тикилган, тижорат банки бошқарувчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши лозим.

11. Электрон архив ёзилган электрон ахборот ташувчи воситалар ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши шарт.

12. Электрон тўлов маълумотларининг базалари жойлашган тижорат банкларининг ички аудит хизмати ходими ҳар ойда камида бир марта электрон архив ишларини тўғри юритилишини текшириб туради ва бу ҳақида 2-иловада кўрсатилган дафтарга қайд қилиб боради.

13. Электрон ахборот ташувчи воситаларнинг техник тавсифига биноан электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилган электрон архив маълумотлари қайта ўқиб, текширилиб турилади. Техник тавсифда электрон ахборот ташувчи восита ўқилишини текшириш даври кўрсатилмаган бўлса, электрон ахборот ташувчи восита ҳар олти ойда бир марта текшириб турилади ва ушбу текшириш натижаларини қайд этиш учун махсус дафтар юритилади. Агар электрон архив маълумотлари

ташқи таъсирлар натижасида қисман ёки умуман йўқолиб кетганлиги аниқланса, йўқотилган электрон архив маълумотлари қайта тикланиши ва бу ҳақда далолатнома тузилиши зарур.

14. Электрон тўлов маълумотлари базалари жойлашган тижорат банк филиаллари электрон архив маълумотларини ҳар чоракда камида бир марта ўз тижорат банклари вилоят филиалларининг архивига топширадилар. Жорий йил тамом бўлганидан сўнг, тижорат банкнинг вилоят филиали электрон архив маълумотларини Бош банк идоравий архив бўлимига белгиланган тартибда топширади.

15. Электрон тўлов маълумотлари базалари жойлашган Бош банклар электрон ахборот ташувчи воситага ёзилган электрон архив маълумотларининг бир нусхасини идоравий архив бўлимига сақлашга топширади ва иккинчи нусхасини пулхисоб-китоб ҳужжатларини сақлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда банк биносидан ташқаридаги биноларда сақлайди.

16. Зарур ҳолларда (Марказий банк раҳбариятининг кўрсатмасига асосан) комиссия тузилади ва тижорат банклари томонидан электрон архив ҳужжатлари батафсил текшириб чиқилади.

Комиссия таркибига Марказий банкнинг ваколатли ходимлари, тижорат банки бош бухгалтери ва бошқа масъул ходимлари киритилиши шарт.

17. Бош банк сақланиш муддати доимий бўлган электрон архивни ўн беш йил мобайнида идоравий архивда сақлайди. Идоравий сақлаш муддати тугаган архивлар ўрнатилган тартибда давлат архивларига топширилади.

Идоравий сақловни шартнома асосида давлат архивларида амалга ошириш мумкин.

18. Электрон тўлов маълумотлари базалари жойлашган тижорат банкларининг филиаллари фаолияти тугатилганда электрон архив маълумотлари тижорат банкнинг вилоят филиалларига, вилоят филиаллари мавжуд бўлмаган банклар Бош банкка белгиланган тартибда топширадилар. Тижорат банк фаолияти тугатилиб бошқа тижорат банкка қўшиб юборилганида, электрон архив маълумотлари ўша банк архивига белгиланган тартибда топширилади. Агар иккита тижорат банк фаолияти тугатилиб янги тижорат банк ташкил этилса, электрон архив маълумотлари янги ташкил этилган тижорат банкда сақланади.

19. Тижорат банки фаолияти тугатилганда электрон архив маълумотлари белгиланган тартибда Давлат архивига топширилади.

III. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ахборотлаштириш бош марказида электрон архив ишларини юритиш

20. АБМ директори ва масъул ходим электрон архив маълумотларининг тўлиқлиги, тўғри архивлаштирилиши ҳамда ишончлилиги учун шахсан жавобгардир.

21. АБМда электрон тўлов маълумотларини қабул қилувчи-узатувчи ва қайта ишловчи бўлинмалар ўрнатилган тартибда архив ишларини юритадилар. Улар АБМ таркибидаги архив ишларини юритувчи тегишли бўлимга кунлик архив маълумотларини тақдим этадилар. Марказий банкнинг интеграллашган Ахборот таҳлилий тизими электрон архивларини юритиш мазкур тизим ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

22. АБМда қуйидаги маълумотлар электрон архивга олиниши шарт:

- а) банк амалиёти кунли электрон маълумотларининг тўлиқ базаси;
- б) электрон тўлов ҳужжатларининг кирувчи ва чиқувчи маълумотлари;

в) электрон тўлов ҳужжатларининг кирувчи ва чиқувчи маълумотларини қабул қилиш-узатиш телекоммуникацион журнал баённомалари;

г) банк амалиёти куни электрон тўлов ҳужжатларни қайта ишлаш бўйича электрон маълумотлари;

д) банк амалиёти куни дастури ва бошқа алоҳида қўлланиладиган дастурлар мажмуалари;

е) электрон тарздаги меъёрий-сўров маълумотлар базаси;

ж) электрон тўлов ҳужжатларини қабул қилиш-узатиш жараёни бўйича электрон журнал — баённомалари;

з) интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими маълумотлари.

23. АБМ электрон ахборот ташувчи воситаларда жамланган электрон архив маълумотлари нусхаларини сақлаш учун камида иккита электрон архив сақлаш жойларини ташкил этади:

а) биринчиси — АБМ биносида;

б) иккинчиси — АБМ биносидан ташқаридаги бинода.

24. Ҳар куни масъул ходим 22-бандда кўрсатилган маълумотларни дастурий равишда электрон архивлаб, икки нусхада электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзади ва махсус дафтарларда қайд этади. Махсус дафтарларнинг саҳифалари рақамланган, ип ўтказилиб тикилган ва муҳрланган бўлиши лозим.

25. Электрон архив маълумотлари ёзилган электрон ахборот ташувчи воситалар ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши шарт.

26. АБМда электрон архив маълумотларининг хавфсизлиги, дахлсизлиги, тўлиқлиги, ишончлиги ва ҳақиқийлиги масъул ходимлар томонидан таъминланади.

27. Электрон ахборот ташувчи воситаларнинг техник тавсифига биноан электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилган электрон архив маълумотлари қайта ўқиб, текширилиб турилади. Техник тавсифда электрон ахборот ташувчи восита ўқилишини текшириш даври кўрсатилмаган бўлса, электрон ахборот ташувчи восита ҳар олти ойда бир марта текшириб турилади ва ушбу текшириш натижаларини қайд этиш учун махсус дафтар юритилади. Агар электрон архив маълумотлари ташқи таъсирлар натижасида қисман ёки умуман йўқолиб кетганлиги аниқланса, йўқотилган электрон архив маълумотлари қайта тикланиши ва бу ҳақда далолатнома тузилиши зарур.

28. Масъул ходимлар электрон ахборот ташувчи воситага ёзилган электрон архив маълумотларининг тўлиқлигини текшириб кўриб, идоровий архив бўлимига сақлашга топширади ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини сақлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда ўз биносидан ташқаридаги бинода сақлайди.

29. АБМ сақланиш муддати доимий бўлган электрон архив маълумотларини ўн беш йил мобайнида идоровий архивда сақлайди. Идоравий сақлаш муддати тугаган архивлар ўрнатилган тартибда давлат архивларига топширилади.

Идоравий сақловни шартнома асосида давлат архивларида амалга ошириш мумкин.

Якуний қоидалар

30. Тижорат банклари ва АБМнинг банк сирини ташкил этувчи электрон архив маълумотларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

31. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» Агентлиги билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Ўзархив» Агентлиги Бош директори*

А. АБДУЛЛАЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил*

Ўзбекистон Республикаси банкларида
электрон архив ишларини юритиш тартиби
тўғрисида йўриқномага
1-ИЛОВА

№	Сана	Файлнинг номи	Файлнинг ҳажми

Ташқи сақловчи воситанинг номи _____

Архивга олувчининг Ф.И.Ш. _____

Сана _____ Имзо _____

Ўзбекистон Республикаси банкларида
электрон архив ишларини юритиш тартиби
тўғрисида Йўриқномага
2-ИЛОВА

№	Сана	Архив файлнинг номи	Архив файлнинг ҳажми	Сақловчи воситанинг номи	Архивга олувчининг Ф.И.Ш.	Имзо

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ
БҲЙРУФИ

244 Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатнома бланкалари намуналарини ҳамда Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
4 июнда 1686-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 14 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли қарори билан тасдиқланган Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ ҳамда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритишни тартибга солиш мақсадида **буюраман:**

1. Қўйидагилар:

а) Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналари:

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесиш учун рухсатнома 1-иловага мувофиқ;

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва мол боқиш учун рухсатнома 2-иловага мувофиқ;

б) Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

3. Ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилиш Давлат бионазорати бошлиғи К. Абиловга юклатилсин.

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитасининг раиси**

Б. АЛИХОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 май,
01-705-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

VILOYAT HOKIMLIGI		TUMAN HOKIMIYATI	
			
RUXSATNOMA № 00000 РАЗРЕШЕНИЕ			
Davlat o'rmon fondiga kirmaydigan daraxt va butalarni kesish uchun на рубку древесных и кустарниковых насаждений вне государственного лесного фонда			
Berildi _____ ga			
Выдано _____ tumani,			
_____ viloyati,		_____ район	
_____ aniq hudud _____		_____ конкретная территория	
Qo'riqxonalar va boshqa tabiiy muhofaza hududlaridan hamda tabiat yodgorliklaridan tashqari hududlarda, qonun bo'yicha, binolar, inshootlar va kommunikatsiyalar qurilishi hamda fuqarolar xavfsizligini ta'minlash bilan bogliq sanitariya tartibida kesishlar. В порядке проведения санитарных рубок и рубок, связанных с обеспечением безопасности граждан, а также со строительством зданий, сооружений и коммуникаций, за исключением территорий заповедников и других охраняемых природных территорий и памятников природы в соответствии с законодательством			
Daraxt va butalarni nomi Название вида	Daraxtni yoki butani diametri Диаметр ствола	Miqdori Количество	
Ruxsatnoma joylardagi o'simlik va hayvonot dunyosini muhofaza qilish davlat nazoratidan ro'yxatdan o'tkazilgan holda haqiqiydir. Joylardagi tabiatni muhofaza qilish organlariga taqdim etilishi lozim. Amal qilish muddati tugagandan so'ng kesilgan daraxtlar yoki butalarni hisoboti bilan ruxsatnoma berilgan joyga 10 kun ichida qaytariladi. Разрешение действительно при регистрации в госинспекции по охране животного и растительного мира. Подлежит предъявлению органам охраны природы на местах. По окончании срока действия (в течение 10 дней) с отчетом о рубке деревьев или кустарников возвращается по месту получения.			
Ruhsatnomani muddati _____ dan _____ gacha			
Срок действия разрешения с по _____			
Asos: _____			
Основание _____			
Hokim o'rinbosari _____		M.O' _____	
		M.П. imzo / подпись _____	
		« ____ » _____ 20__ yil	

VILOYAT HOKIMLIGI		TUMAN HOKIMIYATI
RUXSATNOMA № 00000 РАЗРЕШЕНИЕ Davlat o'rmon fondiga kirmaydigan zahira erlarda pichan o'rish va mol boqish uchun на сенокосение и выпас скота на землях запаса вне государственного лесного фонда		
Berildi _____ ga Выдано _____ _____ viloyati, _____ tumani, _____ область _____ район aniq hudud _____ _____ конкретная территория		
Qo'riqxonalar va boshqa tabiiy muhofaza hududlaridan hamda tabiat yodgorliklaridan tashqari hududlarda, qonun bo'yicha За исключением территорий заповедников и других охраняемых природных территорий и памятников природы в соответствии с законодательством		
Pichan o'rish uchun На сенокосение	Ajratilgan maydon o'lchami (ga) Выделенная площадь (га)	
Mol boqish uchun ajratilgan maydon o'lchami (ga) Выделенная площадь (га) на выпас скота	Mol turi bo'yicha По видам скота	Soni Количество
Ruxsatnoma joylardagi o'simlik va hayvonot dunyosini muhofaza qilish davlat nazoratidan ro'yxatdan o'tkazilgan holda haqiqiy . Joylardagi tabiatni muhofaza qilish organlariga taqdim etilishi lozim. Amal qilish muddati tugagandan so'ng hisobot bilan ruhsatnoma berilgan joyga 10 kun ichida qaytariladi. Разрешение действительно при регистрации в госинспекции по охране животного и растительного мира. Подлежит предъявлению органам охраны природы на местах. По окончании срока действия (в течение 10 дней) с отчетом возвращается по месту получения.		
Ruhsatnomani muddati _____ dan _____ gacha Срок действия разрешения с по		
Asos: _____ Основание		
Hokim o'rinbosari	M.O' _____ М.П imzo / подпись «___» _____ 20__ yil	

Табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитасининг 2007 йил 15 майдаги
01-705-сон буйруғига
З-ИЛОВА

**Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни
кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган
захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун
бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва
ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Йўриқнома давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини беришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқлидир.

I. Умумий қоидалар

1. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкалари қатъий ҳисоботидаги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири, ҳисобга олиш рақамларига эга ва ҳимоя даражалари билан таъминланган, икки тарафига маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ўзбек ва рус тилларидаги номи жойлаштирилган ҳужжатлар ҳисобланади.

Рухсатнома бланкалари тасдиқланган намуналарга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мустақил тайёрланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишмасдан рухсатнома бланкаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

3. Ҳар бир рухсатнома бланкаси босмахона рақами ва индексга эга бўлади. Индекс рақамдан олдин жойлаштирилади.

Бланка индекси давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларда пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатишга тегишли ҳудудда рухсатнома берадиган давлат ҳокимияти органини идентификациялайди.

4. Бланкаларни рангли ҳимояси мазкур Йўриқноманинг 14-15-бандларига мувофиқ белгиланади.

5. Рухсатномаларнинг асл нусхаси табиатдан фойдаланувчига берилади, унинг бир нусхаси тегишли табиатни муҳофаза қилиш органига юборилади, иккинчи нусхаси рухсатномани берган маҳаллий давлат ҳокимияти органида қолдирилади.

6. Мазкур Йўриқнома мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қуйидаги индекслар берилади:

ҚР — Қорақалпоғистон Республикаси;
АН — Андижон вилоят ҳокимияти;
БХ — Бухоро вилоят ҳокимияти;
ЖЗ — Жиззах вилоят ҳокимияти;
НМ — Наманган вилоят ҳокимияти.
НВ — Навоий вилоят ҳокимияти;
СР — Сирдарё вилоят ҳокимияти;
СМ — Самарқанд вилоят ҳокимияти;
СХ — Сурхондарё вилоят ҳокимияти;
ТШ — Тошкент шаҳар ҳокимияти;
ТВ — Тошкент вилоят ҳокимияти;
ФР — Фарғона вилоят ҳокимияти;
ХР — Хоразм вилоят ҳокимияти;
ҚШ — Қашқадарё вилоят ҳокимияти.

II. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш учун бериладиган рухсатномаларни расмийлаштириш

7. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш учун бериладиган рухсатнома бланкасида қуйидагилар кўрсатилади:

ташкилот номи, ташкилот раҳбари ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

рухсатнома амал қиладиган ҳудуд (вилоят, туман, муайян ҳудуд ёки участка манзили);

кесиладиган дарахтлар ва буталарнинг миқдори, ўсимлик тури (нави) дарахт танаси диаметри;

рухсатнома бериш учун асос (давлат ҳокимияти органи номи, ҳужжатнинг санаси ва рақами);

рухсатноманинг амал қилиш муддати.

8. Кўп миқдордаги дарахтлар ва буталар тури (нави)ни кесишга рухсатнома берилишида уларнинг тавсифи бланканинг олди тарафига сигмаганда, унинг орқа тарафини тўлдиришга йўл қўйилади.

9. Бланка тўлдирилишига масъул бўлган шахс томонидан фойдаланувчи учун ижро этилиши мажбурий бўлган давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш учун бериладиган рухсатномани (ҳудудни рекултивация қилиш, кесишдан кейин қолган қолдиқларни тозалаш ва ҳ. к.) бериш шартлари киритилиши мумкин.

10. Рухсатнома бланкаси маҳаллий давлат ҳокимияти органининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

III. Давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган заҳира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномаларни расмийлаштириш

11. Давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган заҳира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатнома бланкасида қуйидагилар кўрсатилади:

ташкилот номи, ташкилот раҳбари ёки жисмоний шахс фамилияси, исми, отасининг исми;

рухсатнома амал қиладиган ҳудуд (вилоят, туман, муайян ҳудуд ёки участка манзили);

чорва молларини ўтлатиш учун ажратилган майдон, чорва молларининг тур таркиби ва унинг миқдори (чорва молларини ўтлатиш учун рухсатнома берилаётганда);

рухсатнома бериш учун асос (давлат ҳокимияти органи номи, ҳужжатнинг санаси ва рақами);

рухсатноманинг амал қилиш муддати.

Фойдаланишнинг битта тури учун рухсатнома берилганда (пичан ўриш ёки чорва молларини ўтлатиш), бланкада кўрсатилган фойдаланишнинг бошқа турлари чизикча билан ўчирилади.

12. Бланка тўлдирилишига масъул бўлган шахс томонидан фойдаланувчи учун ижро этилиши мажбурий бўлган пичанни ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун рухсатномалар (ўсимликларни ноёб турларини сақлаш, турли турдаги қушлар томонидан тухумлар қўядиган жойларда чорва молларини ўтлатишга йўл қўймаслик бўйича ва ҳ.к.) бериш шартлари киритилиши мумкин.

13. Рухсатнома бланкаси маҳаллий давлат ҳокимияти органининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

IV. Рухсатнома бланкаларининг рангли ҳимояси

— 14. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш учун бериладиган рухсатнома бланкалари оч яшил рангдаги А-4 формат қоғозида ишлаб чиқарилади. Қоғоз варағига майда штрихланган расм киритилади. Варақнинг ўнг тепа бурчаги диагоналидан иккита пушти ранг чизиқлар ўтказилади.

+

15. Давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатнома бланкалари оч сариқ рангдаги А-4 формат қоғозида ишлаб чиқарилади. Қоғоз варағига майда штрихланган расм киритилади. Варақнинг ўнг тепа бурчаги диагоналидан иккита ҳаво ранг чизиқлар ўтказилади.

V. Бланкаларнинг ҳисоби ва берилган рухсатномаларни рўйхатдан ўтказиш

16. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатнома бланкалари ва уларнинг берилишининг қатъий ҳисоби қонун ҳужжатлари асосида ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномаларни бериш ваколати берилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юритилади.

17. Бланкалар тўлдириш жараёнида бузилганда, улар қонун ҳужжатларида қатъий ҳисобот ҳужжатлари учун белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади ва йўқ қилинади.

18. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилган рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларининг тартиби рақамланган ва тикилган тегишли журналларида рўйхатдан ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРAT
БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
НАЗОРAT ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТДА, КОНЧИЛИКДА ВА
КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ БЕХАТАР ОЛИБ
БОРИЛИШНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

245 Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун
ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув
сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини,
шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғри-
сида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
7 июнда 1687-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 17 июндан кучга киради)

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат»
тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекист-
тон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекция-
си тўғрисидаги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекист-
тон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг
беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (Саноатконтехназо-
рат) тўғрисидаги низомларга мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган «Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун
ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини
ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тар-
тиби тўғрисида низом» тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-
тидан ўтказилгандан сўнг, ўн кундан кейин амалга киритилади.

**«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи**

Б. ҒУЛОМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 май,
90-сон

**«Ўздавнефтегазинспекция»
бошлиғи**

Р. ШЕРАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 май,
29-П-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
Бош директори

У. ҲОЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 май,
26-сон

«Саноатконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи

И. ҲОЛМАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 май,
71-сон

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан 2007 йил 7 майдаги 90, 29-П, 26, 71-сон қарор билан «ТАСДИҚЛАНГАН»

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 августдаги ПҚ-445-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низом» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 34–35-сон, 340-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низом» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 9-сон, 105-модда), 2004 йил 13 июлдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 28-сон, 322-модда) ва 2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 28-сон, 321-модда) мувофиқ, иссиқлик энергияси ишлаб чиқиши ва узатиши учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфи меъёрлари ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлашнинг ягона тартибини ўрнатади ва ушбу жараёнда иш-

тирок этадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

Мазкур Низомнинг мақсади иссиқлик таъминоти ташкилотлари томонидан иссиқлик юкламаларини аниқлашда ёқилғи-энергетика (ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув) (кейинги ўринларда ЁЭР деб юритилади) ресурсларини тежаш режимини амалга ошириш, уларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда иссиқлик энергиясини иссиқлик тармоқлари бўйича узатишдаги технологик йўқотишларни ҳисобга олишдан иборат.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжларни, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув харажатларини аниқлашда ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқилиши ва сотилишидаги таннархини калькуляция қилишда иситиш ва иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси ишлаб чиқилиши, узатилиши ва берилишини амалга оширувчи корхоналарга тааллуқлидир.

2. Иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқилиши ва узатилиши учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфи меъёрлари ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек иссиқлик тармоқларидаги технологик йўқотишларни аниқлашда Иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқилиши ва узатилиши учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфи меъёрлари ҳамда иссиқлик юкламаларини, иситиш қозонхоналарининг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфи, шунингдек, иссиқлик тармоқларидаги технологик йўқотишларни ҳисоблаб чиқиш методикасига (кейинги ўринларда Методика деб юритилади) амал қилиш лозим (мазкур Низомга Илова).

Мазкур Методика янгитдан ишга туширилаётган иншоотлар ҳисоб-китоби учун мўлжалланмаган.

3. Иссиқлик энергияси истеъмолининг ҳажми ва қозонхоналарнинг қувватидан қатъи назар, иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқилиши, узатилиши учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг барча кўрсаткичлари, иситиш қозонхоналарининг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфлари ҳамда иссиқлик тармоқларидаги технологик йўқотишлар меъёрланиши лозим.

4. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш учун ёқилғи-энергетика ресурслари сарфларининг меъёрлари (шартли ҳисобда) ёқилғининг барча турлари бўйича алоҳида ишлаб чиқилади.

5. ЁЭР сарфларининг меъёрлари:

режалаштиришнинг барча поғоналарида ягона услубий асосда ишлаб чиқилиши;

хар бир иссиқлик манбаи ва унга уланган иссиқлик тармоқлари бўйича ишлаб чиқилиши;

ишлаб чиқаришнинг шароитларини, илмий-техникавий тараққиётнинг ютуқларини, ЁЭРдан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича ташкилий-техникавий чоратадбирларни ҳисобга олиши;

ишлаб чиқаришнинг режалаштирилаётган ривожлантирилиши ва техникавий тараққиётини, ЁЭРдан фойдаланишда эришилган энг самарали кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам қайта кўриб чиқилиши;

ЁЭРни тежашнинг ички ресурсларини имкон қадар сафарбар қилиш, истиқбол топшириқларини бажариш ва ишлаб чиқаришнинг энг самарали кўрсаткичларига эришишга имконият яратмоғи шарт.

6. ЁЭР сарфларининг меъёрларини уларни амал қилиш муддатида, фақатгина уларнинг амалдаги бажарилиш даражасидан келиб чиққан ҳолда оширилишига йўл қўйилмайди.

§ 1. ЁЭР сарфлари меъёрларининг таснифи

7. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқишда ЁЭР сарфларининг меъёрлари қуйидаги асосий белгилар бўйича таснифланади:

агрегация даражаси бўйича — индивидуал ва гуруҳли;
сарфларининг таркиби бўйича — технологик ва умумий ишлаб чиқариш;
амал қилиш даври бўйича — йиллик, чораклик, ойлик.

8. ЁЭРнинг 1 Гкал иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун қозон агрегатларининг турлари ёки алоҳида қозон агрегатлари бўйича сарфлари ЁЭРнинг индивидуал меъёрлари деб номланади.

9. Гуруҳли меъёр деб — мазкур даражада (корхона, ташкилот) кутилаётган иссиқлик энергиясининг миқдорини ишлаб чиқарилиши (ўзатилиши)да ЁЭР сарфи меъёрларига айтилади.

10. Технологик эксплуатация қоидаларидан, режим хариталаридан чекинишлар ҳамда бино ва иншоотларнинг қурилиши ва капитал таъмирланиши, қозонхона ускуналарининг монтаж қилиниши, ишга туширилиши, созланиши учун бошқа нораціонал харажатлар, ЁЭРни сақлаш ва ўзатишдаги йўқотишлар бўлганлиги сабабли, ушбу ресурсларининг харажатларини ЁЭР сарфи меъёрларига киритмаслик лозим.

ЁЭРнинг ушбу эҳтиёжлар учун сарфлари алоҳида меъёрланиши шарт.

§ 2. ЁЭР сарфларининг меъёрларини ишлаб чиқиш усуллари

11. ЁЭР сарфи меъёрларини ишлаб чиқишнинг асосий усули бўлиб ҳисоб-китоб-таҳлил усули ҳисобланади. Бундан ташқари тажриба (эксперимент) ва ҳисоб-китоб-статистика усуллари қўлланилади.

12. ЁЭР сарфининг индивидуал ва гуруҳли меъёрларини белгилаш учун асосан ҳисоб-китоб-таҳлил ва ҳисоб-китоб-статистика усуллари қўлланилади.

13. Ҳисоб-китоб-таҳлил усули ЁЭР сарфи меъёрларини ишлаб чиқишда ушбу ресурслардан фойдаланишнинг илғор кўрсаткичлари асосида сарфлаш кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқлашни кўзда тутди.

14. ЁЭР сарфлари меъёрларини ишлаб чиқишнинг тажриба (эксперимент) усули қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларини баланс синовлари натижасида олинган маълумотлар бўйича ёқилғи, иссиқлик ва электр энергиясининг солиштирма харажатларини аниқлашдан иборатдир.

15. Ҳисоб-китоб-статистика усули меъёрларни ишлаб чиқиш учун ҳисоб-китоб-таҳлил ва тажриба усулларида фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолларда, истисно тариқасида қўлланилади ва олдинги уч йил учун ЁЭРнинг амалдаги солиштирма сарфлари ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги статистик маълумотларни таҳлил қилишга асосланади.

§ 3. ЁЭР сарфларини меъёрлаш учун асос бўладиган далиллар

16. ЁЭРни техникавий меъёрлаш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади: қозонхона агрегатларининг норматив тавсифлари, режим хариталари, ускуналарнинг техникавий паспортлари ва технологик регламентлар;

лойиҳавий-техникавий ҳужжатлар, техник-иқтисодий асослар, иссиқлик юкла-маларининг ҳисоб-китоблари;

ЁЭР бўйича истиқбол кўрсаткичлари ва статистик ҳисоботлар, ЁЭРдан оқило-на ва самарали фойдаланиш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирлар режала-ри;

ўхшаш ускуналарга эга бўлган қорхоналарнинг иссиқлик таъминоти бўйича илғор иш тажрибаси ва ЁЭРнинг солиштира сарфлари бўйича эришган кўрсаткич дара-жалари;

қозонхоналар ишининг амалдаги техникавий кўрсаткичлари ва ишлаш режим-лари (унумдорлик, босим, фойдали иш коэффициенти (кейинги ўринларда ФИК деб юритилади), ёқилғи сарфи, ишлаш вақти, юкламалар ва ҳ.к).

§ 4. Иссиқлик тармоқларида иссиқлик юкламалари ва технологик йўқотишларнинг меъёрларини ҳисоб-китоб қилиш учун норматив ҳужжатларнинг тузилмаси

17. Ҳар бир алоҳида қозонхона учун қуйидаги ҳисоб-китобларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим:

иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ой учун истеъмолчилар-нинг иситилиши, вентиляцияси ва иссиқ сув таъминотига керакли иссиқлик юкла-маларининг ҳисоб-китоби;

келувчи ва қайтувчи қувурларда иссиқлик элтувчининг параметрларини ва тупроқнинг (ёки ҳавонинг) ҳароратини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик тармоқлари-даги иссиқлик энергиясининг норматив йўқотишларини ҳар ойдаги ҳисоб-китоби;

қозонхонадан иссиқлик тармоқларига иссиқлик энергиясини узатишда ЁЭР солиштира сарфи меъёрлари ҳисоб-китоби (иссиқлик энергиясини узатиш бўйича меъёрларга асосан);

қозонхонада ўрнатилган қозон агрегатлари томонидан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқилиши ва узатилиши бўйича ЁЭР солиштира сарфи меъёрлари ҳисоб-китоби (иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш бўйича меъёр).

18. Ҳар бир алоҳида олинган қозон агрегати томонидан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқилиши ва узатилиши бўйича ЁЭР солиштира сарфининг индивидуал меъёри (қозон агрегатининг норматив тавсифи).

19. Иссиқлик энергиясини қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқо-тишлари бўйича сарфининг меъёри (иссиқлик энергиясини қозонхонадаги ўз эҳти-ёжлари учун сарфининг меъёрий улуши).

20. Ишлаб чиқарилаётган ва узатилаётган 1 Гкал иссиқлик энергияси учун ЁЭРнинг сарфи қуйидагича меъёрланади:

ёқилғи — шартли ёқилғи килограммда (ш.ё.кг);

электр энергияси — киловатт соатларда (кВтсоат);

иссиқлик энергияси — Гкал да;

сув — м³ да.

21. ЁЭР истеъмоли ва узатилишининг ҳисоби:

тезкор дафтарларда;

қозонларнинг суткалик қайдномаларида;

бир ойдаги табиий газ сарфи тўғрисидаги далолатномада;

бир ойда берилган иссиқлик энергияси тўғрисидаги далолатномада;

бир ойдаги электр энергияси истеъмоли тўғрисидаги далолатномада;

бир ойдаги сув истеъмоли тўғрисидаги далолатномада олиб борилади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси техникавий кўрсаткичлар бўйича тезкор ва ҳисобот ҳужжатларининг тўғри олиб борилиши учун жавобгардир.

22. Мазкур Низомнинг Иловасида келтирилган Методика иситиш қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларининг энг кўп тарқалган ускуна турларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва технологияларнинг, ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилишига ва янги турдаги иссиқлик техникавий ускуналарни жорий этилишига, уларга хизмат кўрсатиш сифатининг оширилишига қараб қайта кўриб чиқиши лозим.

23. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфи меъёрлари ҳамда технологик йўқотишларнинг меъёрларини аниқлаш мазкур Низом талаблари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» ва «Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 3-4-сон, 26-модда), «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидалари. I-қисм» (2004 йил 10 сентябрь, рўйхат рағами 1405 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 36-сон, 405-модда), «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидалари. II-қисм», Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш қоидалари ҳамда иссиқлик таъминоти ташкилоти ва истеъмолчи ўртасида иссиқлик энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ тартибга солинади.

Шартномада иссиқлик энергияси сарфини ҳисоб-китоб қилишда фойдаланиладиган маълумотлар қайд этилади. Шартномага иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларини белгилаш ва томонларнинг эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги тўғрисидаги далолатнома ва объектнинг ўрнашган жойи тўғрисидаги маълумотнома илова қилинади.

Берилган иссиқлик энергияси ҳисоби иссиқлик тармоқларининг бўлиниш чегарасидаги ҳисобга олиш нуқтасида амалга оширилиши керак.

Истеъмолчининг балансидаги иссиқлик тармоқлари участкасидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари истеъмолчининг ҳисобига ўтказилади.

II боб. Иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқиши, берилиши ва узатилишида иссиқлик таъминоти корхоналари устидан назоратни таъминлаш механизми

24. Иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан ҳар йили иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун ёқилғи, электр энергияси ва сув сарфлари меъёрлари ҳамда иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик йўқотишлари меъёрлари ҳисоб-китоби тегишли давлат бошқаруви идоралари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

25. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун ёқилғи, электр энергияси ва сув сарфлари меъёрлари ҳамда иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик йўқотишлари меъёрларини аниқлаш бўйича келишилган ҳисоб-китоблар тасдиқлаш учун маҳаллий бошқарув идораларига тақдим этилади.

26. Иссиқлик таъминоти корхоналарини назорат қилиш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

уланган иссиқлик юкламасини, уларни иссиқлик энергиясининг тижорат ҳисобини олиб бориш асбоблари билан жиҳозланганлигини кўрсатган ҳолда корхоналар томонидан жорий йилнинг 15 январигача тақдим этиладиган маълумотларга

асосан, иссиқлик энергияси манбалари, магистрал ва тақсимловчи буғли ва сувли тармоқлар, иссиқлик энергияси истеъмолчилари (улгуржи абонентлар ва якка тартибдаги абонентлар) бўйича маълумотларнинг ахборот базасини яратиш;

иссиқлик таъминоти бўйича корхоналар ишининг амалдаги техникавий кўрсаткичларини акс эттирувчи мажбурий тезкор ва ҳисобот ҳужжатларининг рўйхатини белгилаш.

27. Иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқилиши, узатилиши ва берилиши самарадорлиги таҳлилини тайёрлаш мақсадида тегишли давлат бошқаруви идоралари томонидан ўз ваколатлари доирасида мониторинг ўтказилади.

Мониторинг ўтказиш жараёнида иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

ўз манбалари ҳисобидан ишлаб чиқилган ва четдан олинган (сотиб олинadиган иссиқлик энергияси) иссиқлик энергияси ҳажми;

иссиқлик энергияси истеъмолчиларига берилган иссиқлик энергияси ҳажми;

қозонхоналар бўйича иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш учун (барча турдаги) ёқилғининг сарфи;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқилиши, узатилиши ҳамда ўз эҳтиёжлари учун ёқилғининг ишлаб чиқилган ва тасдиқланган солиштирма сарфлари;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқилиши, берилиши учун ёқилғининг амалда эришилган солиштирма ҳамда ўз эҳтиёжлари учун сарфлари;

меъёрий йўқотишлар билан солиштириш учун иссиқлик ва буғли тармоқлардаги иссиқлик энергиясининг амалдаги йўқотишлари;

истеъмолчиларга етказиб бериладиган ва норматив ҳужжатларга мувофиқ қозонхонага қайтариладиган иссиқлик энергиясининг иссиқлик манбалари бўйича иссиқлик элтувчиси параметрларининг ўртача ойлик маълумотлари (харорат, босим, сарф-харажатлари);

меъёрий маълумотлар билан солиштириш учун истеъмолчиларга узатилган иссиқлик энергиясининг амалдаги ҳажми бўйича маълумотлар;

иссиқлик тармоқларини кўрикдан ўтказиш жадваллари ва уларнинг бажарилиши ҳамда аниқланган нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилиши;

қозонхона ва ёрдамчи ускуналарни, иссиқлик тармоқларини капитал ва жорий таъмирлаш жадваллари ва уларнинг бажарилиши;

иссиқлик таъминоти бўйича корхоналарнинг идоровий инспекциялари томонидан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш ва етказиб беришдаги йўқотишларга йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот.

28. Мониторингнинг натижалари бўйича қуйидагилар юзасидан таҳлилий маълумотлар тайёрланади:

иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқилиши ва берилиши;

иссиқлик энергиясининг ўз эҳтиёжлари учун сарфи;

иссиқлик энергияси ишлаб чиқилиши учун истеъмол қилинган ёқилғи миқдори;

иссиқлик энергиясининг узатилиши;

иссиқлик тармоқларидаги йўқотишлар.

29. Корхоналар, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфи ҳамда иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари меъёрларини аниқлашда ҳисоб-китобларнинг тўғри бажарилиши учун жавобгардирлар.

III боб. Яқуний қоидалар

30. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

31. Низоларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисида низомга ИЛОВА

Иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, иситиш қозонхоналарининг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфини, шунингдек иссиқлик тармоқларидаги технологик йўқотишларни аниқлашнинг ҳисоблаб чиқиш методикаси

I боб. Турар жой, жамоат биноларини иситиш, вентиляцияси ва иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун ҳисобланадиган иссиқлик миқдорини аниқлаш

§ 1. Умумий кўрсатмалар

1. Иссиқлик эҳтиёжи ҳисоб-китобини ўтказишдан олдин истеъмолчи томонидан тақдим этилган бошланғич (лойиҳадаги иссиқлик юкламалари, бинонинг ҳажми, иссиқ сувдан фойдаланувчи истиқомат қилувчилар сони, истеъмолчининг балансидаги иссиқлик тармоқларини диаметри ва узунлиги ва ҳ.к) ахборотнинг тўғри эканлиги баҳоланиб чиқилиши лозим.

2. Режалаштирилаётган даврда истеъмолчи томонидан истеъмол қилинадиган иссиқликнинг миқдори бевосита иссиқлик истеъмол қилинадиган объектда биноларни иситиш, вентиляцияси, иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун истеъмол қилинган иссиқлик ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг технологик эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфи йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$Q_{\text{ист}} = Q_{\text{и}} + Q_{\text{в}} + Q_{\text{и.т.}} + Q_{\text{т.э}}, \text{ Гкал} \quad (1) \text{ бу ерда:}$$

$Q_{\text{и}}$ — турар жой ва жамоат биноларини иситиш, вентиляцияси, иссиқ сув таъминоти учун мазкур Низом Иловасининг 2-параграфига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган иссиқлик сарфи;

$Q_{\text{в}}$ — жамоат биноларининг вентиляцияси учун мазкур Низом иловасининг 3-параграфига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган иссиқлик сарфи;

$Q_{и.т.}$ — турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти учун мазкур Низом Иловасининг 4-параграфига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган иссиқлик сарфи;

$Q_{т.э.}$ — ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг технологик эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфи.

Мазкур Низом Иловасининг 2-параграфида келтирилган барча ҳисоб-китоблар бевосита объектларда истеъмол қилинадиган иссиқлик миқдорига тааллуқлидир. Тармоққа берилган иссиқлик миқдорлари бунга киритилмайди.

§ 2. Турар жой ва жамоат биноларини иситишга керакли бўлган иссиқлик миқдорини аниқлаш

3. Турар жой ва жамоат биноларини иситишда иссиқлик қурилиш тўсиқлари орқали иссиқлик йўқотишлари ҳамда конструкциялардаги нозичликлар ва вақти-вақти билан очилувчи эшиклар орқали ташқаридан ҳаво кириш инфильтрацияси (ўтиши) бўлганлиги сабабли иссиқлик йўқотишларини қоплаш учун сарфланади.

4. Бинолардаги иссиқлик йўқотишлари биноларнинг намунавий ёки индивидуал лойиҳалар ҳамда иситиш тизимлари лойиҳалари бўйича қабул қилинади.

Режалаштирилаётган давр (ой, чорак, йил) учун иссиқликка бўлган эҳтиёж бу ҳолатда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{и.реж} = Q_{и} \times \frac{(t_{и.ч.} - t_{и.реж.})}{(t_{и.ч.} - t_{и.хис.})} \times n \times 24 \times 10^{-6} \text{ Гкал (2) бу ерда:}$$

$Q_{и.реж}$ — режалаштирилаётган давр (ой, чорак, йил) учун иссиқликка бўлган эҳтиёж, Гкал;

$Q_{и}$ — мазкур жой учун ҳисоблаб чиқилган ташқи ҳаво ҳароратида биноларни иситиш учун бир соатлик юклама $t_{и.хис.}$ (ккал/соат);

$t_{и.ч.}$ — иситилаётган хоналар ички ҳавосининг ҳисоблаб чиқилган ўртача ҳарорати, град. °C;

$t_{и.реж.}$ — режалаштирилаётган давр учун ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати, °C (КМК 2.01.01.-94 «Лойиҳалаштириш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»);

$t_{и.хис.}$ — бинони иситишни лойиҳалаштириш учун ташқи ҳавонинг ҳисоблаб чиқилган ҳарорати, град. °C (КМК2.01.01.-94);

n — режалаштирилаётган давр учун иситиш тизимларининг ишлаш давомийлиги, сутка (КМК 2.01.01.-94), иситиш мавсумининг давомийлиги бўйича кўп йиллик амалдаги маълумотлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда;

24 — марказлаштирилган иситиш тизимларининг бир суткада ишлаш соатлари сони, соат.

5. Лойиҳавий маълумотлар бўлмаганда, режалаштирилаётган давр учун бинони иситиш учун керакли бир соатлик юклама яхлитланган ҳисоб-китоблар формуласи бўйича ҳисобланади, Гкал/соат:

$$Q_{и} = 1,1 \times q_{и} \times a \times V_{т.} \times (t_{и.ч.} - t_{и.хис.}) \times 10^{-6} \text{ Гкал/с (3) бу ерда:}$$

$V_{т.}$ — биноларнинг ташқи қурилиш ҳажми, м³;

$q_{и} - t_{и.хис.} = -30$ °C да бинонинг солиштирма иситиш тавсифи, ккал/(м³х соат х°C);

а — ҳисоблаб чиқилган ташқи ҳаво ҳароратининг ўзгаришини ҳисобга олувчи тузатиш коэффициенти, VIII бобнинг 2-жадвали бўйича қабул қилинади;

1,1 — маҳаллий тизимдаги нозичликлар орқали бинога инфильтрация йўли билан кирувчи ташқи ҳаво ҳароратини иситиш учун иссиқлик сарфини ҳисобга олувчи коэффициент.

6. Бинонинг ташқи қурилиш ҳажми намунавий ёки индивидуал лойиҳаларнинг маълумотлари бўйича қабул қилинади, улар бўлмаганда эса — техникавий хатлов бюросининг ходимлари томонидан белгилаб берилади; чордоқ томли бинолар учун бинонинг цоколдан юқори бўлган биринчи қавати сатҳида ташқи (сиртқи) айланмаси бўйича горизонтал кесими майдонини бинонинг ер сатҳидан чордоқли том қопламасининг тепасигача ўлчанган тўлиқ баландлигига кўпайтмаси бўйича қабул қилинади.

Бино ер ости қисмининг қурилиш ҳажми бинонинг цоколдан юқори бўлган биринчи қавати сатҳида ташқи (сиртқи) айланмаси бўйича горизонтал кесими майдонини биринчи қаватнинг бевосита полидан ертўла ва цокол қаватининг полигача ўлчанган баландлигига кўпайтмаси билан аниқланади.

Олинган кесимнинг майдонини ўлчашда деворнинг сиртига бўртиб чиқувчи деталлар ҳамда бино деворларидаги токчалар ҳисобга олинмайди.

Чордоғи бўлмаган бинолар учун — вертикал бўйлама кесим майдонини бинонинг ён деворларини ташқи сиртлари ўртасида цоколдан юқори биринчи қават сатҳидаги кесим майдонига перпендикуляр йўналишда ўлчанган узунлигига кўпайтмаси билан аниқланади.

Бинонинг ертўла хоналари иситиладиган бўлса, юқоридаги усул билан олинган бинонинг ҳажмига иситиладиган ертўла хоналари ички ҳажмининг 40 фоизи қўшилади.

7. Яхлитланган ҳисоб-китоблар формуласидаги турар жой биноларининг $q_{\text{и}}$ солиштирма иситиш тавсифи VIII бобнинг 1-жадвалидаги маълумотлар бўйича қабул қилинади.

8. $q_{\text{и}}$ қиймати:

енгиллаштирилган (барак) туридаги бинолар ва шитли йиғилувчан ҳамда ойналаштирилган уйлар учун — 15 фоизгача;

тошдан қурилган бинолар учун қурилиши тугалланган биринчи иситиш мавсумида: май-июнь ойларида — 12 фоизгача, июль-август ойларида — 20 фоизгача, иситиш мавсуми давомида — 30 фоизгача;

кучли шамоллардан ҳимоя қилинмаган тепаликларда, дарё ва кўл бўйида, очиқ жойда ўрнашган бинолар учун, учта энг совуқ ойда шамолларнинг ўртача тезлиги: 5 м/сек.гача бўлганда — 10 фоизгача, 5 дан 10 м/сек.гача бўлганда — 20 фоизгача, 10 м/сек.дан кўп бўлганда — 30 фоизгача оширилиши мумкин.

Хонанинг тўсилиши, агар у ва бинони ҳимоя қилувчи энг яқин тўсиқ ўртасидаги масофа ҳимояловчи бинони томи сатҳи билан ҳимояланувчи хонани шипи сатҳи ўртасидаги айирмадан 5 баробар ошмаса, бундай тўсилиш шамолдан ҳимояланган бўлиб ҳисобланади.

9. Бинонинг биринчи қаватида жойлашган, бинодаги қолган хоналаридан баландлиги бўйича фарқланадиган хоналар учун иссиқлик сарфи хонанинг ҳажмига мутаносиб равишда аниқланиши мумкин.

10. Ташқи ҳавонинг бир ойдаги, бир чоракдаги, иситиш мавсумидаги ўртача ҳарорати ва иситиш даврининг давомийлиги КМК 2.01.01.—94 «Лойиҳалаштириш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар» бўйича қабул қилинади. Тўлиқ бўлмаган ой учун ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати мазкур ойдаги

ишлаш даври учун ушбу жой метеостанциянинг ўртача кўрсаткичлари бўйича қабул қилинади.

11. Саноат, айрим жамоат, қишлоқ хўжалиги объектлари (гаражлар, қуритгичлар, иссиқхоналар, ер ости сузиш бассейнлари, бинонинг ичига ёки ёнига қурилган дўконлар, дорихонлар ва ҳ.к.) учун бинони иситишга иссиқлик юкламаларининг лойиҳавий кўрсаткичлари бўлмаганда, ҳисоб-китоблар иситиш асбобларининг ўрнатилган сирти бўйича амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар учун ҳамма бошланғич маълумотлар энергетика корхоналари томонидан истеъмолчи иштирокида, далолатномани тузган ҳолда, аниқланиши лозим.

12. Иситиладиган бинолар ички ҳавосининг ҳарорати турар жой ва жамоат бинолари учун ШНК 2.08.01.–05 «Турар жой бинолари»га мувофиқ 20 °C (1995 йилгача қурилган ва иситиш тизими реконструкция қилинмаган уйларда — 18 °C) га тенг деб қабул қилинади.

Ички ҳаво ҳароратини 18 °C дан юқори ёки паст даражада сақлаш лозим бўлган бинолар учун иссиқлик сарфи меъёрлари, уларни қуйидаги формула бўйича аниқланадиган X коэффициентига кўпайтириш йўли билан оширилади ёки камайтирилади:

$$X = \frac{t_{\text{ич.}} - t_{\text{и.ўрт.}}}{18^{\circ} - t_{\text{и.ўрт.}}} \quad (4) \text{ бу ерда:}$$

$t_{\text{ич.}}$ — бинонинг ичидаги ҳисоблаб чиқилган ўртача ҳарорат, °C.

13. Маъмурий, жамоат биноларини ва аҳолига хизмат кўсатувчи муассасаларни иситиш учун иссиқликка бўлган эҳтиёж (2) ва (3) формулалар бўйича аниқланади.

14. Аҳолига хизмат кўрсатувчи муассасалар ва жамоат бинолари учун яхлитланган ҳисоб-китобларда ички ҳаво ҳароратининг ҳисоблаб чиқилган ўртача қийматлари VIII бобнинг 3-жадвали бўйича қабул қилинади.

15. Жамоат бинолари ва муассасаларини иситиш учун иссиқликка бўлган эҳтиёжни аниқлашда иситиш тавсифлари VIII бобнинг 3-жадвалида келтирилган.

16. Мослаштирилган ва собиқ турар жой биноларида жойлашган жамоат муассасалари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи муассасалар учун солиштирма иситиш тавсифларининг қиймати VIII бобнинг 1-жадвали бўйича, ички ҳавонинг ҳисоблаб чиқилган ҳарорати эса VIII боб 3-жадвалининг маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Турар жой биносининг бир қисми жамоат муассасалари (дўконлар, дорихоналар, идоралар ва ҳ.к.) билан банд қилинган бўлса, бинонинг ҳар бир қисмини иситиш учун бир соатлик ҳисоблаб чиқилган юклама лойиҳа бўйича аниқланади. Агар бир соатлик лойиҳавий юклама фақат бутун бинони иситиш учун ҳисобланган бўлса ёки у яхлитланган кўрсаткичлар бўйича аниқланганда, маъмурий хоналарнинг ҳисоблаб чиқилган бир соатлик юкламаси иситиш асбобларининг ўрнатилган сирти бўйича аниқланади.

Иситиш лойиҳалари бўлмаганда, иссиқлик оқимлари КМК 2.04.07.–99 «Иссиқлик тармоқлари»га мувофиқ аниқланади.

Корхоналар учун — белгиланган тартибда тасдиқланган яхлитланган идоравий меъёрлар ёки ўзига ўхшаш корхоналарнинг лойиҳалари бўйича ёки эксплуатация қилиш маълумотлари бўйича аниқланади.

Шаҳарларнинг аҳоли яшовчи туманлари ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари учун:

Турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун энг юқори иссиқлик оқими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{и.мах.} = q_{и.} \times A \times (1+k_1) \text{ Гкал/соат (5) бу ерда:}$$

$q_{и.}$ — турар жой биноларининг 1 м² умумий майдонини иситиш учун энг юқори иссиқлик оқимининг илова бўйича қабул қилинадиган яхлитланган кўрсаткичи;

A — турар жой биноларининг умумий майдони, м²

k_1 — жамоат биноларини иситиш учун иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи ко-эффициент, маълумотлар бўлмаганда 0,25 га тенг деб қабул қилиниши лозим.

24400 м³ ҳажмга эга бўлган 5 қаватли вештли турар жой биносини иситиш учун йиллик иссиқлик миқдорини аниқлаш VII бобнинг 1-мисолида кўрсатилган.

§ 3. Жамоат бинолари ва муассасаларининг вентилляцияси учун керакли иссиқлик миқдорини аниқлаш

17. Биноларнинг вентилляцияси учун керак бўладиган иссиқлик эҳтиёжи биноларда тортувчи-чиқарувчи вентилляция тизимлари мавжуд бўлганда ҳисоблаб чиқилади.

18. Намунавий ва индивидуал лойиҳалар ёки вентилляция қилиш лойиҳалари мавжуд бўлганда, вентилляция учун иссиқлик сарфи рециркуляцияси бўлмаган тизимларнинг ҳисоб-китоби учун қўлланиладиган формула бўйича бошланғич қийматлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

$$Q_{в.пл} = Q_{в.} \frac{(t_{и.ч.} - t_{и.ўрт.})}{(t_{и.ч.} - t_{в.хис.})} \times n_{и.} \times Z_{в.} \times 10^{-6} \text{ Гкал (6) бу ерда:}$$

пл

$Q_{в.}$ — режалаштирилаётган давр учун иссиқликка бўлган эҳтиёж, Гкал;

$Q_{в.}$ — жамоат бинолари ва муассасаларининг вентилляцияси учун иссиқликнинг бир соатлик энг юқори сарфи, ккал/соат;

$t_{и.ч.}$ — кўрсатилган вентилляция қилинадиган хоналар ички ҳавосининг ҳисоблаб чиқилган ўртача ҳарорати °С (иситиш учун иссиқликка бўлган эҳтиёж ҳисоблаб чиқиладиган маълумотларга ўхшаш VIII бобнинг 3-жадвали бўйича қабул қилинади);

$t_{и.ўрт.}$ — иситиш даврига вентилляция қилишни лойиҳалаштириш учун ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати, °С (КМК 2.01.01-94 «Лойиҳалаштириш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»);

$t_{в.хис.}$ — вентилляция қилишни лойиҳалаштириш учун ташқи ҳавонинг ҳисоблаб чиқилган ҳарорати, °С (КМК 2.01.01-94 «Лойиҳалаштириш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»)

$n_{и.}$ — режалаштирилаётган иситиш даври, суткаси учун вентилляция ишлашининг давомийлиги.

$Z_{в.}$ — сутка, соат давомида вентилляция тизимлари ишлаш соатларининг ўртача олинган сони.

19. Вентилляция қилинадиган биноларнинг лойиҳалари бўлмаганда вентилляция учун ҳисобланадиган иссиқлик сарфини қуйидаги формула ёрдамида яхлитланган кўрсаткичлар бўйича ҳисоблашга рухсат этилади:

$$Q_v = 1,1 \times V_v \times q_v \times (t_{\text{ич.}} - t_{\text{и.хис.}}) \times n_{\text{и}} \times Z_v \times 10^{-6} \text{ Гкал (7) бу ерда:}$$

V_v — бинонинг вентилляция қилинадиган ҳажми, м^3 ;

q_v — бинонинг вентилляцион тавсифи, $\text{ккал}/\text{м}^3 \times \text{ч} \times ^\circ\text{C}$;

1,1 — бинонинг ичида иссиқликнинг беҳуда йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициент.

20. Солиштира вентилляцион тавсифларнинг қийматлари намунавий ёки индивидуал лойиҳаларнинг маълумотлари бўйича, улар бўлмаганда эса VIII бобнинг 4-жадвалида келтирилган кўрсаткичлар бўйича олинади.

21. Сутка давомида вентилляция тизимларининг ишлаш давомийлиги муассаса ва ташкилотнинг ихтисоси ва ишлаш режимига қараб, аммо бир суткада уларнинг умумий ишлаш соатлари сонидан кўп бўлмаган ҳолда қабул қилинади. Вентилляторлар ўчирилганда калориферлардаги иссиқлик элтувчини, унда ўрнатилган троссел шайба билан айланма линия орқали берилишини таъминловчи автоматик ростлаш воситалари бўлмаганда, калориферларнинг ишлаш соатлари сони 24 соат деб қабул қилинади.

22. Агар битта бинода турли мақсаддаги солиштира вентилляцион тавсифи ёки ҳавонинг ҳисоблаб чиқилган ҳарорати билан бир-биридан фарқ қиладиган хоналар жойлашган бўлса, у ҳолда вентилляция учун ҳисобланадиган вентилляция оқими бинонинг ҳар бир қисми учун алоҳида ҳисобланиб, кейин жамланади.

23. Ҳаво-иссиқлик чодирлари учун иссиқлик энергияси ҳисоб-китоби лойиҳавий маълумотлар бўйича қабул қилинади, бундай маълумотлар бўлмаганда эса иссиқлик сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{и.ч.}} = G_x \times C_x \times (t_{\text{ч.}} - t_{\text{к.}}) \times \text{и.ч.} \times 10^{-6} \text{ Гкал (8) бу ерда:}$$

G_x — иссиқлик чодир томонидан бериладиган ҳаво миқдори, $\text{м}^3/\text{соат}$;

C_x — ҳавонинг иссиқлик сизими, $0,31 \text{ ккал}/\text{м}^3 \times ^\circ\text{C}$ га тенг деб қабул қилинади;

$t_{\text{ч.}}$ — иссиқлик чодирдан чиқувчи ҳавонинг ҳарорати, $^\circ\text{C}$;

$t_{\text{к.}}$ — режалаштирилаётган давр учун иссиқлик чодирга кирувчи ҳавонинг ўртача ҳарорати, $^\circ\text{C}$;

и.ч. — режалаштирилаётган давр, соат учун иссиқлик чодирининг ишлаш соатлари сони.

Вентилляция қилиш лойиҳалари бўлмаганда иссиқлик оқимлари КМК 2.04.07-99 «Иссиқлик тармоқлари»га мувофиқ аниқланади.

Корхоналар учун — белгиланган тартибда тасдиқланган яхлитланган идоравий меъёрлар ёки ўхшаш корхоналарнинг лойиҳалари ёки эксплуатация қилиш маълумотлари бўйича аниқланади.

Шаҳарларнинг аҳоли яшайдиган туманлари ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари учун:

жамоат биноларининг вентилляцияси учун энг юқори иссиқлик оқими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{v \text{ max}} = k_1 \times k_2 \times q_{\text{и.}} \times A \text{ Гкал/соат (9) бу ерда:}$$

$q_{\text{и.}}$ — турар жой биноларини иситишга умумий майдоннинг 1 м^2 га энг юқори иссиқлик оқимини яхлитланган кўрсаткичи;

A — турар жой биноларининг умумий майдони, m^2 ;

k_1 — жамоат биноларини иситиш учун иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент маълумотлар бўлмаганда 0,25 га тенг деб қабул қилиниши лозим;

k_2 — жамоат биноларининг вентилияцияси учун иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент маълумотлар бўлмаганда 1985 йилгача қурилган жамоат бинолари учун — 0,4, 1985 йилдан кейин қурилган жамоат бинолари учун — 0,6 га тенг деб қабул қилинади.

Кинотеатрнинг вентилияцияси учун керакли иссиқликнинг йиллик миқдорини аниқлаш VII бобнинг 2-мисолида кўрсатилган.

§ 4. Турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти учун керакли иссиқлик миқдорини аниқлаш

24. Иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқликка бўлган йиллик эҳтиёж қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{и.т.}}^{\text{йил}} = a \times m \times [(55 - t_{\text{с.к.}}) \times n_{\text{и}} + b \times (350 - n_{\text{и}}) \times (55 - t_{\text{с.ё.}})] \times 10^{-6} + Q_{\text{и.й.}}^{\text{йил}} \text{ Гкал} \quad (10)$$

бу ерда:

a — бир суткадаги энг юкори сув истеъмолининг иссиқ сув таъминоти учун сув сарфи меъёри, л/сут, КМК 2.04.01–98 «Ички сув ўтказгич ва биноларнинг канализацияси»га мувофиқ қабул қилинади;

m — суткага тааллуқли ўлчов бирликлари (яшовчилар, ўқув муассасаларидаги ўқувчилар, касалхонадаги ўринлар сони ва ҳ.к.);

$t_{\text{с.к.}}$, $t_{\text{с.ё.}}$ — совуқ сувнинг (сув ўтказгичдаги) тегишлича қишдаги ва ёздаги ҳарорати, °C (маълумотлар бўлмаганда қишда — 5 °C ва ёзда — 15 °C га тенг деб қабул қилинади);

b — иситиш даврига нисбатан қолган вақтдаги иссиқ сув таъминоти учун ўртача бир соатлик сув сарфининг ўзгаришларини ҳисобга олувчи коэффициент, маълумотлар бўлмаганда турар жой сектори учун 1,0 (курорт зоналари учун $b = 1,5$), корхоналар учун = 1,0. (КМК 2.04.07.–99 «Иссиқлик тармоқлари»)га тенг деб қабул қилинади;

350 — иссиқ сув таъминоти тизимининг бир йилда ишлаш суткалари сони;

$Q_{\text{и.й.}}^{\text{йил}}$ — иссиқ сув таъминоти тизимларининг узатувчи ва циркуляцион қувур-ўтказгич устунларидаги иссиқлик йўқотишлари, Гкал.

$n_{\text{и}}$ — иситиш даврининг, сут. давомийлиги.

25. Иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқ сув сутка давомида ёки ҳафта давомида тўлиқ берилмаса, иссиқ сув сарфининг меъёри 5-жадвалда келтирилган коэффициентни жорий этиш йўли билан камайтирилади.

26. Истеъмолчи объектининг иссиқ сув таъминоти тизимларини узатувчи ва циркуляцион қувурўтказгичлардаги йиллик иссиқлик йўқотишлари (Гкал) қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

$$Q_{\text{и.й.}}^{\text{йил}} = \sum_{i=1}^n Q_{\text{и.й.}i} \quad (11)$$

$$Q_{\text{и.й.и}} = K_{\text{и}} \times \Pi_{\text{и}} \times d_{\text{и}} \times L_{\text{и}} \left(\frac{t_{\text{б.и}} + t_{\text{о.и}}}{2} - t_{\text{а.и}} \right) \times (1 - h) \times 350 \times 24 \times 10^{-6} \text{ Гкал} \quad (12)$$

бу ерда:

$K_{\text{и}}$ — изоляция қилинмаган қувурнинг иссиқлик узатиш коэффициенти, 10ккал/м² х соат х °С га тенг деб қабул қилинади;

$d_{\text{и}}$, $L_{\text{и}}$ — қувурўтказгичнинг тегишлича ташқи диаметри ва участка узунлиги, м;

$t_{\text{б.и}}$, $t_{\text{о.и}}$ — ҳисобланаётган участканинг тегишлича боши ва охиридаги иссиқ сув ҳарорати, °С;

$t_{\text{а.и}}$ — атроф-муҳитнинг ҳарорати, °С (ўтказиш вақтида ариқларда, вертикал каналларда, сантехник кабиналарнинг коммуникацион шахталарида — 23 °С, ванна хоналарда — 25 °С, турар уйлар, ётоқхоналар ва меҳмонхоналарнинг ошхона ва ҳожатхоналарида — 21 °С, зинапояларда — 16 °С; ерости ўтказиш каналларида — тупроқнинг ўртача ҳароратига мувофиқ; тоннелларда — 40 °С; йилдаги энг совуқ ойнинг 11 °С дан — 20 °С гача ўртача ойлик ҳароратида иситилмайдиган ертўлаларда — 5 °С; чордоқларда — 9 °С га тенг деб қабул қилинади);

h — изоляциянинг (ФИК) фойдали иш коэффициенти (32 мм диаметрли қувурўтказгичлар учун $h = 0,6$, 40–70 мм диаметрлилар учун — 0,74, 80–200 мм диаметрлилар учун — 0,81).

27. Иссиқ сув таъминоти қувурларидаги иссиқлик йўқотишлари VIII бобнинг 6, 7, 8-жадвалларида келтирилган (суратида иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизимларига уланган иссиқ сув таъминоти қувурининг бир погон метридаги иссиқлик йўқотишлари, маҳражида эса, иссиқлик таъминотининг очик тизимларига уланган иссиқ сув таъминоти қувурининг бир погон метридаги иссиқлик йўқотишлари).

Ҳисоб-китобларни қилиш учун маълумотлар бўлмаганда, иссиқлик йўқотишлари қувурлардаги йўқотишларни ҳисобга олувчи $K_{\text{и.й.}}$ коэффициенти ёрдамида аниқланади (VIII бобнинг 9-жадвали).

$$Q_{\text{и.й.}}^{\text{йил}} = Q_{\text{и.с.т.}}^{\text{йил}} \times K_{\text{и.й.}} \quad (13)$$

Бу ҳолда иссиқ сув таъминоти учун иссиқликка бўлган йиллик эҳтиёж қуйидаги формула бўйича аниқланади, Гкал:

$$Q_{\text{и.с.т.}}^{\text{йил}} = (1 + K_{\text{и.й.}}) \times \{a \times m [(55 - t_{\text{с.к.}}) n_{\text{и.}} + b (350 - n_{\text{и.}})(55 - t_{\text{с.э.}})]\} \times 10^{-6} \text{ Гкал} \quad (14)$$

Биолар ва иншоотларнинг иссиқ сув таъминоти учун лойиҳалар бўлмаганда, иссиқлик оқимлари КМК 2.04.07-99 «Иссиқлик тармоқлари»га мувофиқ аниқланади.

Корхоналар учун — белгиланган тартибда тасдиқланган яхлитланган идоравий меъёрлар ёки ўхшаш корхоналарнинг лойиҳалари ёки эксплуатация қилиш маълумотлари бўйича аниқланади.

Шаҳарларнинг аҳоли яшайдиган туманлари ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари учун:

турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти учун $B_{\text{и.}}$ энг юқори иссиқлик оқими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{h \max} = 2,4 \times Q_{h m} \quad (15)$$

Турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти учун B_n , ўртача иссиқлик оқими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{h m} = \frac{1,3 m (a+b)(55-t_c)}{24 \times 3,6} - c \text{ Гкал/соат} \quad (16) \text{ бу ерда:}$$

m — одамлар сони;

a — иссиқ сув таъминотига эга бўлган бинода яшовчи бир киши учун бир суткада 55°C ҳароратдаги иссиқ сув таъминоти учун сув сарфининг меъёри, у КМК 2.04.01–98 «Биоларнинг ички сув ўтказгичи ва канализацияси»га мувофиқ биоларнинг қулайлиги даражасига қараб қабул қилинади;

b — жамоат биоларида истеъмол қилинадиган 55°C ҳароратдаги иссиқ сув таъминоти учун сув сарфининг меъёри, бир кишига 25 л/сут ҳажмида қабул қилинади;

t_c — иситиш даврида совуқ (сув ўтказгичдаги) сувнинг ҳарорати (маълумотлар бўлмаганда 5°C га тенг деб қабул қилинади);

c — сувнинг ҳисоб-китобларда 4,187 кДж/ (кг. $^\circ\text{C}$) деб қабул қилинадиган солиштирма иссиқлик сифими.

Касалхонанинг иссиқ сув таъминоти учун йиллик иссиқлик миқдорини аниқлаш VII бобнинг 3-мисолида кўрсатилган.

9 қаватли турар жой биносининг иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун йиллик иссиқлик миқдорини аниқлаш VII бобнинг 4-мисолида кўрсатилган.

II боб. Истеъмолчига бериладиган иссиқлик энергиясининг ҳисобланган миқдорини аниқлаш

28. Режалаштирилаётган даврда истеъмолчига берилган иссиқликнинг миқдори бевосита иссиқликни истеъмол қилувчи объектда хоналарни иситиш, вентиляция, иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун истеъмол қилинган иссиқлик ва 6-бандга мувофиқ истеъмолчининг ҳисобига ўтказилган, унинг ташқи иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик йўқотишларининг йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$Q_{\text{бер}}^{\text{ист.}} = Q_n + Q_v + Q_{\text{и.т.}} + Q_{\text{и.й}} \text{ Гкал.} \quad (17) \text{ бу ерда:}$$

Q_n — 2-параграфга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган турар жой ва жамоат биоларини иситиш учун иссиқлик сарфи;

Q_v — 3-параграфга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган жамоат биоларининг вентиляцияси учун иссиқлик сарфи;

$Q_{\text{и.т.}}$ — 4-параграфга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган турар жой ва жамоат биоларининг иссиқ сув таъминоти учун иссиқлик сарфи;

$Q_{\text{и.й}}$ — қувурларнинг сиртидан ва истеъмолчининг балансидаги қувурлардан иссиқлик элтувчининг сизиб чиқишидан III боб бўйича ҳисоблаб чиқилган иссиқлик йўқотишлари.

III боб. Ишлаб чиқиладиган иссиқлик, ташқи иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик йўқотишлари ва қозонхоналарни ўз эҳтиёжлари учун иссиқликнинг миқдорини аниқлаш

29. Ишлаб чиқиладиган иссиқликнинг умумий миқдори иссиқлик тармоғига узатилиши режалаштирилаётган иссиқликнинг сарфини қозонхонанинг ўз эҳтиёжларига сарфи билан йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$Q_{и.ч.} = Q_{бер.}^{\dot{y},\dot{э}} + Q_{к} \text{ Гкал} \quad (18) \text{ бу ерда:}$$

$Q_{и.ч.}$ — режалаштирилаётган давр (ой, чорак, йил) учун ишлаб чиқиладиган иссиқлик миқдори, Гкал;

$Q_{бер.}^{\dot{y},\dot{э}}$ — режалаштирилаётган давр учун иссиқлик тармоғига узатиладиган иссиқлик миқдори, Гкал, мазкур Илованинг 2, 3, 4-параграфларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади;

$Q_{к.}^{\dot{y},\dot{э}}$ — қозонхонанинг ўз эҳтиёжларига иссиқлик сарфи, Гкал.

30. Қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун иссиқликни умумий сарфи ҳисоб-китоб қилиш ёки тажриба усули билан харажатларнинг қуйидаги алоҳида элементлари иссиқлик сарфларининг йиғиндисига тенг қилиб аниқланади:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда иссиқлик техника жараёнларига;

сувни кимёвий тайёрлаш ускуналарида;

қозондан пуфлаш билан чиқариш учун;

темир йўл цистерналари, мазут омборхоналари ва бошқа ишлатиладиган сифмларда мазутни иситиш учун;

буғли форсункаларда суюқ ёқилғини чанглатиш учун;

баклар ва қувур ўтказгичларда совутиш учун;

буғли таъминловчи насосларнинг юритмасига;

қозонхонани иситиш ва иссиқ сув таъминоти ва бошқаларга.

Тажриба маълумотлари бўлмаганда иссиқлик кўрсаткичларини белгилаш нормативлар асосида амалга оширилади.

Қозонхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун харажат элементлари бўйича иссиқлик сарфи нормативлари қуйидаги ишларни бажаришда ишлаб чиқилади:

— қаттиқ ёқилғида	2 — 4 фоиз;
— газда	1,8 — 3 фоиз;
— мазутда, механик ва буғли механик чанглатиш билан	5 — 7 фоиз;
— мазутда, буғли чанглатиш билан	7 — 10 фоиз.

31. Мазутни иситиш ва сақлаш учун иссиқлик энергиясининг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{м} = Q_{куй.} + Q_{сак.} \text{ Гкал/тн} \quad (19) \text{ бу ерда:}$$

$Q_{куй.}$; $Q_{сак.}$ — мазутни қуйишда иситиш учун ва сақлашдаги йўқотишларни компенсация қилиш учун иссиқлик энергияси сарфи, Гкал/тн.

Мазутни иситиш ҳарорати VIII бобнинг 11-жадвалида кўрсатилган.

«Тошкент иссиқлик маркази» қозонхонасининг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик сарфини аниқлаш VII бобнинг 4 «А» мисолида кўрсатилган.

32. Мазутни қуйишда иситиш учун иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{қуй.}} = 1884,5 \times (t_o - t_{\text{б.}}) \times \left(1 + \frac{10 \times K_{\text{сов.}} \times t}{P}\right) \text{ ккал/тн} \quad (20) \text{ бу ерда:}$$

t_o — қуйишда мазутни иситишнинг охири ҳарорати, °С (мазутнинг русумига қараб қабул қилинади);

$t_{\text{б.}}$ — цистернадаги мазутнинг бошланғич ҳарорати, °С (жанубий минтақа учун 0....2 га тенг қилиб қабул қилинади. Цистернага тўлдирилганидан 7 суткадан кейин мазутнинг ҳарорати ташқи ҳавонинг ҳароратига тенг бўлади);

$K_{\text{сов.}}$ — совутиш коэффиценти (60 тоннали цистерна учун — 1,55, 50 тоннали цистерна учун — 1,71, 25 тоннали цистерна учун — 2,25);

t — мазутни иситишнинг ва цистернадан қуйишнинг амалдаги вақти:

	йилнинг совуқ вақтида 15 октябрдан 15 апрелгача	йилнинг илқ вақтида 15 апрелдан 15 октябргача
Мазут М20	6	3
Мазут М40	6	4
Мазут М60, М80, М100	10	4

P — мазутнинг зичлиги, кг/м³.

33. Мазутни сақлашда иссиқлик йўқотишлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{сақ.}} = \frac{2520 \times F \times K \times (t_o - t_{\text{б.}}) \times t_{\text{сақ.}}}{P \times V} \text{ ккал/тн} \quad (21) \text{ бу ерда:}$$

F — резервуарни совутиш юзаси, м² (паспорт маълумотлари бўйича қабул қилинади);

K — резервуар деворларининг иссиқлик узатиш коэффиценти, ккал/м²соат°С (изоляция қилинмаган метал резервуарлар учун $K = 6,98$, изоляция қилинганлар учун — 3,49, ерости резервуарлар учун — 0,314);

$t_{\text{а.}}$ — атроф-муҳитнинг ҳарорати, КМК 2.01.01–94 бўйича берилган давр учун ўртача қиймат сифатида қабул қилинади (ерости резервуарлар учун $t_{\text{а.}} = 5$ °С);

$t_{\text{сақ.}}$ — сақлаш вақти, соат;

V — резервуарнинг сифими, м³.

34. Мазутни иситиш учун иссиқлик миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{м}} = \frac{B_{\text{м}} \times C_{\text{м}} \times (t_o - 2t_{\text{б.}})}{H_{\text{исит.}}} \text{ ккал/соат} \quad (22) \text{ бу ерда:}$$

$B_{\text{м}}$ — мазутнинг бир соатлик сарфи, кг/соат;

$C_{\text{м}}$ — мазутнинг иссиқлик сифими, ккал/кг°С;

$H_{\text{исит.}}$ — иситгичнинг ФИК ($h_{\text{исит.}} = 0,98$).

Сувли мазут иситгичларда мазутни иситиш учун сув сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$G_c = \frac{Q_m}{(i_1 - i_2) \times 10^3} \text{ тн/соат (23) бу ерда:}$$

i_1, i_2 — мазут иситгичларидан олдин ва кейин сув энтальпияси, ккал/кг.

35. Мазут иситгичларда ёки ишлатиладиган сифимларда мазутни иситиш учун буғ сарфи VIII бобнинг 12-жадвалида келтирилган.

36. Ҳисоб-китоб қилиш учун маълумотлар бўлмаганда:

60 тонна сифимли 10 та темир йўл цистерналарини иситиш, қуйиш ва тозалаш учун 1–1,2 МПа босимга ва 220 — 250 °С ҳароратга эга бўлган буғнинг сарфи — 7,65 тн/соат (85 — 120 кг/тн) қилиб қабул қилинади;

икки йўлли 10 метрли эстакаданинг қуйиш лотоклари учун буғ сарфи — 0,1 тн/соат, 200 м³ ҳажмли оралиқ сифимлар учун — 0,8 тн/соат, 400 м³ — 1,2 тн/соат, 600 м³ — 1,8 тн/соат, 1000 м³ — 2,0 тн/соат қилиб қабул қилинади.

37. Мазут ўтказгичларни иситиш учун иссиқлик энергияси сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{исит.}} = q \times L \times b \times \tau \times 10^{-6} \text{ Гкал (24) бу ерда:}$$

+

q — мазут ўтказгичдан атроф-муҳитга иссиқлик оқими, иссиқлик ўтказгичларнинг иссиқлик йўқотишлари меъёрлари бўйича VIII бобнинг 15, 16, 17-жадваллари бўйича қабул қилинади;

L — линияни иситувчи буғ ўтказгичнинг узунлиги, м;

τ — иситиш вақти, соат;

b — арматуралар, таянчлар ва компенсаторларнинг иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициент.

—

Иссиқлик тармоқларини
ўтказиш усули:

каналсиз
тоннелларда ва каналларда
ер устидан

қувур ўтказгичларнинг узунлигига
нисбатан «b» коэффициенти

1,15
1,2
1,25

38. Режалаштирилаётган давр (ой, чорак, йил) учун иссиқлик тармоғига узатишган иссиқлик энергиясидаги иссиқлик миқдори 2 — 4-праграфларга мувофиқ аниқланадиган истеъмолчига сотилган иссиқликни $Q_{\text{ист.}}$ ва ташқи иссиқлик тармоғидаги иссиқлик йўқотишлари $Q_{\text{и.й}}$ билан йиғинди қилиб жамланади:

$$Q_{\text{бер.}} = Q_{\text{ист.}} + Q_{\text{и.й.}} \text{ Гкал (25)}$$

39. Иссиқлик энергиясини узатишдаги иссиқлик миқдори қувур ўтказгичнинг диаметрига ҳамда иссиқлик тармоқларининг берилувчи ва қайтувчи линияларидаги сув ҳароратининг ўртача йилик қийматига қараб қуйидаги формула бўйича қабул қилинади:

$$Q_{н.й.} = Q_{б.й.} + Q_{к.й.} + Q_{ок.} \text{ Гкал} \quad (26) \text{ бу ерда:}$$

$Q_{б.й.}$ ва $Q_{к.й.}$ — тегишлича берилувчи ва қайтувчи линиялардаги иссиқлик йўқотишлари, Гкал;

$Q_{ок.}$ — тармоқдан сувнинг оқиб чиқиши сабабли иссиқлик йўқотишлари.

$$Q_{б.й.} + Q_{к.й.} = (\sum_{н.е.уic}^{п} b q_{н.е.уic} L_{б.i} + \sum_{н.е.о.i}^{п} b q_{н.е.о.i} L_{к.i}) \times 24 \times \tau \times 10^{-6} \text{ Гкал} \quad (27) \text{ бу ерда:}$$

$q_{н.е.уic}^{хис.}$, $q_{н.е.о.i}^{хис.}$ — иссиқлик йўқотишларининг меъёри (ккал/м соат) тупроқнинг ўртача йиллик ҳарорати ҳисобланган, ўтиб бўлмайдиган каналларда изоляция қилинган сувли иссиқлик ўтказгичларни ер остидан ўтказишда қўлланилади.

иссиқлик ўтказгичларнинг ётқизиш чуқурлигида $+5^\circ\text{C}$, ва ташқи ҳаво ҳароратининг ҳисобланган ўртача йиллик ҳарорати $+5^\circ\text{C}$ да ўтказилганда VIII бобнинг 13, 14, 15-жадваллари бўйича аниқланади:

$L_{б.i}$, $L_{к.i}$ — тегишлича берувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларнинг узунлиги (м);

τ — иссиқлик тармоқларининг режалаштирилаётган даврда (ой, чорак, йил) ишлаш кунлари сони.

b — арматуралар, таянчлар ва компенсаторларнинг иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициент (23-формулага қаранг).

40. Режалаштирилаётган даврда тупроқ ва иссиқлик элтувчи ҳароратларининг, меъёрларни ҳисоблашда қабул қилинган ўртача йиллик қийматлардан фарқланувчи қийматлари, ккал/м соат қуйидагича аниқланади:

ерости (ўтиб бўлмайдиган каналлардаги ва каналсиз ётқизилган) қувурўтказгичлар учун

$$q = q_n \frac{(t_{б.}^{ўрт.} + t_{к.}^{ўрт.} - 2t_{тупр.}^{ўрт.})}{(t_{б.}^{ўрт.й.} + t_{к.}^{ўрт.й.} - 10)} \quad (28) \text{ бу ерда:}$$

q_n — VIII бобнинг 16-жадвали бўйича қабул қилинади (икки қувурли ётқизишда жамланади);

ер усти қувурўтказгичлар учун:

$$q_{б.й.}^{хис.} = q_{б.й.} \frac{(t_{б.}^{ўрт.} - t_{таш.}^{ўрт.})}{(t_{б.}^{ўрт.й.} - 5)} \quad (29)$$

$$q_{к.й.}^{хис.} = q_{к.й.} \frac{(t_{к.}^{ўрт.} - t_{таш.}^{ўрт.})}{(t_{к.}^{ўрт.й.} - 5)} \quad (30) \text{ бу ерда:}$$

$q_{б.й}, q_{к.й}$ — берувчи ва қайтувчи қувурўтказгичлардаги норматив иссиқлик йўқотишлари, Ккал/м³соат °С;

$t_{б.й}, t_{к.й}$ — берувчи ва қайтувчи қувурўтказгичлардаги сувнинг ҳисобот давридаги ўртача ҳарорати, °С;

$t_{б.й}, t_{к.й}$ — берувчи ва қайтувчи қувурўтказгичлардаги сувнинг ўртача йиллик ҳарорати, °С;

$t_{туп.й}, t_{таш.й}$ — режалаштирилаётган давр учун тупроқнинг ва ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати °С (ушбу жой учун метеостанцияларнинг кўрсатмалари бўйича ёки иқлим маълумотномалари бўйича қабул қилинади).

41. Суви сизиб чиқувчи сувли иссиқлик тармоқларида эксплуатация жараёнларидаги иссиқлик йўқотишларини меъёрлаш.

42. Суви сизиб чиқувчи иссиқлик тармоқларидан иссиқлик йўқотишларининг меъёрланадиган ойлик қийматлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{сиз}^{ой} = a c V \rho * \left(\frac{t_{к.й}^{ур.ой} + t_{к.й}^{ур.ой}}{2} - t_{x.й}^{ур.ой} \right) n * 10^{-6}, \quad (31) \text{ бу ерда:}$$

Q — Суви сизиб чиқувчи иссиқлик тармоқларидан иссиқлик йўқотишларининг меъёрланадиган ойлик қийматлари ГДж (Гкал);

a — иссиқлик тармоғидан ва ташкилотлар томонидан эксплуатация қилинадиган маҳаллий тизимлардан сизиб чиқувчи сувнинг норматив қиймати 0,0025 м³ / (соат. м²) деб қабул қилинади;

c — сувнинг солиштирма иссиқлик сифими;

$c = 4,187 \text{ кДж} / (\text{кг } ^\circ\text{С}) = 1 \text{ ккал} / (\text{кг } ^\circ\text{С})$;

V — иссиқлик тармоғининг кўрсатилган қисмининг ҳажми, м³;

$$\rho = \left(\frac{t_{к.й}^{ур.ой} + t_{к.й}^{ур.ой}}{2} \right) \text{ кг} / \text{м}^3 \quad \text{— ҳароратда сувнинг зичлиги;}$$

$t_{x.й}^{ур.ой}$ — иссиқлик тармоғини қўшимча сув билан таъминлаш учун иссиқлик манбаига келувчи сувнинг ўртача ойлик ҳарорати; қиш даврида 5 °С ва ёз даврида 15 °С деб қабул қилиниши мумкин

$t_{к.й}^{ур.ой}, t_{к.й}^{ур.ой}$ — иссиқлик тармоғининг келувчи ва қайтувчи линияларидаги сувнинг кутилаётган, ташқи ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати $t_{ур.ой}^{ур.ой}$ °С бўлганда эксплуатацион ҳарорат жадвали бўйича аниқланадиган, ўртача ойлик ҳарорати.

43. Иссиқлик тармоғидан сувнинг сизиб чиқиши билан иссиқлик йўқотишларининг йиллик меъёрланадиган қийматлари ойлик иссиқлик йўқотишларининг меъёрланадиган қийматларини жамлаш йўли билан аниқланади.

44. Зарур бўлганда изоляция орқали ва сувнинг сизиб чиқиши билан боғлиқ иссиқлик йўқотишларининг йиллик меъёрланадиган қийматлари йиллик бериладиган иссиқлик энергиясининг меъёрланадиган улуши сифатида аниқланиши мумкин.

45. Қозонхона ва МИП хоналарида жойлашган изоляция қилинган иссиқлик қувурлари ва арматура орқали солиштирма норматив иссиқлик йўқотишлари қувурўт-

казгичларнинг диаметрига, иссиқлик элтувчининг ўртача ҳарорати ва режаштириладиган давр (йил, чорак, ой) давомида иссиқлик узатилишининг давомийлигига қараб иссиқлик ўтказгичларнинг норматив иссиқлик йўқотишларини йиғиндиси сифатида қабул қилинади. Хоналардаги қувурўтказгичлар орқали иссиқлик йўқотишларининг меъёрлари VIII бобнинг 16-жадвали бўйича, изоляция қилинган арматуралар орқали иссиқлик йўқотишларининг меъёрлари эса, VIII бобнинг 17-жадвали бўйича қабул қилинади.

46. Изоляция қилинмаган арматура орқали иссиқлик йўқотишлари қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q_{н.а} = q_i \times l_a \times n \times t \times 10^{-6} \text{ Гкал (33) бу ерда:}$$

q_i — изоляция қилинган қувурўтказгичларнинг солиштирма иссиқлик йўқотишлари, ккал/м соат (VIII бобнинг 17-жадвали бўйича қабул қилинади);

l_a — арматуранинг битта элементига эквивалент бўлган изоляция қилинмаган қувурўтказгичнинг узунлиги, м (VIII бобнинг 18-жадвали бўйича қабул қилинади);

n — арматура элементларининг сони.

47. Изоляция қилинмаган иссиқлик тармоғининг иссиқлик йўқотишлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

ясси юзалар учун

$$Q_u^1 = \alpha(t_{маи} - t_a)H \text{ Вт} \left(\frac{\text{ккал}}{\text{соат}} \right) \quad (34)$$

қувурўтказгичлар учун

$$Q_u^2 = \Pi d \alpha(t_{маи} - t_a)L \text{ Вт} \left(\frac{\text{ккал}}{\text{соат}} \right) \quad (35) \text{ бу ерда:}$$

α — иссиқлик қайтишининг жамлама коэффиценти (ккал/м²*соат*град);

$t_{маи}$ — ташқи сиртнинг ўртача ҳарорати, град.;

t_a — атроф-муҳитнинг ўртача ҳарорати, град.;

H — сирт юзаси, м²;

L — қувурўтказгичнинг узунлиги, м.

Тахминий ҳисоб-китоблар учун хонада жойлашган иситилган юза учун α қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

ясси юзалар учун

$$\alpha = 8,4 + 0,06(t_{маи} - t_x) \left(\frac{\text{ккал}}{\text{м}^2 \text{ соат град}} \right) \quad (36)$$

диаметри 2 м.гача бўлган цилиндрик юзалар учун

$$\alpha = 8,1 + 0,045(t_{маи} - t_x) \left(\frac{\text{ккал}}{\text{м}^2 \text{ соат град}} \right) \quad (37)$$

очиқ ҳавода жойлашган объектлар учун

$$\alpha = 10 + 6\sqrt{W_{ш}} \left(\frac{\text{ккал}}{\text{м}^2 \text{ соат град}} \right) \quad (38)$$

бу ерда:

$W_{ш}$ — шамолнинг тезлиги, м/сек.

Тупроқдаги изоляция қилинмаган қувурнинг иссиқлик йўқотишлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{ш.г} = \frac{2\pi(t_{маш} + t_{мун})\lambda_{сп}}{L_n \frac{2d}{2}} \frac{Bm}{m} \left(\frac{\text{ккал}}{\text{м}^2 \text{ соат}} \right) \quad (39)$$

$\lambda_{тип}$ — тупроқнинг иссиқлик ўтказиш коэффициенти,

$$\left(\frac{\text{ккал}}{\text{м}^2 \text{ соат град}} \right)$$

Нам тупроқлар учун $\lambda_{тип} = 1,5$, ўртача намликдаги тупроқлар учун $\lambda_{тип} = 1,0$ ва курук тупроқлар учун $\lambda_{тип} = 0,5 \left(\frac{Bm}{m} \right)$ деб қабул қилиниши мумкин (ккал/м соат град).

+

$\lambda_{тип}$ — тупроқнинг ҳарорати, град;

P — тупроққа тегиб турувчи қувур сиртининг радиуси, м;

a — иссиқлик ўтказгич ўқининг ўтказилишини ер сиртидан чуқурлиги, м.

48. Иссиқлик манбаларининг қайтадан ўтказилиши, кесиб киритилиши ва тўхта-лишларида иссиқлик тармоқларини бўшатиш билан боғлиқ бўлган технологик сарф-лар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q_{бгш} = V q (T_c - t_{б.с.}) \text{ ккал } (40) \text{ бу ерда:}$$

V — тармоқнинг ўчирилган ва бўшатишган участкасининг ҳажми, м³

q — $T^{\circ}\text{C}$, кг/м³ ҳароратда сувнинг солиштирма оғирлиги;

T_c — тармоқни бўшатиш учун участкани ўчиришда сувнинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$;

$t_{б.с.}$ — иссиқлик манбаидаги бошланғич сувнинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$.

49. Сувли иссиқлик қувурларида амалдаги иссиқлик йўқотишларини аниқлаш.

Иссиқлик тармоғининг ишланган ўтган ой учун қувурўтказгичларнинг изоля-цияси орқали амалдаги иссиқлик йўқотишлари қуйидаги формулалар бўйича аниқла-нади:

$$Q_{из}^{мес.} = 3,6(Q_{подз}^{сп.м} + Q_{надз.п}^{сп.м} + Q_{надз.о}^{сп.м})n \quad (41)$$

ёки

$$Q_{из}^{мес.} = (Q_{подз}^{сп.м} + Q_{надз.п}^{сп.м} + Q_{надз.о}^{сп.м})n \quad (42) \text{ бу ерда:}$$

$Q_{из}^{мес.}$ — қувурўтказгичларнинг изоляцияси орқали ойлик иссиқлик йўқотишла-рининг меъёрланадиган қиймати, ГДж, (Гкал);

$Q_{подз}^{ср.м}, Q_{надз.п}^{ср.м}, Q_{надз.о}^{ср.м}$ — тармоқнинг тегишлича ер устидан ва ер остидан ўтказил-

ган (келувчи ва қайтувчи линияларидаги) барча участкалари учун соатлик иссиқлик йўқотишларининг меъёрланадиган, сувнинг ва атроф-муҳитнинг ўртача ойлик ҳароратига нисбатан аниқланадиган қиймати, МВт, (Гкал/соат);

n — тармоқнинг мазкур ойдаги ишлаш давомийлиги, соат.

$$Q_{надз.о}^{ср.м} = Q_{надз.о}^{ср.р} \frac{t_o^{ср.м} - t_B^{ср.м}}{t_o^{ср.р} - t_B^{ср.р}} \quad (43) \text{ бу ерда:}$$

$t_n^{ср.г}, t_o^{ср.г}$ — иссиқлик тармоғининг келувчи ва қайтувчи линияларидаги сувнинг, тармоқнинг йил давомида бутун ишлаш даври учун тегишли линияларда қўтилаётган унинг ўртача ойлик ҳароратларини ўртача арифметик қиймати сифатида аниқланган ўртача йиллик ҳарорати, °С,

$t_{ср}^{ср.м}, t_o^{ср.г}$ — тупроқнинг қувурўтказгичлар ўтказилган чуқурлигидаги ўртача ойлик ва ўртача йиллик ҳарорати, °С,

$t_{г}^{ср.г}, t_{г}^{ср.г}$ — ташқи ҳавонинг ўртача ойлик ва ўртача йиллик ҳарорати, °С.,

лекин бу ҳолда $Q_{подз}^{ср.м}, Q_{надз.п}^{ср.м}, Q_{надз.о}^{ср.м}$ — тармоқнинг тегишлича ер устидан ва ер остидан ўтказилган (келувчи ва қайтувчи линияларидаги) барча участкалари учун соатлик иссиқлик йўқотишларининг меъёрланадиган, сувнинг ва атроф-муҳитнинг ўртача ойлик ҳароратига нисбатан аниқланадиган амалдаги қиймати.

Сувнинг амалдаги ўртача ойлик ҳарорати унинг бир ойдаги суткалик ўртача қийматларини жамлаб ўртача қийматини олиш йўли билан аниқланади.

50. Ўтган йил учун қувурўтказгичларнинг изоляцияси орқали амалдаги иссиқлик йўқотишлари тармоқнинг ушбу даврда ишлаш вақтида амалдаги ойлик иссиқлик йўқотишларининг қийматларини жамлаш йўли билан аниқланади.

51. Зарур бўлганда изоляция орқали ва сувнинг сизиб чиқиши билан боғлиқ иссиқлик йўқотишларининг йиллик амалдаги қийматлари йиллик бериладиган иссиқлик энергиясининг амалдаги улуши сифатида аниқланиши мумкин.

52. VIII бобнинг 16-жадвалида келтирилган хоналарнинг ичидаги, изоляция қилинган қувурўтказгичлар орқали иссиқлик йўқотишларининг меъёрлари, ички ҳарорати 25 °С га тенг хоналар учун берилган, ҳисоблаш учун олинадиган ичидаги ҳарорати 25 °С дан фарқланадиган хоналар учун эса иссиқлик йўқотишларининг меъёрлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$q_n^p = q_n \frac{t_r - t_B^{ср}}{t_r - 25} \text{ ккал/м соат (44) бу ерда:}$$

q_n — VIII бобнинг 16-жадвали бўйича қабул қилинади;

t_r — қувурўтказгичдаги иссиқлик элтувчининг ҳарорати, °С;

t_n

t_r — иссиқлик элтувчининг ҳисобланадиган ҳарорати, °С;

$t_B^{ср}$ — хонанинг ўртача ҳарорати, °С.

53. Буғ ўтказгичлар томонидан иссиқлик йўқотишларини меъёрлаш.

Буғ ўтказгичлар томонидан изоляцияланган конструкциялар орқали эксплуатацион иссиқлик йўқотишларининг ўртача йиллик (ёки ўртача ойлик) бир соатлик меъёрланадиган қийматларини аниқлашда қуйидаги қоидалардан келиб чиқилади:

А туридаги участкаларда — синовдан ўтказилган участкалар учун ўлчанган иссиқлик йўқотишларининг қийматларидан, уларни ўртача йиллик иш режимига қайта ҳисоблаган ҳолда, фойдаланилади;

Б туридаги участкаларда — синовдан ўтказилмаган, аммо синовдан ўтказилган участкалардагига ўхшаш қувурларни ётқизиш тури ва изоляция конструкцияларига эга бўлган участкалар учун К коэффициентини қўллаган ҳолда мазкур буғ ўтказгичлар учун иссиқлик йўқотишларининг ўртача йиллик меъёрий қийматларидан фойдаланилади (ушбу Методиканинг 56-бандига қаранг), К коэффициентининг қийматлари синовларнинг натижаларига мувофиқ қабул қилинади:

Янгийўл шаҳридаги 450 ўринли ҳар бир бўлинма учун умумий ванна ва душ хоналари бўлган касалхонага иссиқ сув таъминоти учун зарур бўлган иссиқликнинг йиллик миқдорини аниқлаш. Иссиқ сувнинг таъминоти ҳафта давомида ва тўлиқ сутка давомида узлуксиз амалга оширилади.

Бинода қувурларнинг ташқи диаметри 32 мм бўлган, ҳар бири 23.5м узунликдаги 24 та изоляция қилинмаган стояклар ўрнатилган бўлиб, уларнинг 4 метри ертўлада жойлашган. Стояклар тепадан ҳалқаланган. Ташқи диаметри 57 мм ва ҳар бири 60 м узунликдаги берувчи ва циркуляцион қувурлар ертўлада жойлашган ва изоляция қилинган.

Сувнинг ўртача ҳарорати берувчи қувурда — 60°C, циркуляцион қувурда эса — 50°C тенг.

Ҳисоб-китобни 10–12-формулалари бўйича олиб борамиз.

Иссиқ сув сарфининг меъёри касалхонадаги бир ўринга 75 литр миқдорида қабул қиламиз (3-илова КМК 2.0401-98 «Биоларнинг ички сув ўтказгичи (водопроводи) ва канализацияси»га қаранг).

Касалхонадаги ўринлар сони дастлабки маълумотларга мувофиқ 450 тани ташкил этади.

Сув ўтказгичдаги совуқ сувнинг ҳарорати қишда $t_{\text{с.к}} = 5^\circ\text{C}$, ёзда $t_{\text{с.ё}} = 15^\circ\text{C}$ га тенг.

Янгийўл шаҳрида иситиш даврининг давомийлиги — 133 сутка.

Иситиш даврига нисбатан иситилмайдиган даврда иссиқ сувнинг таъминотида сув сарфи ўзгаришларини ҳисобга олувчи коэффициент, маълумотлар мавжуд бўлмаганда уй-жой сектори учун 1.0 (дам олиш зоналари учун $b = 1.5$), корхоналар учун 1.0 га тенг.

Иссиқ сув таъминотида стояклар томонидан иссиқлик йўқотишларини ҳисоб-

китоб қилиш учун 3-жадвалга асосан бинонинг ичкарасида хавонинг ҳарорати +20°Cга тенг.

Иситилмайдиган ертўлада хавонинг ўртача ҳарорати — 5°Cга тенг деб қабул қилинади.

12-формуланинг расшифровкасига асосан 57 мм трубалар диаметри учун изоляция ФИК 0.74 га тенг бўлади.

Қийматларни 12-формулага ўрнига қўйиб ва 11-формула бўйича жамлаб, тегиш-лича бинонинг иссиқ сув таъминоти қувурларининг иссиқлик йўқотишлари миқдо-рини оламир:

$Q_{\text{тп}}^{\text{ст}}$ стояклари билан, ва берувчи қувурлар ажратмалари

(разводкалари) $Q_{\text{тп}}^{\text{п.под}}$ ва циркуляцион $Q_{\text{тп}}^{\text{ц.под}}$

$$Q_{\text{т.п}}^{\text{йил}} = Q_{\text{т.п}}^{\text{ст}} + Q_{\text{т.п}}^{\text{п.под}} + Q_{\text{т.п}}^{\text{ц.под}} =$$

$$= 10 \times 3.14 \times 0.032 [19.5 \times 24 \times (\frac{50+60}{2} - 20) + 4 \times 24 (\frac{50+60}{2} - 5)] \times (1 - 0.6) \times 350 \times 24 \times 10^{-6} +$$

$$+ 10 \times 3.14 \times 0.057 \times 60 (60 - 5) \times (1 - 0.74) \times 350 \times 24 \times 10^{-6} + 10 \times 3.14 \times 0.057 \times$$

$$\times 60 (50 - 5) \times (1 - 0.74) \times 350 \times 24 \times 10^{-6} = 94.96 \text{ Гкал}$$

Қийматларни 10-формулага ўрнига қўйиб, иссиқ сув таъминотида иссиқлик-нинг йиллик сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{\text{г.в}}^{\text{йил}} = 75 \times 450 \times [(55-5) \times 133 + 1 (350 - 133) \times (55 - 15)] 10^{-6} +$$

$$94.96 = 517.39 + 94.6 = 612.35 \text{ Гкал}$$

IV-параграфга 4-сон мисол

Тошкент шаҳридаги 430 одам яшовчи 9 қаватли уйнинг иссиқ суви таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқликнинг йиллик миқдорини аниқлаш. Марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти бўлган бино 1500 мм узунликдаги ваннали душ хоналари, стояклар изоляция қилинган, сочиқ қуритгичлар билан жиҳозланган.

Тошкент шаҳри учун иситиш даврининг даврийлиги 131 сутка.

Иссиқ сув таъминотининг ташқи тармоқлари мавжуд эмас.

Ҳисоб-китобни 14-формула ёрдамида олиб борамиз.

Бир яшовчига иссиқ сув сарфи меъёри 5-жадвалга асосан 120 л/суткага тенг.

Дастлабки шартларга мувофиқ яшовчилар сони 430 киши.

Совуқ сувнинг ҳарорати қишда $t_{\text{с.қ}} = 5^\circ\text{C}$, ёзда $t_{\text{с.ё}} = 15^\circ\text{C}$ га тенг.

Иситиш даврига нисбатан ёзда иссиқ сувнинг таъминотида сувнинг ўртача со-атлик сарфини ҳисобга олувчи коэффицент 1,0 га тенг деб қабул қилинади.

9-жадвалдан иссиқ сув таъминоти учун қувурлардаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффицент, берилган шартлар учун 0.2 га тенг деб топамиз.

Қийматларни 14-формулага ўрнига қўйсак, иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқликнинг йиллик миқдорини оламир.

$$Q_{\text{г.в}} = (1 + 0.2) \times \{120 \times 430 \times [(55 - 5) \times 131 + 1.0 (350 - 131) \times$$

$$(55 - 15)]\} 10^{-6} = 947.99 \text{ Гкал}$$

IV-параграфга 4 «А»-сон мисол**1. «Тошиссиқликмарказ» ОАЖнинг ишлаб-чиқариш технологик эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфи**

1. Аккумулятор бакларининг буғли «ёстиғи» учун иссиқлик сарфи.

Ҳисоб-китоб қилишда «Иссиқлик электростанцияларида ёқилғининг солиштирма сарфларини меъёрлаштириш бўйича йўриқнома ва методик кўрсатмалар»дан фойдаланилган.

Буғли ёстик иситилган сувнинг берилиши натижасида ҳосил бўлади. Буғ оғоҳлантирувчи қувурдан атмосферага йўналтирилади.

Буғнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$G = W \times 3600 \times S \times j, \text{ кг/соат. бунда:}$$

$w = 2 \text{ м/с}$ — буғнинг тезлиги;

$S = \pi d^2 / 4$, — оғоҳлантирувчи қувурнинг кесими, м^2 ;

d — оғоҳлантирувчи қувурнинг диаметри, м ;

j — буғнинг солиштирма оғирлиги кг/м^3

Иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q = i \times G \times 10^{-6}, \text{ Гкал/соат бунда:}$$

i — чиқувчи буғнинг таркибидаги иссиқлик, ккал/кг

$P_{\text{абс}} = 1.0 \text{ кг/см}^2$ да, $t = 110 \text{ }^\circ\text{C}$ га тенг («Сув ва сув буғининг термодинамик хусусиятлари» М.П. Вукалович), $v = 1,781 \text{ м}^3/\text{кг}$ — буғнинг солиштирма ҳажми.

$j = 0,561 \text{ кг/м}^3$

$i = 644,2 \text{ ккал/кг}$

Ҳисоб-китоблар бўйича маълумотлар жадвалга киритилган:

Иссиқлик маркази рақами	D,m	S,m ²	G, кг/соат	АБ сони, дона	G умумий, кг/соат	Q, Гкал/соат	Q, Гкал/йил
ИМ-1	0,45	0,159	642,1	4	2 568,3	1,7	14 096,5
ИМ-2	0,45	0,159	642,1	3	1 926,2	1,2	10 572,4
ИМ-3	0,50	0,196	792,7	5	3 963,5	2,6	21 753,8
ИМ-4	0,50	0,196	792,7	5	3 963,5	2,6	21 753,8
ИМ-5	0,45	0,159	642,1	5	3 210,4	2,1	17 620,6
ИМ-6	0,45	0,159	642,1	2	1 284,2	0,8	7 048,2
ИМ-7	0,35	0,096	388,4	3	1 165,3	0,8	6 395,6
ИМ-8	0,30	0,071	285,4	1	285,4	0,2	1 566,3
ИМ-9	0,45	1,159	642,1	4	2 568,3	1,7	14 096,5
ИМ-10	0,45	0,159	642,1	3	1 926,2	1,2	10 572,4
ТТЦ						12,2	103 722,2

2. Сув тайёрлаш ускуналари (СТУ)га иссиқлик сарфи

СТУнинг технологик эҳтиёжлари иссиқлик сарфлари қозонларни ва иссиқлик тармоқларини сув билан қўшимча таъминлаш учун сувни тайёрлашда техник жиҳатдан муқаррар йўқотишларни акс эттиради.

Иссиқликнинг норматив сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{стж}} = q_n \times G_{\text{обр}}, \text{ Гкал бунда:}$$

q_n — иссиқликнинг солиштирма норматив сарфи, Гкал/тн ;

$G_{\text{обр}}$ — қайта ишланган (подпитка) сувнинг миқдори, тонн .

Ҳар бир ТЦ бўйича ҳисоб-китоблар натижалари жадвалда келтирилган:

№ ТЦ	Қайта ишланган сувнинг сарфи ($G_{обр}$), тн/йил	Дастлабки сувнинг ўртача йиллик ҳарорати, °С	Иссиқликнинг норматив солиштира сарфи (q_n), Гкал/тн	СТУ учун иссиқлик сарфи, Гкал/йил
ТЦ-1	10639180	10.3	0.0011	11703.10
ТЦ-3	9508650	12.1	0.0011	10459.52
ТЦ-4	26571812	11.1	0.0011	29250.99
ТЦ-5	16082582	11.7	0.0011	17690.84
ТЦ-6	5389207	13.2	0.001	5389.21
ТЦ-7	9236466	12.7	0.001	9236.47
ТЦ-8	9817708	13.0	0.001	9817.71
ТЦ-9	9483649	11.0	0.0011	10432.01
ТЦ-10	12677782	11.4	0.0011	13945.56
ТТЦ	109427036			117925.40

3. Мазут хўжалигининг хусусий эҳтиёжлари учун иссиқлик сарфининг меъёрларини ҳисоб-китоб қилиш

Ҳисоб-китоблар «Иссиқлик электростанцияларининг мазут хўжалиги учун иссиқлик сарфи меъёрлари» тармоқ ҳужжатиға мувофиқ бажарилади.

Ҳисоб-китоблар учун дастлабки маълумотлар:

М-40 — мазутнинг русуми.

2,7°С — ташқи ҳавонинг ҳарорати.

70°С — металл резервуарларда мазутни сақлаш ҳарорати.

$I_n = 663$ ккал/кг — мазут хўжалигига берилувчи буғнинг таркибидаги иссиқлик.

$I_k = 60$ ккал/кг — мазут хўжалигидан қайтарилувчи конденсатнинг таркибидаги иссиқлик.

Ҳисоб-китоблар учун бошқа маълумотлар ИМ дан натурал ўлчашлар бўйича, мазут келиб тушиши юк хатларидан (бухгалтериядан), суткалик қайдномалардан олинган.

1. Мазут хўжалиги учун иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{mx} = Q_{cl} + Q_{xp} + Q_{под} + Q_{mn}^p + Q_{псу} + Q_{тр} + Q_{пр}$$

1. Мазут оқизилишига иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{ок} = G_{ок} \times q_{ок}, \text{ Гкал бунда:}$$

$G_{ок}$ — келиб тушган мазутнинг миқдори, тн;

$q_{ок}$ — мазутнинг оқизилишида иссиқликни солиштира сарфи, Гкал/соат (6-расм).

2. Мазут сақланиши учун иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{сак} = G_{сак} \times q_{сак} \times i, \text{ Гкал; бунда:}$$

$G_{сак}$ — сақланаётган мазутнинг миқдори, тн;

$q_{сак}$ — мазутнинг сақланишида иссиқликнинг солиштира сарфи, Гкал/соат (6-расм);

i_1 — мазутнинг сақланиш вақти, соат.

3. Мазутнинг иситилиши учун иссиқликни сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{под}} = G_{\text{сж}} \times q_{\text{под}}, \text{ Гкал; бунда:}$$

$G_{\text{сж}}$ — ёқилган мазутнинг миқдори, тн;

$Q_{\text{под}}$ — мазутларни иситиш идишларида (МИИ) мазутни иситиш учун иссиқликнинг солиштира сарфи, Гкал/соат (7-расм).

4. Захирадаги мазутнасос қурилмасининг сақланиши учун иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{мн}}^p = i_2 \times q_{\text{мн}}^p, \text{ Гкал; бунда:}$$

i_2 — мазутнасос қурилмасини захирада туриш вақти, соат;

$q_{\text{мн}}^p$ — мазутнасос қурилмасининг захирада сақланиши учун иссиқликнинг солиштира сарфи, Гкал/соат (7-расм).

5. Қабул қилиш-оқизиш ускунасининг (ҚҚОУ) захирада сақланиши учун иссиқликни сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{псу}} = i_3 \times q_{\text{псу}}^p \times n, \text{ Гкал; бунда:}$$

i_3 — қабул қилиш-оқизиш ускунасининг захирада сақланиш вақти, соат.

$q_{\text{псу}}^p$ — гусакларни захирада сақлаш учун иссиқликнинг солиштира сарфи, Гкал/соат (7-расм).

n — гусакларнинг сони, дона;

6. Мазутни узатиш учун иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{тр}} = L \times G_{\text{сж}} \times q_{\text{тр}}, \text{ Гкал; бунда:}$$

L — мазут қувурларининг узунлиги, м.

$q_{\text{тр}}$ — мазутни узатиш учун иссиқликнинг солиштира сарфи, Гкал/соат.

7. Мазут хўжалигининг жиҳозларини пуфлаш учун иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{пр}} = (Q_{\text{сл}} + Q_{\text{хр}} + Q_{\text{под}} + Q_{\text{мн}}^p + Q_{\text{псу}} + Q_{\text{тр}}) \times 0.01, \text{ Гкал}$$

III. Иситилган мазут билан киритиладиган иссиқликнинг миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{м}} = G_{\text{сж}} \times q_{\text{тв}}^m, \text{ Гкал}$$

1. Мазут хўжалиги учун буғ сарфининг миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$G_{\text{п}} = Q_{\text{мх}} \times i_{\text{п}}, \text{ тн}$$

IV. Мазут хўжалигининг хусусий эҳтиёжларига иссиқликнинг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{мх}}^{\text{сн}} = Q_{\text{мх}} - Q_{\text{м}} - Q_{\text{к}}, \text{ Гкал}$$

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни аниқлаймиз:

1. Ёқилган мазутнинг миқдорига иссиқлик солиштира сарфининг меъёри:

$$q_{\text{сж}}^{\text{н}} = Q_{\text{мх}}^{\text{сн}} / G_{\text{сж}}, \text{ Гкал/тн}$$

2. Сақланаётган мазутнинг миқдорига иссиқлик солиштира сарфининг меъёри:

$$q_{\text{хр}}^{\text{н}} = Q_{\text{мх}}^{\text{сн}} / G_{\text{хр}}, \text{ Гкал/тн}$$

Мазут хўжалигининг хусусий эҳтиёжларига иссиқликнинг сарфини ҳисоб-китоб қилиш натижалари 3.1-жадвалга киритилган.

4. Вакуумли деаэратор буғланишлари билан иссиқлик йўқотишлари

Деаэратордаги буғланишнинг миқдори сони 1 тонна деаэраторланган сувга 2 кг ҳисобидан аниқланади («Ишлаб чиқариш ва иситиш қозонхоналари»). 0.2 кг/см² абсолют босимида тўйинтирилган буғнинг энтальпияси 623.1 ккал/кг ни ташкил этади («Сув ва сув буғларининг термодинамик хусусиятлари»).

Деаэратордаги буғланиш билан иссиқлик йўқотишлари қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{вып.}} = G_{\text{деаэр.в.}} * 0.002 * 623.1 * 0.001, \text{ Гкал бунда:}$$

$G_{\text{деаэр.в.}}$ — деаэрирланган сувнинг миқдори, т/йил.

Ҳар бир ТЦ бўйича ҳисоб-китоб қилиш натижалари жадвалда келтирилган

№ ТЦ	Деаэрирланган сувнинг миқдори, т/йил	Деаэратордаги буғланиш билан иссиқлик йўқотишлари, Гкал/йил	Иссиқликнинг солиштира сарфи, Гкал/тн
ТЦ-1	10639180	13258.55	0.0012562
ТЦ-3	9508650	11849.68	0.0012462
ТЦ-4	26571812	33138.72	0.0012462
ТЦ-5	16082582	20042.11	0.0012462
ТЦ-6	5389207	6716.03	0.0012462
ТЦ-7	9236466	11510.48	0.0012462
ТЦ-8	9817708	12234.83	0.0012462
ТЦ-9	9483649	11818.52	0.0012462
ТЦ-10	12677782	15799.05	0.0012462
ТТЦ	109427036	136367.97	0.0012462

бунда:

$t_{\text{ср}}^{\text{с}} = 55^{\circ}\text{C}$ — бакдаги сувнинг ўртача ҳарорати

S — бак юзасининг майдони, м³

l — ишлаш соатларининг сони, соат

6. Иссиқ сув ва буғ қувурларидаги иссиқлик йўқотишлари

Қувурўтказгичларнинг изоляцияси орқали иссиқлик йўқотишларининг ўртача йиллик қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{ср.г}} = b * q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}} * L * i * 10^{-6}, \text{ Гкал бунда:}$$

$q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}}$ — қувурўтказгичлар иссиқлик йўқотишларининг солиштирма норматив қиймати, ккал/м*соат

L — қувурўтказгич участкасининг узунлиги, м;

b — арматура, таянч ва компенсаторларнинг иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олувчи маҳаллий иссиқлик йўқотишлари коэффиценти. $b = 1.2$ — каналли ётқизиш учун, $b = 1.2$ — каналсиз ётқизиш учун, $b = 1.25$ — ер устидан ётқизиш учун (2.3.5-банд).

i — ишлаш вақти, соат.

«Сувли иссиқлик тармоқлари. Лойиҳалаштириш бўйича маълумот қўлланмаси»га мувофиқ ($t_{\text{т}}^{\text{ср}}$ ва $t_{\text{хаво}}^{\text{ср}}$ ҳароратда) иссиқликнинг норматив йўқотишлари қийматларини $q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}}$ қайта ҳисоблаш учун қуйидаги нисбат қўлланилади:

$$q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}} = (q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}})_{\text{жадв}} * ((t_{\text{т}}^{\text{ср}} - t_{\text{хаво}}^{\text{ср}}) / (t_{\text{т}}^{\text{норм}} - t_{\text{хаво}}^{\text{норм}}))^{0.5} \text{ бунда,}$$

$(q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}})_{\text{жадв}}$ — $t_{\text{т}}^{\text{ср}}$ ва $t_{\text{хаво}}^{\text{ср}}$ ҳароратларида иссиқликнинг норматив солиштирма йўқотишларининг жадвал кўринишидаги қийматлари.

Тошкент шаҳри учун ўртача йиллик ҳарорат 13.6°Сни ташкил этади. Сувнинг 100°С ўртача ҳароратида илдиз ости қиймати $((100-13.6)/(100-5))^{0.5} = 0.955$ га тенг бўлади. Сувнинг 55°С ҳароратида $((55-13.6)/(50-5))^{0.5} = 0.96$. Сувнинг 70°С ўртача ҳароратида илдиз ости қиймати $((70-13.6)/(75-5))^{0.5} = 0.898$ га тенг бўлади.

Каналсиз ётқизиш учун иссиқлик ва тупроқнинг бошқа ҳисобланган ҳароратлари $t_{\text{т}}^{\text{ср}}$ ва $t_{\text{хаво}}^{\text{ср}}$ га меъёрий қийматларнинг қайта ҳисобланиши қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}} = (q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}})_{\text{жадв}} * ((t_{\text{т}}^{\text{ср}} - t_{\text{хаво}}^{\text{ср}}) / (t_{\text{т}}^{\text{норм}} - t_{\text{гр}}^{\text{норм}}))^{0.5} \text{ бунда,}$$

$(q_{\text{т.п.}}^{\text{норм}})_{\text{жадв}}$ — $t_{\text{т}}^{\text{ср}}$ ва $t_{\text{хаво}}^{\text{ср}}$ ҳароратларида иссиқликнинг норматив солиштирма йўқотишларининг жадвал кўринишидаги қийматлари (иссиқлик элтувчи ва тупроқнинг ҳарорати).

Тошкент шаҳри учун тупроқнинг ҳарорати 9.7°Сни ташкил этади. Сувнинг 100°С ўртача ҳароратида илдиз ости қиймати $((100-9.7)/(80-5))^{0.5} = 1.1$ га тенг бўлади. Сувнинг 55°С ҳароратида илдиз ости қиймати $((55-9.7)/(80-5))^{0.5} = 0.83$ га тенг бўлади. Сувнинг 70°С ўртача ҳароратида илдиз ости қиймати $((70-9.7)/(80-5))^{0.5} = 0.897$ га тенг бўлади.

Ҳисоб-китобларнинг натижалари 6-1-жадвалга киритилган.

IV-бобга 5-мисол

Тошкент вилояти Чорвоқ қишлоғига январь ойида 60 тоннали цистернада келиб тушган мазутнинг иситилиши учун иссиқлик энергияси сарфини аниқлаш. Мазут маркаси М80. Йўлни босиб ўтиш вақти — 72 соат. Цистернада мазутнинг ҳарорати бошланғич (1.7°С), 60 тоннали цистерна учун совутиш коэффиценти — 1.55. Мазутнинг зичлиги — 990 кг/м³. Иситиш ва қуйилиш вақти — 10 соат.

Ҳисоб-китобни 20-формула бўйича олиб борамиз:

$$Q_{cc} = 1884,5 \times [50 - (-1.7)] \left(1 + \frac{10 \times 1.55 \times 10}{990}\right) = 0.1126, \text{ Гкал}$$

IV-бобга 6-сон мисол

М80 мазутини изоляция қилинмаган резервуарда сақлашда иссиқлик йўқотишларнинг компенсацияси учун иссиқлик энергияси сарфини аниқлаш. Мазутнинг резервуардаги массаси — 2000 тн, резервуарнинг юзи — 927 м². резервуарнинг сифими — 2150 м³. Ёқилғининг суткалик сарфи — 990 кг/м². Мазутнинг зичлиги — 990 кг/м³. Резервуар деворларининг иссиқлик қайтариш коэффициенти — 6,98 ккал/м² х соат х °С. Ташқи ҳавонинг ҳарорати — 7,0°С. Мазутни қуйиш ҳарорати — 50°С.

Ҳисоб-китобни 21-формула бўйича олиб борамиз.

Ёқилғини изоляция қилинмаган резервуарда сақлаш вақтини аниқлаймиз:

$$t_{\text{сак}} = 2000 : 100 \times 24 = 480 \text{ соат}$$

Мазутни сақлашда иссиқлик энергияси сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{\text{сак}} = \frac{2520 \times 927 \times 6,98 \times [50 - (-7,0)] \times 480}{990 \times 2150} = 209,6 \times 10^{-3} \text{ Гкал/соат}$$

IV-бобга 7-сон мисол

Умумий узунлиги 1-11,6 км бўлган, шу жумладан ўтиб бўлмайдиган каналларда 1-0,5 км 377 мм, 1-1,0 км д-273 мм, 1-2 км д-219 мм, 1-2,5 км д-159 мм, 1-3,0 д-108 мм, 1-1,1 км д-76 мм ўтказилган, каналсиз 1-1,0 км д-219 мм ўтказилган; 1-0,5 км д-377 мм ер устидан ўтказилган иссиқлик тармоқларида иситиш мавсуми давомида иссиқлик йўқотиш меъёрларини аниқлаш. Иссиқлик тармоғи Чирчиқ шаҳрида жойлашган.

Тупроқнинг ўртача йиллик ҳарорати $t_{\text{гр}}^{\text{cp}} = +5^{\circ}\text{C}$.

Иситиш даври давомида ҳавонинг ўртача ҳарорати $t_{\text{нар}}^{\text{cp}} = +2,8^{\circ}\text{C}$.

Иссиқлик элтувчининг берувчи қувурўтказгичдаги ўртача йиллик ҳарорати $t_{\text{н}}^{\text{cp,г}} = 90^{\circ}\text{C}$, қайтувчи қувурўтказгичда $t_{\text{о}}^{\text{cp,г}} = 50^{\circ}\text{C}$.

Ҳисобот даври мобайнида сувнинг берувчи қувурўтказгичдаги ҳарорати $t_{\text{н}}^{\text{cp}} = 90^{\circ}\text{C}$, қайтувчи қувурўтказгичда $t_{\text{о}}^{\text{cp}} = 48^{\circ}\text{C}$.

Иситиш даврининг давомийлиги 130 сутка.

Иситиш даври давомида совуқ сувнинг ҳарорати $t_{\text{с.с}}^{\text{cp}} = 5^{\circ}\text{C}$.

Ҳисоб-китобни (26-44) формулалар бўйича олиб борамиз.

28 ва 30-формулалар бўйича иссиқлик йўқотишлар меъёрларига тузатиш коэффициентларни аниқлаймиз:

Ер остидан ўтказиш учун:

$$K = (90 + 48 - 2 \times 5) : (90 + 50 - 10) = 0.98$$

Ер устидан ўтказиш учун:

$$K_{\text{под}} = (90 - 2.8) : (90 - 5) = 1.02$$

$$K_{\text{об}} = (48 - 2.8) : (50 - 5) = 1.0$$

V-бобга 8-сон мисол

Иситиш юзаси майдони — 138 м² бўлган қозонни қиздириш учун қозонхонанинг ёқилғига бўлган эҳтиёжини аниқлаш. Таъмирлаш ишлари жадвали бўйича қозонларни қуйидаги тўхтатишлари инобатга олинган: 48 соатлаб, икки марта тўхтатиш, 24 соатлаб икки марта тўхтатиш, 12 соатлаб беш марта тўхтатиш.

1. 21-жадвал бўйича қозонни бир марта қиздириш учун ёқилғининг солиштирма сарфини аниқлаймиз:

48 соат 800 кг.ш.ё.

24 соат 400 кг.ш.ё.

12 соат 400 кг.ш.ё.

2. Жадвал билан кўзда тутилган қозонни қиздириш бўйича таъмирлаш ишлари учун ёқилғига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқамиз:

$$B_{\text{расг}}^{\text{ус}} = (800 \times 2) + (400 \times 2) + (200 + 5) = 3400 \text{ кг.ш.ё.}$$

V-бобга 9-сон мисол

Табиий газдан фойдаланувчи бешта ДКВР-4/13 қозонлари бўлган қозонхона учун 1 тонна меъёрдаги бугни ишлаб чиқиш учун ёқилғи сарфининг солиштирма меъёрини аниқлаш, қозонларнинг ФИК — 90,8 фоиз. Қозонлар даврий равишда пуфлантирилади. Ҳисоб-китоб 56-формула бўйича олиб борилади.

1 тонна нормал бугни ишлаб чиқиш учун ёқилғи сарфининг солиштирма меъёри қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$b = b_n (1 + K_{\text{прод}}), \text{ бунда:}$$

b_n — 1 тонна нормал бугни ишлаб чиқиш учун ёқилғини шартли сарфининг ҳисобланган солиштирма меъёри VIII бобнинг 20-жадвали маълумотлари бўйича қабул қилинади;

$K_{\text{прод}}$ — пуфланадиган сув билан иссиқлик йўқотишни ҳисобга олувчи коэффициент.

Даврий пуфлантиришда $K_{\text{прод}} = 0.01$.

V-бобга 10 а-сон ва 10 б-сон мисоллар

Иккита иситувчи қозонхоналар бўйича ёқилғига бўлган эҳтиёжни аниқлаш:

1-сон қозонхона — табиий газда ишловчи 8500 ккал/нм³ иссиқлик ишлаб чиқариш қобилятига эга бўлган бешта ДКВР-4/13 қозонига эга. Ҳар бир қозоннинг иситиш юзининг майдони — 138 м², қозонхона агрегатининг ФИК 88 фоиз. Қозонларни бир йилда икки марта 48 соат ва 48 соатдан ортиқ бўлган вақт давомида тўхтатиш режалаштирилган. Қозонлар тўхтаб-тўхтаб пуфланади.

Иссиқликнинг бир йиллик сарфи: иситиш учун — 16800, ГВС учун — 18400, вентиляция учун — 4200, хусусий эҳтиёжлари учун — 860, иссиқлик тармоқларида иссиқликни йўқотишлари учун — 200 Гкал ни ташкил этади.

2-сон қозонхона турар жой биноларини иситиш учун АМ русумли кўмирда ишловчи, 6439 ккал/кг иссиқлик ишлаб чиқариш қобилятига эга иккита МГ-2 қозонларига эга. Битта қозонни иситиш юзининг майдони — 64,6 м², ФИК — 0,65. Бир йилда қозонни бир марта 48 соатдан ортиқ бўлган вақтга тўхтатиш режалаштирилган.

Йиллик иссиқлик ишлаб чиқиш — 3000 Гкал.

Ёқилғининг сарфи ҳар бир қозонхона бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

1-сон қозонхона бўйича.

1. Иссиқликнинг йиллик ишлаб чиқилишини (1) ва (27) формулалар бўйича аниқлаймиз:

$$Q_{\text{йил ишч}}^{\text{йил}} = 16800 + 4200 + 18400 + 200 + 860 = 40460 \text{ Гкал}$$

2. Иссиқликни бир тонна нормал буғ ҳисобига қайта ҳисоблашни (57) формула бўйича амалга оширамиз:

$$D_n = \frac{40460}{0.64} = 63219 \text{ тн}$$

3. Даврий пуфлаш давомида 1 тонна нормал буғни ишлаб чиқиш учун шартли ёқилғининг солиштира меъёрини (56) формула бўйича топамиз:

VIII бобнинг 22-жадвалига мувофиқ 1 тонна буғ учун $b_n = 103,86$ кг ш.ё., $K_{\text{прод}} = 0,01$, бу ердан $b = 103,86 (1 + 0,01) = 1$ тонна буғ учун $104,90$ тн ш.ё.

4. Қозонхона томонидан буғни ишлаб чиқиш учун ёқилғи сарфини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқамиз:

$$B_1 = 63219 \times 104,9 = 6631673,1 \text{ кг у.т. ёки } 6631,7 \text{ т.ш.ё}$$

5. Қозонларни қиздириш учун ёқилғига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқамиз. 23-жадвал бўйича қозонларни 48 соатлик тўхтатишда шартли ёқилғининг солиштира сарфи 800 кг.ш.ё.га, 48 соатдан ортиқ тўхтатишда эса 1200 кг.ш.ё га тенг.

$$B_2 = (800 \times 5) + (1200 \times 5) = 10000 \text{ кг ш.ё} = 10 \text{ т.ш.ё}$$

6. 1-сон қозонхона учун шартли ёқилғига бўлган умумий эҳтиёж қуйидагини ташкил этади:

$$B_{\text{шарт}} = B_1 + B_2 = 6631,7 + 10 = 6641,7 \text{ т.у.т.}$$

7. Натурал ёқилғининг шартли ёқилғига нисбатан иссиқлик ишлаб чиқиш қобилиятига нисбий тенг бўлган калорияли эквивалентини аниқлаймиз:

$$\mathfrak{E} = \frac{8500}{7000} = 1.214$$

8. 1-сон қозонхонанинг табиий газга бўлган эҳтиёжини қуйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$B_{\text{нат}} = \frac{B_{\text{шарт}}}{\mathfrak{E}} = \frac{6641,7}{1.214} = 5470,9 \text{ млн м}^3 \text{ газ}$$

2-сон қозонхона бўйича

1. Қозонхонанинг бир йиллик иссиқлик ишлаб чиқишини аниқлаймиз. Мисолнинг шартлари бўйича у 3000 Гкал га тенг.

2. 1 Гкал иссиқликни ишлаб чиқиш учун шартли ёқилғи сарфининг солиштира ма меъёрини топамиз. 21-жадвал бўйича $b = 219/7$ кг ш.ё.

3. 2-сон қозонхонанинг ҳисобланган иссиқлик миқдорини ишлаб чиқиш учун эҳтиёжини ҳисоблаб чиқамиз:

$$B_1 = 3000 \times 219.7 = 659100 \text{ кг ш.ё.}$$

4. Қозонларни қиздириш учун ёқилғига бўлган эҳтиёжни VIII бобнинг 23-жадвали бўйича ҳисоблаб чиқамиз:

$$B_2 = 600 \times 2 = 1200 \text{ кг ш.ё.}$$

5. Шартли ёқилғига бўлган умумий эҳтиёж иссиқликни ишлаб чиқиш ва қозонларни қиздириш учун ёқилғига бўлган эҳтиёжни бир-бирига қўшилган йиғиндисидан келиб чиқади.

$$B_{\text{шарт}} = B_1 + B_2 = 659100 + 1200 = 660300 \text{ кг ш.ё.} = 660.3 \text{ тн. ш.ё.}$$

6. Натурал ёқилғининг калорияли эквивалентини аниқлаймиз:

$$\varepsilon = \frac{6430}{7000} = 0.919$$

7. АМ русумли кўмирга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқамиз:

$$B_{\text{нат}} = \frac{B_{\text{шарт}}}{\varepsilon} = \frac{660.3}{0.919} = 718.5 \text{ тн}$$

V-бобга 11-мисол

Иккита МГ-2 қозонли қозонхона томонидан иссиқлик тармоғига иссиқликни узатишда ёқилғига бўлган эҳтиёжни аниқлаш. Ҳар бир қозоннинг сиртини иситиш майдони 64.6 м^2 , ФИК брутто — 65 фоиз. Қозонлар АМ русумли кўмирга ишлайди. Йиллик иссиқлик ишлаб чиқиш — 3000 Гкал. Хусусий эҳтиёжлар учун иссиқлик сарфлари умумий иссиқлик ишлаб чиқишнинг — 4.4 фоизини ёки 135 Гкал.ни ташкил этади.

Ҳисоб-китобни қуйидаги формула бўйича олиб борамиз:

1. Қозонхонанинг хусусий эҳтиёжлари учун ёқилғининг сарфини ҳисобга олувчи коэффициентни аниқлаймиз:

$$K_{\text{с.н.}} = \frac{135 \times 100}{3000} = 4,5 \text{ фоиз}$$

2. Қозонхонанинг хусусий эҳтиёжлари учун иссиқликнинг сарфини ҳисобга олган ҳолда қозонхона неттосининг ўртача ФИК қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқамиз:

$$\eta_{\text{ср.к.}}^{\text{нетто}} = (\eta_{\text{ср.к.}}^{\text{бр.ср}}) \left(1 - \frac{K_{\text{с.н.}}}{100}\right) = 65(1 - 0,045) = 65 \times 0,955 = 62,075 \text{ фоиз}$$

3. Иссиқлик тармоғига узатиладиган иссиқликни ишлаб чиқиш учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфини ҳисоблаб чиқамиз:

$$b_{\text{отп}} = \frac{142,8 \times 100}{62,075} = 230 \text{ кг.ш.ё. / Гкал}$$

4. Қозонхона коллекторларидан узатиладиган иссиқликни ишлаб чиқиш учун шартли ёқилғига бўлган эҳтиёжни аниқлаймиз:

$$B_{\text{отп}} = Q_{\text{отп}} \times b_{\text{отп}} \times 10^{-3} = 3000 \times 0.955 \times 230 \times 10^{-3} = 659 \text{ т.ш.ё.}$$

5. 3-мисолни ечилишига мувофиқ шартли ёқилғини натурал ёқилғига қайта ҳисоблашни амалга оширамиз:

$$B_{\text{нат}} = \frac{B_{\text{отп}}}{\mathfrak{E}} = \frac{659}{0,919} = 717,1 \text{ т}$$

VI-бобга 12-сон мисол

Ёқилғининг максимал сарфи — 287 кг/соат бўлган, Ангрен кўмирида ишловчи ВДН-9 тутун тортгичга эга бўлган қозон учун электр энергияси сарфини аниқлаш. Тутун тортгич томонидан яратувчи буткул босим — 8.4 мм сув.ст. Тутун тортгичнинг ФИК — 0.69. Ишлаш вақти давомийлиги 8400 соат. Қозоннинг иссиқлик ишлаб чиқиш унумдорлиги — 2.15 Гкал/соат. Чиқиб кетувчи газларнинг ҳарорати — 180°C.

Ҳисоб-китобни 73 — 75-формулалар бўйича олиб борамиз.

Ёниш маҳсулотларининг назарий ҳажмини аниқлаймиз (VIII бобнинг 25-жадвалига қаранг) — 8.33 нм³/кг.

Чиқиб кетувчи газларда ортиқча ҳавонинг коэффиценти — 1.6 (VIII бобнинг 26-жадвалига қаранг).

Унумдорлик бўйича захира коэффиценти — 1.05, босим бўйича — 1.1 (VIII бобнинг 25-жадвалига қаранг).

Тутун тортгичнинг маҳсулдорлиги (74) формула бўйича аниқлаймиз:

$$V_{\text{д}} = 1.05 \times 1.1 \times 287 \times 8.33 \times 1.6 \times \frac{273 + 180}{273} = 7331.0 \text{ нм}^3/\text{соат}$$

Тутун тортгичнинг электр энергияси сарфини (72) формула бўйича аниқлаймиз:

$$\mathfrak{E} = \frac{7331.0 \times 8.4 \times 8400}{3600 \times 102 \times 0.69} = 2041.6 \text{ кВт соат}$$

VI-бобга 13-сон мисол

К-45/55 тармоқ насосининг иситиш давридаги электр энергияси сарфини аниқлаш. Насоснинг унумдорлиги — 45 тн/соат. Босим — 55 м. Насоснинг ФИК — 0.63. Иситиш даврининг давомийлиги — 3144 соат.

Ҳисоб-китобни (77) формула бўйича олиб борамиз:

$$\mathfrak{E} = \frac{45.0 \times 10^3 \times 55}{3600 \times 102 \times 0.63} \times 3144 = 33640.6 \text{ кВт соат}$$

VI-бобга 14-мисол

4 та ДЕ-4-14ГМ қозонлари бўлган иситувчи-ишлаб чиқарувчи қозонхонанинг электр энергиясига бўлган йиллик эҳтиёжини аниқлаймиз. Қозонхона иситиш, иссиқ сув таъминоти ва технологик эҳтиёжлар учун ишлайди.

Қозонхонада қуйидагилар ўрнатилган:

5.7 кВт қувватли электр двигателлари бўлган 4 та ДН-9 тутун тортгичлар. Йил давомида ишлаш давомийлиги — иситиш даврида 4 та тутун тортгич ва ёз даврида — 2 та тутун тортгич ишлайди.

5.7 кВт қувватли электр двигателлари бўлган 4 та ВДН-8 вентиляторлари, йил давомида ишлаш давомийлиги худди тутун тортгичлариники каби.

декарбонизация бўлимининг 1.5 кВт қувватли электр двигателлари бўлган Ц4-70 № 3 вентиляторлари;

30 кВт қувватли электр двигатели бўлган ЦНС-60-99 тармоқ насоси.

7 кВт қувватли электр двигатели бўлган бирламчи сувни тайёрлаш блокининг насоси.

17 кВт қувватли электр двигатели бўлган декарбонизация қилинган сувли ЗКМ-6 насоси.

1.5 кВт қувватли электр двигатели бўлган ювувчи сувнинг 2К-20/18 водород-катион филтрли насоси.

3 кВт қувватли электр двигатели бўлган кучли туз намақобини бир жойдан иккинчи жойга ўтказувчи Х8-18-Л1-52 насоси.

3 кВт қувватли электр двигатели бўлган сувни бир жойдан иккинчи жойга ўтказувчи Х8-18-Л1-52 насоси.

7 кВт қувватли электр двигатели бўлган иссиқ сув билан таъминловчи ЦНС 38-44 насоси.

4 кВт қувватли электр двигатели бўлган қўшимча сув берувчи 2КМ-20/30 насоси.

30 кВт қувватли электр двигатели бўлган тўйинтирувчи ЦНСГ 38-176 насоси.

4 кВт қувватли электр двигатели бўлган СО-7А компрессори.

Қозонхона ҳар бири 0.1 кВт бўлган 12 та ёритгичлар (светильник) билан ёри-тилади.

Иситиш даврининг давомийлиги 3144 соат.

Насосларнинг ишлаш соатлари сони: тармоқ насоси — 3144; иссиқ сув таъминоти насоси — 8400; қўшимча сув берувчи-тўйинтирувчи, декарбонизация қилинган сув, чиқувчи сув насослари — 8400; туз намақобини бир жойдан иккинчи жойга ўтказувчи, филтрларни ювувчи ва юмшатувчи насослар — 600; сувни бир жойдан иккинчи жойга ўтказувчи насослар — 2600. Ц4-70 3-сон вентилятор электродвигателининг ишлаш давомийлиги — 8400 соат, компрессорнинг — 1800 соат. Ёритиш юкламасининг максимал давомийлиги — 4800 соат.

Ҳисоб-китобни 87 формула бўйича олиб борамиз.

87-формулада келтирилган маълумотлар бўйича ускуналар электр двигателлари учун талаб коэффициентини аниқлаймиз.

86-формула бўйича ҳар бир тур учун ҳисобланган қувватни аниқлаймиз.

Ҳар бир электр қабул қилгичнинг электр энергияси сарфини аниқлаймиз ва жадвалга бирлаштирамиз:

Ёритиш учун электр энергиясининг сарфини қуйидаги формула (78) бўйича аниқлаймиз:

$$\mathcal{E}_{\text{осв}} = 0,1 \times 12 \times 4800 = 5760 \text{ кВт соат}$$

Қозонхона бўйича электр энергиясининг умумий сарфини аниқлаймиз:

$$\mathcal{E} = 830216 + 5760 = 835976 \text{ кВт соат}$$

VII-бобга 15-мисол

Чирчиқ шаҳрида жойлашган қозонхонадан иссиқликни оловчи иссиқлик тармоқлари ва уларга уланган биноларни иситиш тизимларини тўйинтириш ва тўлдириш учун сувнинг миқдорини аниқлаш.

Иссиқлик таъминоти ёпиқ тизимли.

Қозонхонанинг йиллик иссиқлик ишлаб чиқиши — 600 Гкал.

Иссиқликнинг ҳисобланган сарфи — 2.57 Гкал/соат.

Иссиқлик тармоқларининг узунлиги — 800 м, улардан 200 м — 150 мм диаметрли ва 600 м — 100 мм диаметрли.

Бинолар 1000 мм баландликдаги чўян радиаторлар ёрдамида иситилади.

Чирчиқ шаҳрининг иқлим шароитлари: иситиш даврининг давомийлиги n — 130 сутка; ташқи ҳавонинг ҳисобланган ҳарорати — $t_{p.o} = -16^{\circ}\text{C}$; иссиқлик даври мобайнида ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати t_{cp} — 2.8°C .

Ҳисоб-китобни 90-формула бўйича олиб борамиз.

VIII бобнинг 32-жадвали бўйича 31 м^3 га 1 Гкал/соат ҳисобидан ҳароратнинг $95-70^{\circ}\text{C}$ ўзгаришларида биноларни иситишнинг маҳаллий тизимларида сув ҳажминини аниқлаймиз.

$$V_{\text{тиз}} = 31 \times 2,57 = 79,67 \text{ м}^3$$

VIII бобнинг 33-жадвали бўйича 100 мм диаметрли 1 км тармоқ учун 7.854 м^3 ва 150 мм диаметрли 1 км тармоқ учун 17.67 м^3 ҳисобидан ташқи иссиқлик тармоқларини тўлдириш учун сувнинг ҳажминини аниқлаймиз.

$$V_{\text{тар}} = 0,2 \times 17,67 + 0,6 \times 7,854 = 8,224 \text{ м}^3$$

Маҳаллий иситиш тизими ва ташқи иситиш тармоқларини бир марта тўлдиришга сувнинг умумий ҳажминини ҳисоблаб чиқамиз.

$$V = 79,67 + 8,224 = 87,894 \text{ м}^3 \sim 88 \text{ м}^3$$

120-бандга мувофиқ иссиқлик тармоқлари ва уланган иситиш ва вентиляция тизими қувурўтказгичларидаги сув ҳажмининг 0.75 фоизини ташкил этувчи ва қозонхонанинг йиллик иш соатларининг сонига $130 \text{ сут} \times 24 = 3120$ соатга мувофиқ тўйинтирувчи сувнинг миқдорини ҳисоблаб чиқамиз.

$$G_{\text{п}} = 88 \times 0,75 \times 10^{-2} \times 3120 = 2059,2 \text{ м}^3/\text{йил}$$

Сувнинг умумий сарфини топамиз

$$G = 88 \times 2059,2 = 2147,2 \text{ м}^3/\text{йил}$$

VII-бобга 16-сон мисол

Бекобод шаҳрида жойлашган қозонхона эҳтиёжлари учун сувнинг сарфини топиш. Иситиш учун йиллик иссиқлик ишлаб чиқариш — 8000 Гкалга тенг. 9.11-бандга мувофиқ яхлитланган ҳисоб-китоблар учун 1 Гкал иссиқликни ишлаб чиқиш учун сувнинг солиштира харажати 0.46 м³/Гкал тенг бўлган кўрсаткичидан фойдаланамиз.

Кўриб чиқиладиган қозонхона учун иссиқлик тизими ва ташқи иссиқлик тармоғини тўлдириш ва тўйинтириш учун сувнинг умумий сарфи қуйидагини ташкил этади:

$$G = 0.46 \times 8000 = 3680 \text{ м}^3/\text{йил}$$

VII-бобга 17-сон мисол

Кимёвий сув тозалаш корхонасининг хусусий эҳтиёжлари ва деаэраторни буғлатиб чиқариш учун сувнинг йиллик сарфини аниқлаш.

Кимёвий сув тозалаш корхонаси иккита 1000 мм диаметрдаги натрий-катионли фильтрлар билан жиҳозланган.

Фильтрларнинг регенерацияси бир суткада икки марта амалга оширилади. Фильтрларни юмшатишда ювувчи сувдан фойдаланилади.

Деаэраторнинг унумдорлиги — 153 м³/соат.

Сув тайёрлаш ишининг давомийлиги — 350 сутка.

Ҳисоб-китобни 80-формула бўйича амалга оширамиз.

Сувнинг сарфини VIII бобнинг 34-жадвали бўйича юмшатиб ювиш учун — 2.1 м³ ва фильтрнинг регенерацияси (ювувчи сувлардан фойдаланган ҳолда) учун — 7.3 м³ топамиз.

Кимёвий сув тозалаш учун сувнинг сарфини аниқлаймиз:

$$G_{\text{кст}} = (2.1 + 7.3) \times 2 \times 2 \times 350 = 13160 \text{ м}^3/\text{йил}$$

Сувнинг буғлатиб чиқариш билан сарфини 105-формула бўйича аниқлаймиз:

$$G_{\text{бқт}} = 0.004 \times 153 \times 350 \times 24 = 5140.8 \text{ м}^3/\text{йил}$$

Сувнинг тўлиқ сарфини аниқлаймиз:

$$G = 13160 + 5140.8 + 18300.8 \text{ м}^3/\text{йил}$$

VII-бобга 18-мисол

Уч смена давомида ишловчи қозонхонанинг 1 йиллик маиший эҳтиёжлари учун сувнинг сарфини аниқлаш, биринчи сменада ишловчиларнинг сони — 8 киши, иккинчи сменада — 4 киши, учинчи сменада — 3 киши.

Маиший хоналар битта душ турли душ хонаси билан жиҳозланган.

Бир сменада душ хонасининг ўртача ишлаш вақти 15 мин., бир суткада — 45 мин (0.75 соат.)

Ҳисоб-китобни 105 формула бўйича олиб борамиз:

$$G_{\text{хўж}} = 500 \times 0.75 \times 8400 \times 10^{-3} + 14.1 \times (8 + 4 + 3) \times 350 \times 10^{-3} = 3224 \text{ м}^3/\text{йил}$$

VIII боб. Жадвал кўринишидаги маълумотлар

1-жадвал

Уй-жой биноларини иситишнинг солиштира тавсифи

Биноларнинг ташқи қурилиш ҳажми	Ташқи ҳарорати – 30 °C бўлган туманлар учун биноларни иситишнинг солиштира тавсифи (ккал/м ³ × соат × °C)	
	1958 йилгача қурилган	1958 йилдан кейин қурилган
100	0.74	0.92
200	0.66	0.82
300	0.62	0.78
400	0.60	0.74
500	0.58	0.71
600	0.56	0.69
700	0.54	0.68
800	0.53	0.67
900	0.52	0.66
1000	0.51	0.65
1100	0.50	0.62
1200	0.49	0.60
1300	0.48	0.59
1400	0.47	0.58
1500	0.47	0.57
1700	0.46	0.55
2000	0.45	0.53
2500	0.44	0.52
3000	0.43	0.50
3500	0.42	0.48
4000	0.40	0.47
4500	0.39	0.46
5000	0.38	0.45
6000	0.37	0.43
7000	0.36	0.42
8000	0.35	0.41
9000	0.34	0.40
10000	0.33	0.39
11000	0.32	0.38
12000	0.31	0.38
13000	0.30	0.37
14000	0.30	0.37
15000	0.29	0.37
20000	0.28	0.37
25000	0.28	0.37
30000	0.28	0.36
35000	0.28	0.35
40000	0.27	0.35
45000	0.27	0.34
50000	0.26	0.34

Изоҳ: Иситишнинг солиштира тавсифлари -30°Cли иситиш тизимини лой-иҳалаштириш учун ҳисобланган ҳароратни ташқи ҳавонинг иқлим зоналарига мувофиқдир. Ташқи ҳавонинг ҳисобланган бошқа ҳароратида кўрсатиб

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ўтилган қийматларга 2-жадвал бўйича қабул қилинган «а» коэффициентини қўллаш лозим.

2-жадвал

**Ташқи ҳарорат ўзгаришларини ҳисобга олувчи «а»
коэффициенти**

°C	0	-5	-10	-15	-20	-25	-35	-40
A	2.05	1.67	1.45	1.29	1.17	1.08	0.95	0.9

3-жадвал

**Жамоат биноларини иситиш учун иссиқликка бўлган
эҳтиёжларни аниқлаш учун иситиш тавсифлари**

Биноларнинг номи	Ташқи ўлчов бўйича иншоот ҳажми, минг м ³	-30°C ккал/(м ³ соат-°C) ҳароратда биноларнинг солиштирма иссиқлик тавсифлари	Ички ҳавонинг ўртача ҳисоб- ланган ҳарорати t _{вн} , °C
1	2	3	4
Маъмурий бинолар, бош идоралар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0.43 0.38 0.35 0.32	18
Клублар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.37 0.33 0.30	16
Кинотеатрлар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.36 0.33 0.30	14
Театрлар	10 гача 15 гача 20 гача 30 гача 30 дан ортиқ	0.29 0.27 0.22 0.20 0.18	15
Универмаглар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.38 0.33 0.31	15
Болалар яслилари ва боғчалари	5 гача 5 дан ортиқ	0.38 0.34	20
Мактаблар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.39 0.35 0.33	16
Поликлиника ва диспансерлар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0.4 0.36 0.32 0.30	20
Касалхоналар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0.40 0.36 0.32 0.30	20
Хаммомлар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.28 0.25 0.23	25

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Биоларнинг номи	Ташқи ўлчов бўйича иншоот ҳажми, минг м ³	-30°C ккал/(м ³ соат-°C) ҳароратда биоларнинг солиштира иссиқлик тавсифлари	Ички ҳавонинг ўртача ҳисоб- ланган ҳарорати t _{вн} , °C
1	2	3	4
Кир ювиш ишхоналари	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.38 0.33 0.31	15
Умумий овқатланиш корхоналари, ошхоналар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.35 0.33 0.30	16
Лабораториялар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.37 0.35 0.33	16
Ўт ўчириш депоси	2 гача 5 гача 5 дан ортиқ	0.48 0.46 0.45	15
Гаражлар	2 гача 3 гача 5 гача 10 дан ортиқ	0.70 0.60 0.55 0.50	10
Олий ўқув юртлари ва техникумлар	10 гача 15 гача 20 гача 20 дан ортиқ	0.35 0.33 0.30 0.24	16

Изоҳ.

1. Умумий биолар ва муассасаларнинг солиштира иссиқлик тавсифлари «Сувли иссиқлик тармоқларини сошлаш ва эксплуатация қилиш бўйича маълумот-нома» маълумотлари бўйича қабул қилинган.

2. Ташқи ҳавонинг ҳисобланган бошқа ҳароратлари учун 2-жадвалда келтирилган («а») коэффициент қийматларини қўллаш зарур.

3. Ҳавонинг ички ҳарорати умумий биолар ва аҳолига хизмат кўрсатиш муассасалари лойиҳаларининг маълумотлари бўйича қабул қилинган. Умумий биоларнинг мақсади тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ички ҳавонинг ҳисобланган ҳарорати учун 18°C ёки КМК 2.04.05-97 «Иситиш тизими, вентиляция ва ҳаво алмашинуви (кондиционерлаштириш)» бўйича қўлланилади.

4-жадвал

Жамоат биоларнинг солиштира вентиляция тавсифлари

Биоларнинг номи	Ташқи ўлчов бўйича иншоот ҳажми, минг м ³	-30°C ҳароратда биоларнинг солиш- тира вентиляция тавсифлари ккал/(м ³ соат-°C)	Ички ҳавонинг ўртача ҳисоб- ланган ҳарорати t _{вн} , °C
1	2	3	4
Маъмурий биолар, бош идоралар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0.09 0.08 0.07 0.06	18

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Биоларнинг номи	Ташқи ўлчов бўйича ишюот ҳажми, минг м ³	-30°C ҳароратда биоларнинг солиш- тирма вентилицион тавсифлари ккал/(м ³ соат-°C)	Ички ҳавонинг ўртача ҳисоб- ланган ҳарорати t _{вн} , °C
1	2	3	4
Клублар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.25 0.23 0.20	16
Кинотеатрлар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.43 0.39 0.38	14
Театрлар	10 гача 15 гача 20 гача 30 гача 30 дан ортиқ	0.41 0.40 0.38 0.36 0.34	15
Универмаглар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	- 0.08 0.27	15
Болалар яслилари ва боғчалари	5 гача 5 дан ортиқ	0.11 0.10	20
Мактаблар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.09 0.08 0.07	16
Касалхоналар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0.29 0.28 0.26 0.25	20
Хаммомлар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	1.00 0.95 0.90	25
Кир ювиш ишхоналари	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.8 0.78 0.75	15
Умумий овқатланиш корхоналари, ошхоналар, фабрика- ошхоналар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0.70 0.65 0.60	16
Лабораториялар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	1.00 0.95 0.90	16
Олий ўқув юртлари ва техникумлар	10 гача 15 гача 20 гача 20 дан ортиқ	- 0.1 0.08 0.08	16
Поликлиникалар, амбулаториялар, Диспансерлар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	- 0.25 0.23 0.22	20
Ўт ўчириш депоси	2 гача 5 гача 5 дан ортиқ	0.14 0.09 0.09	15
Гаражлар	2 гача 3 гача 5 гача 5 дан ортиқ	- - 0.70 0.65	10

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Изоҳ.

1. Жамоат биноларини солиштирма вентиляцияон тавсифларининг қийматлари «Сувли иссиқлик тармоқларини сошлаш ва эксплуатация қилиш бўйича маълумотнома» маълумотлари бўйича қабул қилинган.

2. Ташқи ҳавонинг бошқа ҳисобланган ҳароратлари ва -30°C ҳароратда солиштирма вентиляцияон тавсифлар учун 2-жадвалда келтирилган («а») коэффицентининг қийматларини қўллаш зарур.

5-Жадвал

Иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқ сув сутка ёки ҳафта давомида тўлиқ берилмаганда иссиқ сув сарфининг меъёрини камайтирувчи тузатиш коэффиценти

Иссиқлик таъминоти тизимининг ишлаш давомийлиги Ҳафта, сутка	Сутка давомида тизимнинг давомли ишлашида иссиқлик сарфларига тузатиш коэффиценти, соат		
	6-10	11-15	16-24
1	2	3	4
Квартира туридаги турар жойлар			
умивальник (бет-қўл ювгич), мойка ва душлар билан			
4	0.65	0.74	0.79
5	0.69	0.8	0.86
6	0.72	0.85	0.93
7	0.76	0.91	1.0
ўтирадиган ванналар ва душлар билан			
4	0.72	0.79	0.83
5	0.75	0.84	0.89
6	0.77	0.88	0.94
7	0.8	0.93	1.0
1500-1700 мм узунлигидаги ванналар ва душлар билан			
4	0.76	0.82	0.85
5	0.78	0.8	0.9
6	0.8	0.9	0.95
7	0.83	0.94	1.0
бино баландлиги 12 қаватдан ортиқ бўлганида			
4	0.8	0.85	0.89
5	0.82	0.9	0.95
6	0.84	0.95	1.0
7	0.87	0.99	1.0
Ётоқхоналар			
умумий душ хоналари билан			
4	0.68	0.76	0.81
5	0.71	0.81	0.87
6	0.74	0.86	0.94
7	0.78	0.92	1.0
умумий душ хоналари, кир ювиш хоналари, ошхоналари билан			
4	0.65	0.74	0.79
5	0.68	0.8	0.86

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Иссиқлик таъминоти тизимининг ишлаш давомийлиги Хафта, сутка	Сутка давомида тизимнинг давомли ишлашида иссиқлик сарфларига тузатиш коэффициенти, соат		
	6-10	11-15	16-24
1	2	3	4
6	0.72	0.85	0.93
7	0.75	0.91	1.0
Меҳмонхоналар, мотеллар, пансионатлар			
умумий ванналар ва душ хоналари билан			
4	0.66	0.69	0.74
5	0.71	0.76	0.81
6	0.77	0.82	0.91
7	0.83	0.89	1.0
ҳар бир хонада ванналар ва душ хоналари билан			
4	0.53	0.53	0.54
5	0.68	0.69	0.69
6	0.84	0.84	0.85
7	0.99	1	1
Умумий хоналарнинг 25 фоизигача ванналар ва душ хоналари билан			
4	0.63	0.65	0.69
5	0.7	0.74	0.78
6	0.79	0.825	0.855
7	0.87	0.92	1.0
Умумий хоналарнинг 75 фоизигача ванналар ва душ хоналари билан			
4	0.56	0.57	0.59
5	0.68	0.71	0.72
6	0.82	0.835	0.865
7	0.95	0.97	1.0
Умумий турдаги санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар			
Умумий ванналар ва душ хоналари билан			
4	0.75	0.81	0.84
5	0.77	0.85	0.89
6	0.81	0.9	0.95
7	0.84	0.94	1.0
ҳар бир турар хонада ванналар билан			
4	0.57	0.63	0.66
5	0.66	0.73	0.77
6	0.75	0.84	0.89
7	0.84	0.94	1.0
Мактаб-интернатлар			
4	0.65	0.73	0.77
5	0.69	0.79	0.85
6	0.74	0.86	0.93
7	0.79	0.92	1.0
Болаларнинг тўлиқ сутка давомида бўладиган болалар ясли-боғчалари			
4	0.51	0.62	0.67
5	0.59	0.71	0.78
6	0.65	0.8	0.9
7	0.72	0.9	1.0

Изоҳ. Иссиқ сув таъминоти тизимини бир ҳафтада 4 кундан кам ишлашида тегишли объект учун минимал тузатиш коэффициентини қўлланиши зарур.

6-жадвал

Иссиқ сув таъминоти қувурларининг иссиқлик йўқотишлари (суратда — иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизимларига уланган иссиқ сув таъминоти тизими қувурининг бир погон метридаги иссиқлик йўқотишлари, махражда — иссиқлик таъминотининг — очик тизимларига уланган иссиқ сув таъминоти тизими — қувурининг бир погон метридаги иссиқлик йўқотишлари)

Қувур ётқизиш жойи ва усули	1 м қувурнинг (шартли ётқизиш) қуйидаги диаметрларда мм иссиқлик йўқотишлари, (ккал/соат)						
	15	20	25	32	40	50	70
Штробларда ёки коммуникацион шахтада ётқизишдаги асосий берувчи стояклар, изоляция қилинган	-	-	-	-	$\frac{17}{21.8}$	$\frac{19.1}{24.5}$	$\frac{23.4}{30}$
Сантехник кабинасининг шахтасида, жўякда ёки коммуникацион шахтада ётқизишда изоляция қилинган сочиқ қуритгичларисиз сув ажратувчи стояклар	$\frac{9.7}{12.8}$	$\frac{10.8}{14.2}$	$\frac{11.9}{15.7}$	$\frac{13.5}{17.8}$	-	-	-
Юқорида кўрсатилган сочиқ қуритгичи билан	-	$\frac{17.8}{23.4}$	$\frac{20.7}{27.3}$	$\frac{25.3}{33.3}$	-	-	-
Сантехник кабинасининг шахтасида, жўякда ёки коммуникацион шахтада ётқизишда изоляция қилинмаган ёки ванна хонасида, ошхонада очик ўтказилган сув ажратувчи стояклар	$\frac{20.7}{27.3}$	$\frac{25.5}{33.6}$	$\frac{30.2}{39.8}$	$\frac{37.8}{49.8}$	-	-	-
Изоляция қилинган тақсимловчи қувурлар ва ертўла ва зинапоялардаги стоякларнинг (берувчи) ёқилувчи участкалари	$\frac{13.5}{16.6}$	$\frac{15.0}{16.4}$	$\frac{16.5}{20.3}$	$\frac{18.8}{23.1}$	$\frac{20.8}{26.8}$	$\frac{23.4}{28.8}$	$\frac{26.6}{35.2}$
Совуқ чордоқда	$\frac{16.0}{19.7}$	$\frac{18.5}{21.9}$	$\frac{20.3}{24.1}$	$\frac{23.2}{27.5}$	$\frac{26.8}{30.4}$	$\frac{28.8}{34.2}$	$\frac{35.2}{41.8}$
Иссиқ чордоқда	$\frac{11.6}{14.7}$	$\frac{13.0}{16.5}$	$\frac{14.3}{18.1}$	$\frac{16.3}{20.6}$	$\frac{17.0}{22.7}$	$\frac{20.0}{25.6}$	$\frac{24.6}{31.2}$
Циркуляцияли қувурлар:							
Ертўлада, изоляция қилинган	$\frac{10.9}{14.0}$	$\frac{12.1}{15.6}$	$\frac{13.3}{17.1}$	$\frac{15.1}{19.4}$	$\frac{16.7}{21.8}$	$\frac{18.8}{24.2}$	$\frac{23.0}{29.6}$
